
ISSN: 2181-4007
www.tnmu.uz

THE JOURNAL OF HUMANITIES & NATURAL SCIENCES

GUMANITAR VA TABIIY FANLAR JURNALI

ISSUE 24
VOLUME I
2025



Informing scientific practices around the world through research and development

TIBBIYOT
NASHRIYOTI
MATBAA UYI

Gumanitar va tabiiy fanlar jurnali

Journal of humanities & natural sciences

ISSN: 2181–4007 (print)

ЖУРНАЛ ГУМАНИТАРНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

№ 24 (07), 2025. Vol. 1

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ro‘yxatdan o‘tkazilgan (guvohnoma № 040226).

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi tomonidan 2023 yil 5 maydan tibbiyot fanlari bo‘yicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan (OAK Rayosatining 337–son qarorga asosan).

Журнал зарегистрирован Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан (свидетельство № 040226).

Журнал включен в перечень научных изданий, рекомендованных к публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам с 5 мая 2023 года Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан (Согласно решению № 337 Президиума ВАК).

TIBBIYOT NASHRIYOTI MATBAA UYI
O‘zbekiston Respublikasi. Toshkent shaxri. Olmazor tumani. Farobiy ko‘chasi – 2. 100109
Tel.: (+998–91) 164–24–40, (+998–71) 214–90–64,
vebsayt: www.tnmu.uz, e–mail: asmehrid@gmail.com

TAHRIRIYAT JAMOASI

BOSH MUHARRIR:
D.Sc., professor
Gaybullayev Asilbek Asadovich

TAHRIRIYAT RAISI:
D.Sc., professor
Madazimov Madamin Muminovich

BOSH MUHARRIR O‘RINBOSARI
D.Sc., professor
Teshaev Oktyabr Ruxillaevich

MA'SUL KOTIB
Aslonova Zebiniso Anvarovna, Ph.D., dotsent
Xegay Lyubov Nikolaevna, t.f.n., dotsent

TAHRIRIYAT HAY'ATI A'ZOLARI

D.Sc., professor (Litva)	Pavalkis Dainius
D.Sc., professor (Portugaliya)	Megalhayz Tereza
D.Sc., professor (Hindiston)	Syed Naqi Abbas
D.Sc., profesor (Yaponiya)	Ayji Mano
D.Sc., professor (O‘zbekiston)	Boymurodov Shuhrat Abdujalilovich
D.Sc., professor (O‘zbekiston)	Shukurov Farxad Ishkulovich
D.Sc., profesor (O‘zbekiston)	Ergashev Ulug‘bek Yusufjonovich
D.Sc., professor (O‘zbekiston)	Ruziev Sherzod Ibodullaevich
D.Sc., professor (O‘zbekiston)	Nazarov Azadbek Axmedovich
D.Sc, professor (O‘zbekiston)	Muftaydinov Kiyomidin Xamdamovich
D.Sc., professor (Rossiya)	Nikonova Lyudmila Ivanovna
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Zufarov Aziz Alimjanovich
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Salaxiddinov Kamoliddin Zuxriddinovich
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Muradkasimova Kamola Shuhratovna
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Usmanova Durdona Djurabaevna
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Omonova Umida Tulkinovna
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Daminova Kamola Maratovna
D.Sc., dotsent (Meksika)	Velázkez Virna Vilchis
D.Sc., dotsent (O‘zbekiston)	Umarxodjaev Fatxulla Rixsixodjaevich
D.Sc. (O‘zbekiston)	Mahkamova Dilbar Kamaldjanovna
t.f.n., dotsent (O‘zbekiston)	Daminova Malika Nasirovna
t.f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)	Iskandarov Sherzod Abdig‘anievich
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Karimdjanova Guzal Akmaldjanovna
Ph.D., professor (O‘zbekiston)	Akramova Nozima Akramovna
Ph.D., professor (O‘zbekiston)	Gaybullayev Elbek Azizbekovich
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Iriskulova Elmira Uraimkulovna
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Abdullayeva Shakhlo Kurbanburiyevna
f–m.f.n., dotsent (O‘zbekiston)	Bazarbaev Muratali Irisalievich
f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)	Oltiev Temir Jonimboevich
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Abdukadirova Ikbol Kamaldjanovna
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Xalillaev Adilbek Kurambaevich
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Kobilova Feruza Nasrullaevna
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Azizova Fotimaxon Saidbaxramovna
Ph.D., dotsent (O‘zbekiston)	Akromov Ulug‘bek Sharobiddinovich
t.f.n. (O‘zbekiston)	Muftaydinova Shaxnoza Kiyomiddinovna
Ph.D. (O‘zbekiston)	Turamuratova Iroda Ilxombaevna
Ph.D. (O‘zbekiston)	Ismailova Jadida Axmedjanovna
Ph.D. (O‘zbekiston)	Ro‘zieva Zebo Ibodilloevna
Ph.D. (O‘zbekiston)	Jo‘raev Abdunazar Xatamnazarovich
Ph.D. (O‘zbekiston)	Babaraximova Sayyora Boriyevna
Ph.D. (O‘zbekiston)	Nuraliev Farid Nekkadamovich
Ph.D. (O‘zbekiston)	Ismailova Mahfuza Ubaydullaevna

МУНДАРИЖА – ОГЛАВЛЕНИЕ – CONTENTS

МЕДИЦИНА И ЗДРАВООХРАНЕНИЕ

Abdiolimov M.X. / Ishemik insult bilan kasallangan bemorlarda bosh miyaning metabolik holatini aniqlash 5

Axmatova K.A., Azizova D.M. / Multifokal ateroskleroz chaqirilgan xayvonlarda gmg-koa reduktaza faolligi ortishi fonida tana vazni va qorin aylanasining o‘zgarishi.....9

Boqijonova N.F. / Surunkali yurak ishemik kasalligini oldini olish va uni reabilitatsiya qilish tizimini takomillashtirish.....13

Abdunazarov T.S., Otaqulov O.O. / Tinnitus rivojlanishining erta bosqichida profilaktik choralarning samaradorligi.....17

Qadirjanova F.N. / Issiqlik elektr stansiyalari korxonalari ish sharoitini ishchilar salomatligiga ta’siri.....20

Zokirov M.M. / Characteristics of post-stroke depression in recurrent ischemic stroke.....23

Saminov T.T., Yuldashov F.Yu. / Morphological and histochemical aspects of the testis in men with nonobstruktive azoospermia 28

Бокижонов Ф.А. / Гигиеническая оценка здоровья работников железнодорожного транспорта ферганской долины.....31

Ashurova M.D. / Axborot va ta'lim muhitida tibbiyot instituti talabalarining kasbiy gigienik tafakkurniini shakllantirish metodikasi.....35

G‘ulomqodirov M.M., Muradimova A.R. / Insultdan keyingi depressiv sindromni klinik ko’rinishi 39

Мамараджапова Д.А., Талипова Ю.Ш., Тулабоева Г.М., Сагатова Х.М. / Изучение результатов аортокоронарного шунтирования у больных с ишемической болезнью сердца и сахарным диабетом 46

Сагатова Х.М., Тулабоева Г.М., Талипова Ю.Ш., Абдукадирова Н.М., Тоштемиров Ж.И. / Клапанларнинг дегенератив ўзгариши ва қон томирларининг атеросклеротик шикастланиши кузатилган беморларда клиник белгилар ва гемодинамик кўрсаткичлар таҳлили 55

Сагатова Х.М., Тулабоева Г.М., Талипова Ю.Ш., Абдукадирова Н.М., Тоштемиров Ж.И., Мамаражапова Д.А. /Клапанлар ва йирик томирларда дегенератив кальциноз аниқланган беморлар инструментал текширув натижаларининг таҳлили.....61

Siddiqov O.A. / Ferroterapiya usullarining qiyosiy tahlili: ionlashgan va kompleks shakllarining samaradorligi va xavfsizligi.....67

Siddiqov O.A. / Homiladorlik va gipertenziya: antigipertenziv dorilarni buyurishga klinik farmakologik yondoshuv.....72

Kenjaev L.R., Kenjaeva N.A., Makhmanazarov O.M. / Efficacy of minimally invasive methods for the treatment of post-traumatic scars using modern laser technologies.....76

Боймурадов Ш.А., Асадов Х.Ф., Асадов Х.Х. / Диагностические блокады при краниофациальной боли..79

Ne’matov A.S., Nuruzova Z.A., Yodgorova N.T. / Shigella shtammlarining molekulyar-genetik (PZR) tashxislash usullari 81

Мавлянов С.Н., Жапбарбергенова К.Р., Бектурганова З.К. / Бош жароҳатларининг ёшга доир жиҳатларига суд тиббий ёндашув 86

Eshchanova G.B., Matmurodov R.J., Babadjanov J.K., Jumanazarova Sh.R. / Surunkali limfoleykoz kasalligida hissiy buzilishlar va ularning hayot sifatiga ta’siri.....92

Абдуолимов А.А., Мамажонов Б.С. / Цереброваскуляр касалликларни ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини иммуногистокимёвий хусусиятлари 100

Tuychiyev L.N., Nuruzova Z.A., Mamatmusayeva F.Sh., Mo‘minova M.A. / OIV-infeksiyali bemorlarda mikrobiota peyzajidagi o‘zgarishlarning o‘ziga xos xususuyatlari.....108

Сабирова Г.А. / Условия труда рабочих производственно-упаковочного цеха и пути их улучшения.....118

Rasulov A.S., Rasulova N.A. / Blood parameters and their influence on the treatment of children with signs of rickets 125

Хегай Л.Н., Чембаев Б.Р., Бахрамов Ф.Ш., Ашуров З.Ш., Лян Е.М., Усербаева Р.К., Восиков Б.А., Кеворкова М.А. / Перспективы и проблемы внедрения цифровых технологий в практику охраны ментального здоровья 128

Sharipov R.Kh., Rasulova N.A. / A study of the efficacy of different forms of vitamin D in the treatment of rickets 134

ТЕЗИСНЫЕ МАТЕРИАЛЫ

Saidmurodova G.I., Usmonov R.J. / Tajribaviy metabolik sindromda tuxumdon morfologiyasi 138

Баймаков С.Р., Болтаев Ш.Ш., Юнусов С.Ш., Вали-зода Ф.В. / Значение свободноциркулирующей ДНК в выборе хирургической тактики лечения острой обтурационной кишечной непроходимости 140

Ташхаджаева М.Р., Аслонова З.А. / Клинический случай лечения пневмонии у пациентки с постинфарктным состоянием 142

Мамадалиев Х. / Основные тактики лечения антифосфолипидного синдрома в акушерстве и гинекологии 143

Аслонова З.А. / Глазной травматизм: выявление причин и значимых факторов риска 145

Аслонова З.А., Абдувалиева М.Б. / Совершенствование методов диагностики и лечения выпадения волос у женщин после родов 146

Аслонова З.А., Нурматова Н.Р. / Опыт лечения больных с акне с применением плазмолифтинга 147

Aslonova Z.A. / Evaluation of the toxicity of ophthalmic medicinal film for the treatment of penetrating eye wounds in a long-term experience 148

Аслонова З.А., Саидова М.А. / Опыт лечения пациентки с синдромом поликистоза яичников 149

Расулева С.С., Умарова Г.А. / Микронутриентларнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти 150

Тошматова З.У. / Методология исследования: применение системы fotofinder в военной дерматологии 151

Adilkhodjaev A.A., Yunusov S.Sh., Sabirov A.U. / Miniinvasive tactics in the mechanical jaundice of tumor etiology 153

Шаропова Л.И. / Некоторые генетические особенности аксиального спондилоартрита (аксСпА) 155

Наримова Г.Д., Алимова А.М. / Изменение уровня гормона роста при раке молочных желез в зависимости от возраста 156

Aslonov M.N., Aslonova Z.A. / Efficiency of the ELI-Viscero Test immunochemical analysis in the early diagnosis of multi-organ disorders in patients after COVID-19 157

Низомходжаев Ш.З., Рустамов А.С., Хужаев Б.А., Саатова У.М. / Совершенствование эндовидеохирургии в лечении спаечной болезни брюшной полости с помощью искусственного интеллекта 158

Тураева Ф.А., Маннанов А.М. / Оценка эффективности наружной терапии с использованием средств EPTA PSO 10 при врожденных формах ихтиоза у детей 160

Mannanov A.M., Turaeva F.A. / Features of onset and dynamics of clinical manifestations in congenital ichthyosis 161

Умарова Г.А., Фарманова Н.Т., Гаибназарова Д.Т. / Количественное определение флаваноидов в сухом экстракте противовоспалительного действия методом ВЭЖХ 162

Аслонова З.А., Мирсаидова М.М./ Совершенствование методов лечения келоидных рубцов после акне 163

МЕДИЦИНА И ЗДРАВООХРАНЕНИЕ

UDK: 616.831-005.4-073.75

ISHEMIK INSULT BILAN KASALLANGAN BEMORLARDA BOSH MIYANING METABOLIK HOLATINI ANIQLASH

Abdiolimov Mirodil Xasanboy o‘g‘li - mustaqil izlanuvchi
Farg‘ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti (Farg‘ona, O‘zbekiston)

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ishemik insult bilan kasallangan bemorlarda bosh miya metabolik holatini baholashda proton magnit-rezonans spektroskopiyasining diagnostik imkoniyatlari o‘rganildi. Tadqiqotda 40-70 yosh oralig‘idagi 90 nafar ishemik insult tashxisi qo‘yilgan bemorlar hamda sog‘lom shaxslardan iborat 30 kishilik nazorat guruhi ishtirok etdi. Barcha ishtirokchilarga 1,5 Tesla kuchga ega magnit-rezonans tomografiya apparatida miya tomografiyasi va proton magnit-rezonans spektroskopiya tekshiruvlari o‘tkazildi. Natijalar asosida bemorlarda N-asetilaspartat kontsentratsiyasining kamayishi, xolin va kreatin darajasining esa oshishi qayd etildi. Bu o‘zgarishlar insultdan keyingi neyron faoliyati, energetik buzilishlar va neyrodegenerativ jarayonlarning rivojlanishini ko‘rsatadi. Proton magnit-rezonans spektroskopiya usuli ishemik insult diagnostikasida miyaning biokimyoviy holatini baholashda yuqori informativlikka ega bo‘lib, davolash samaradorligini kuzatishda muhim rol o‘ynaydi.*

Kalit so‘zlar: *ishemik insult, magnit-rezonans spektroskopiya, miya metabolitlari, N-asetilaspartat, xolin, kreatin, biokimyoviy, terapiya*

ASSESSMENT OF BRAIN METABOLIC STATE IN PATIENTS WITH ISCHEMIC STROKE

Abdiolimov Mirodil Khasanboy ugli - Researcher
Fergana Medical Institute of Public Health (Fergana, Uzbekistan)

Annotation. *This article explores the diagnostic capabilities of proton magnetic resonance spectroscopy in evaluating the metabolic state of the brain in patients with ischemic stroke. The study involved 90 patients aged between 40 and 70 years with a confirmed diagnosis of ischemic stroke, as well as a control group consisting of 30 healthy individuals. All participants underwent brain imaging and proton magnetic resonance spectroscopy using a magnetic resonance tomography system with a field strength of 1.5 Tesla. The results showed a significant decrease in N-acetylaspartate concentration and an increase in choline and creatine levels in the affected individuals. These changes reflect post-stroke alterations in neuronal function, energy metabolism disorders, and the development of neurodegenerative processes. The proton magnetic resonance spectroscopy method is highly informative in assessing the biochemical state of the brain in ischemic stroke and plays an important role in monitoring treatment effectiveness.*

Keywords: *ischemic stroke, magnetic resonance spectroscopy, brain metabolites, N-acetylaspartate, choline, creatine, biochemical, therapy*

ОЦЕНКА МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ГОЛОВНОГО МОЗГА У ПАЦИЕНТОВ С ИШЕМИЧЕСКИМ ИНСУЛЬТОМ

Абдиолимов Миродил Хасанбой угли - соискатель
Ферганского медицинского института общественного здоровья (Фергана, Узбекистан)

Аннотация. *В данной статье изучены диагностические возможности протонной магнитно-резонансной спектроскопии в оценке метаболического состояния головного мозга у пациентов с ишемическим инсультом. В исследовании приняли участие 90 пациентов в возрасте от 40 до 70 лет с подтвержденным диагнозом ишемического инсульта, а также контрольная группа из 30 практически здоровых лиц. Всем участникам проводились томография головного мозга и протонная магнитно-резонансная спектроскопия с использованием томографа с напряжённостью магнитного поля 1,5 Тесла. По результатам исследования у больных отмечено снижение концентрации N-ацетиласпартата, а также повышение уровня холина и креатина. Эти изменения отражают постинсультные нарушения нейрональной активности, энергетического обмена и развитие нейродегенеративных процессов. Метод протонной магнитно-резонансной спектроскопии обладает высокой информативностью при оценке*

биохимического состояния головного мозга при ишемическом инсульте и имеет важное значение для мониторинга эффективности терапии.

Ключевые слова: *ишемический инсульт, магнитно-резонансная спектроскопия, метаболиты головного мозга, N-ацетиласпартат, холин, креатин, биохимия, терапия*

Zamonaviy nevrologik amaliyotda insult masalalari eng muhim va dolzarb muammolar qatorida qolmoqda. Miya insulti ijtimoiy-iqtisodiy sohalar nuqtai nazaridan etakchi o'rinni egallaydi. Ko'plab olimlarning fikricha, insultlar uzoq vaqtdan beri global epidemiya xarakteriga ega bo'lib, butun dunyo hamjamiyatiga haqiqiy xavf tug'dirmoqda. Miya insulti bosh miyaning eng og'ir patologiyasi bo'lib, bemorlarning o'lim va og'ir darajadagi nogironlik sabablarining eng muhim omili hisoblanadi. Bu diagnostika va terapevtik-reabilitatsiya sohasidagi yetarlicha katta yutuqlarga qaramay sodir bo'lmoqda. O'tkazilgan insultdan keyin yuzaga keladigan asoratlar nafaqat bemorning o'ziga, balki uning yaqinlariga ham salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ular tabiiy ravishda kasalga qarash uchun butunlay yangi hayot sharoitlariga moslashishi kerak. Insult o'tkazgan deyarli barcha bemorlarda u yoki bu darajada normal mehnat faoliyatiga layoqatsizlik mavjud. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, jabrlanganlarning faqat har to'rtinchisi optimal mehnat faoliyatiga qaytishi mumkin.

Klinik amaliyotda miya insultining klinik ko'rinishlarini tahlil qilishdan so'ng, ushbu patologiyani tasdiqlovchi neyrovizualizatsion tadqiqotlarni o'tkazish majburiydir. Ko'plab olimlarning ta'kidlashicha, instrumental diagnostikaning ko'plab usullari orasida ma'lumotlilik va samaradorlik jihatidan shubhasiz birinchi o'rinni magnit-rezonans tomografiyasi usuli egallaydi.

Biroq, ko'rsatilgan usullarning barcha afzalliklariga qaramay, ularning hech biri miya infarktlarida bosh miyaning biokimyoviy, ya'ni metabolik holatini aks ettira olmaydi. Aynan shu holat bizning fikrimizcha, ushbu toifadagi bemorlarda qo'llaniladigan terapiyaning muvaffaqiyat va adekvatligi uchun hal qiluvchi omil hisoblanadi.

Shuning uchun boshqa usullar bilan birga miyaning asosiy metabolitlari kontsentratsiyasini aniqlash insultda diagnostik tadbirlarning eng muhim bo'g'ini hisoblanadi. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun neyrovizualizatsiya usullaridan biri bo'lgan proton magnit-rezonans spektroskopiyasi (proton magnit-rezonans spektroskopiya) eng mos keladi.

Asosiy qism.

Tadqiqotimiz ishemik insult tashxisi qo‘yilgan bemorlarning bosh miya metabolik holatini o‘rganishga qaratildi. Tadqiqotda jami 90 nafar bemor ishtirok etdi. Barcha bemorlar 40 yoshdan 70 yoshgacha bo‘lgan shaxslardan iborat bo‘lib, ularning 50 nafari erkaklar (bu umumiy sonning 55,5 foizini tashkil qiladi), 40 nafari esa ayollar (44,4 foiz) edi. Tadqiqot ishtirokchilari insult belgilari bilan kasalxonaga murojaat qilgan, va ularning klinik holatlari ishemik insult tashxisiga mos kelgan. Nazorat guruhi sifatida sog‘lom, ya’ni nevrologik kasalliklari bo‘lmagan, yosh va jins bo‘yicha asosiy guruh ishtirokchilariga mos keladigan 30 nafar shaxs tanlab olindi. Ushbu shaxslar orasida 40 yoshdan 55 yoshgacha bo‘lganlar 15 nafarni, 56 yoshdan 70 yoshgacha bo‘lganlar esa 15 nafarni tashkil etdi. Bu nazorat guruhi yordamida ishemik insult bilan kasallangan bemorlarning metabolik ko‘rsatkichlari sog‘lom odamlar ko‘rsatkichlari bilan solishtirib baholandi.

Tadqiqotga bemorlarni tanlab olishda qat'iy ilmiy mezonlarga asoslanildi. Ishtirokchilarni jalb qilishda ham kiritish, ham chiqarish mezonlariga to'liq rioya qilindi. Kiritish mezonlari sifatida birinchi navbatda, bemorlarning yoshi 40 yoshdan kichik va 70 yoshdan katta bo'lmasligi belgilandi, ya'ni faqat 40-70 yosh oralig'idagi shaxslar tadqiqotga kiritildi. Barcha ishtirokchilarda klinik va instrumental diagnostika asosida ishemik insult tashxisi tasdiqlangan bo'lishi talab qilindi. Bundan tashqari, tadqiqot ishtirokchilarining yurak-qon tomir tizimi, markaziy asab tizimi yoki boshqa hayotiy muhim tizimlarda og'ir organik kasalliklar, masalan, genetik, ruhiy yoki onkologik kasalliklar mavjud emasligi shart qilib belgilandi. Har bir ishtirokchidan yoki uning yaqin qarindoshidan tadqiqotda ishtirok etish uchun yozma ravishda ongli rozilik olingan.


Tadqiqotdan chiqarish mezonlari ham aniq belgilangan bo'lib, ularga qat'iy amal qilindi. Bular orasida bemorning yoshi 40 yoshdan kichik yoki 70 yoshdan katta bo'lishi tadqiqotdan chiqarilish uchun asos bo'ldi. Shuningdek, bemorda afaziya, ya'ni nutqning to'liq yoki qisman buzilishi mavjud bo'lsa, bu holat bemor bilan samarali aloqa o'rnatish imkonini cheklagani sababli, u tadqiqotga kiritilmadi. Bosh miyada qon quyilishi bilan kechuvchi insult - gemorragik insult holatlari yoki ishemik insult o'choqlarida qon quyilish belgilari gemorragik transformatsiya mavjudligi aniqlangan bemorlar ham tadqiqotdan chiqarildi. Bundan tashqari, ong darajasining o'rtacha og'irlikdan yuqori bo'lgan buzilish holatlari, masalan, sopor, stupor yoki koma, bemorning holatini ob'ektiv baholash imkoniyatini cheklagani bois, bunday bemorlar ham tekshiruvga jalb qilinmadi. Psixomotor qo'zg'alish holatlari kuzatilgan bemorlar, ya'ni xatti-harakatlari beqaror va bashorat qilib bo'lmaydigan holatda bo'lgan shaxslar, tadqiqot davomida xotirjamlikni saqlab turolmasligi ehtimoli mavjud bo'lgani uchun ham chiqarib tashlandi. Bosh miya bilan bog'liq surunkali yoki progressiv kasalliklar, jumladan, Parkinson kasalligi, Altsgeymer kasalligi va boshqa neyrodegenerativ holatlar mavjud bemorlar ham tadqiqotga mos kelmadi. Shuningdek, ayrim bemorlarda texnik va fiziologik sabablar tufayli magnit-rezonans tomografiya yoki proton magnit-rezonans spektroskopiya tadqiqotlarini o'tkazishning imkoni bo'lmagan. Bunga yurak stimulyatori yoki boshqa metall implantlarning mavjudligi, bemorning yopiq joydan qo'rqishi (klaustrofobiya), tanada doimiy harakatga sabab bo'luvchi holatlar kiradi. Ana shu omillar mavjud bo'lgan bemorlar tadqiqotdan chiqarildi.

Spektroskopiya tadqiqotlari davomida asosiy metabolitlar - N-asetilaspartat, xolin va kreatin moddalari kontsentratsiyasi turli miya sohalarida tahlil qilindi. Ayniqsa, anterior singulat girus, kulrang modda va oq modda hududlariga alohida e'tibor qaratildi. Ushbu metabolitlar miya neyronlari holati, energetik almashinuvi, hujayra membranasi faoliyati va neyrodegenerativ jarayonlar haqida muhim ma'lumotlar beradi. Shuningdek, bemorlarda aniqlangan o'zgarishlar sog'lom shaxslarning mos indikatorlari bilan taqqoslandi.

Shu tarzda olib borilgan tadqiqot bemorlarning holatini nafaqat anatomik, balki molekulyar-metabolik darajada baholash imkonini berdi. Bu esa, o'z navbatida, ishemik insultdan keyingi neyronlar faoliyati, ularning saqlanib qolgan yoki zararlanganlik darajasini, energetik resurslarning holatini va dori vositalarining samaradorligini ob'ektiv ravishda kuzatish imkonini yaratdi.

Natijalar va muhokama.

Tadqiqot davomida ishemik insult tashxisi qo‘yilgan 90 nafar bemorning nevrologik holati va bosh miya metabolik ko‘rsatkichlari chuqur tahlil qilindi. Bemorlarning insult darajasi Xalqaro Nevrologik Insult Shkalasi asosida baholandi. Ushbu baholash natijasiga ko‘ra, 23 nafar bemorda nevrologik buzilishlar 10 ball va undan yuqori ko‘rsatkichlarni qayd etdi. Bu holat ularning holatini og‘ir darajadagi insult sifatida baholash imkonini berdi. Tadqiq ishtirokchilarining 45 nafari esa o‘rtacha og‘irlik darajasidagi insult belgilari bilan kechdi, bu bemorlarda 5 balldan 8 ballgacha bo‘lgan oraliqda baho berilgan. 22 nafar bemorda esa 4 ball va undan kam ko‘rsatkichlar qayd qilinib, bu holat engil darajadagi insult sifatida tavsiflandi. Ishemik insultdan so‘ng miyada yuzaga keladigan metabolik o‘zgarishlarni aniqlash maqsadida bemorlarga proton magnit-rezonans spektroskopiya tekshiruvlari o‘tkazildi. Bu neyrovizualizatsiya usuli yordamida 45 nafar bemorning bosh miya to‘qimalarida asosiy metabolik birikmalar, ya’ni N-asetilaspartat, xolin va kreatin darajalari o‘rganildi. Tadqiqot davomida ushbu metabolitlarning turli miya zonalarida, jumladan anterior singulat girus, kulrang modda va oq modda sohalarida sezilarli darajadagi o‘zgarishlari aniqlangan.



N-asetilaspartat miqdori neyronlarning morfologik yaxlitligini va ularning funksional faoliyatini ko‘rsatuvchi asosiy metabolit hisoblanadi. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, anterior singulat girus hududida N-asetilaspartat kontsentratsiyasi sezilarli darajada kamaygan bo‘lib, 1,72 millimol litrda aniqlangan. Ushbu o‘zgarish statistik jihatdan ishonchli bo‘lib, p qiymati 0,008 ga teng deb topildi. Kulrang moddaning o‘ng tomonida ham N-asetilaspartat miqdorining kamaygani aniqlandi, bu ko‘rsatkich 1,66 millimol litr atrofida bo‘lib, statistik ahamiyati 0,001 dan kichik bo‘ldi. Aksincha, miya oq moddasida, ya’ni chap va o‘ng yarim sharlarda ushbu metabolitning kontsentratsiyasi ortgani kuzatildi. Chap tomonda bu miqdor 2,48 millimol litrni, o‘ng tomonda esa 2,08 millimol litrni tashkil etdi, ushbu qiymatlar ham statistik jihatdan ahamiyatli deb topildi ($p<0,001$). N-

asetilaspartat miqdorining kamayishi insult natijasida yuzaga kelgan neyronlarning degeneratsiyasi va ularning hayotiy funksiyalarining izdan chiqqanligini ko‘rsatadi. Ayniqsa, kulrang modda zonalarida bunday o‘zgarishlarning mavjudligi neyronlarning yo‘qolishi, hujayraviy strukturalarning buzilishi va dastlabki atrofiya belgilari bilan izohlanadi. Bu holat neyronal tarmoqning izchil ishlashiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi va bemorda kognitiv hamda motorik funksiyalar tanqisligiga olib keladi.

Keyingi tahlillar chog‘ida xolin kontsentratsiyasidagi o‘zgarishlar ham diqqat markazida bo‘ldi. Xolin, odatda, hujayra membranasi metabolizmining o‘zgarishini va reaktiv glioz holatining shakllanishini bildiradi. Tadqiqot davomida anterior singulat girusda xolin kontsentratsiyasi 3,12 millimol litrga teng bo‘lib, statistik ahamiyatga ega ekani aniqlandi (p=0,016). Kulrang moddaning o‘ng yarim sharida esa xolin miqdori 3,11 millimol litr atrofida bo‘lib, bu ham ahamiyatli oshishni ko‘rsatdi (p=0,003). Ushbu o‘zgarishlar, xususan xolin miqdorining oshishi, insultdan keyingi asab to‘qimalarida glial hujayralarning faollashganligi, ularning ko‘payishi va hujayraviy membranalarning parchalanish jarayonlari bilan bog‘liqdir. Bunday jarayonlar ko‘pincha kuchli oksidativ stress, yallig‘lanish va nekrotik destruktsiya bilan kechadi.

Shuningdek, kreatin kontsentratsiyasi bo‘yicha ham sezilarli o‘zgarishlar kuzatildi. Ma’lumki, kreatin energetik almashinuvni ta’minlovchi metabolitlardan biri hisoblanadi va uning miqdori hujayra ichidagi energetik zaxiralar bilan bevosita bog‘liqdir. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, singulat girusning oldingi qismida kreatin miqdori 4,27 millimol litrni tashkil etib, bu sezilarli darajadagi ortishni anglatdi (p<0,001). Ushbu oshish hujayralarda kompensatsion metabolik faollik ortishini ko‘rsatadi. Singulat girusning orqa qismida ham shunga o‘xshash o‘zgarishlar aniqlandi - bu yerda kreatin miqdori 3,36 millimol litr darajasida qayd etildi (p=0,004). Ayni paytda kulrang moddaning o‘ng yarim sharida kreatin miqdorining 2,42 millimol litrga pasaygani aniqlandi (p<0,001), bu esa aynan shu mintaqalarda energetik tanqislik va hujayralar darajasida funksional zaiflikni bildiradi.

Yuqoridagi metabolik o‘zgarishlar insult kechgan bemorlarda miyada yuzaga kelgan neyronal shikastlanish, glial reaktsiyalar va energetik disbalansni yaqqol ko‘rsatadi. Anterior singulat girusdagi metabolik ko‘rsatkichlar insulьt natijasida yuzaga kelgan struktural va funksional yomonlashuvni aks ettirib, bu mintaqadagi neyronlar sezilarli darajada zarar ko‘rganini ko‘rsatadi. Xolin va kreatin miqdorlarining ortishi esa glioz, membrana parchalanishi, energetik kompensatsion mexanizmlarning faollashuvi kabi ikkilamchi reaktiv jarayonlarning boshlanishidan dalolat beradi. Ayniqsa, kreatin miqdorining oraliq miya tuzilmalarida oshishi organizm tomonidan energetik defitsitga qarshi kurashish mexanizmlarining ishga tushganini anglatadi.

Barcha bu o‘zgarishlar klinik holat bilan ham uzviy bog‘liq bo‘lib, og‘ir insult kechirgan bemorlarda metabolik buzilishlar darajasi ancha yuqori bo‘lgani kuzatildi. Aniqroq aytganda, nevrologik holati og‘ir darajada baholangan bemorlarda N-asetilaspartat kontsentratsiyasining sezilarli pasaygani, xolin va kreatin miqdorining esa keskin oshgani qayd etildi. Bu esa insultdan so‘ng miyada yuzaga keluvchi neyrodegenerativ jarayonlar, oksidlovchi stress, mitoxondrial disfunktsiya va hujayra membranalarining zararlanishi kabi patogenetik omillarni tasdiqlaydi. Olingan natijalardan xulosa qilish mumkinki, proton magnit-rezonans spektroskopiyasi insult bilan kasallangan bemorlarda bosh miyaning molekulyar va biokimyoviy holatini baholashda nihoyatda samarali va informativ neyrovizualizatsion usul hisoblanadi. U nafaqat mavjud metabolik o‘zgarishlarni aniqlashga, balki insultdan keyingi jarayonlarning bosqichma-bosqich dinamikasini kuzatishga ham imkon yaratadi. Bu esa, o‘z navbatida, insult kechirgan bemorlar uchun individual yondashuv asosida reabilitatsiya va davolash strategiyalarini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa o‘rnida aytganda, olingan statistik ahamiyatli tadqiqot natijalariga ko'ra, bosh miyaning asosiy metabolitlarining N-asetilaspartat, xolin, kreatin barcha ko'rsatilgan kimyoviy siljishlari bevosita energetik o'zgarishlar, neyrotransmissiya buzilishi va neyrodegeneratsiya jarayonlarining kuchayishiga sabab bo'ladi. Bular o'z navbatida, ushbu toifadagi bemorlarda adekvat terapiyasiz bosh miyaning atrofik o'zgarishlarining paydo bo'lishiga yordam beradi. Proton magnit-rezonans spektroskopiya usuli ishemik insult bemorlarda bosh miyaning o'zgargan metabolik ko'rsatkichlariga duchor bo'lgan sohalarini aniqlash imkonini berdi. Ushbu usul kasallikning dinamikasini kuzatish va o'tkazilayotgan terapiyaning samaradorligini baholash imkoniyatini taqdim etadi.

ADABIYOTLAR

1. Алиджанова Д.А. Метаболические изменения головного мозга при цереброваскулярных заболеваниях. // Неврология. - 2023. - №2. - С. 45-52.
2. Закирова Ф.Н., Маджидова Я.Н. Современные методы нейровизуализации при ишемическом инсульте. // Медицинский журнал Узбекистана. - 2024. - №3. - С. 78-85.
3. National Institutes of Health Stroke Scale (NIHSS). Stroke. 1989; 20:864-870.
4. Фокин В.А. Комплексное магнитно-резонансное исследование в диагностике ишемического инсульта. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. - СПб., 2008. - 48 с.
5. Лобзин В.Ю. Сосудисто-нейродегенеративные когнитивные нарушения. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. - СПб., 2016. - 52 с.

MULTIFOKAL ATEROSKLEROZ CHAQIRILGAN XAYVONLARDA GMG-KOA REDUKTAZA FAOLLIGI ORTISHI FONIDA TANA VAZNI VA QORIN AYLANASINING O‘ZGARISHI

Axmatova Kamola Alijon qizi – tayanch doktorant
Azizova Dilzoda Maratovna – t.f.d., dotsent
Toshkent davlat tibbiyot universiteti (Toshkent, O‘zbekiston)

Annotatsiya. *Mazkur ilmiy maqolada multifokal ateroskleroz chaqirilgan eksperimental hayvonlarda 3-gidroksi-3-metilglutaril koenzim A reduktaza (GMG-KoA reduktaza) faolligining ortishi bilan bog‘liq tana vazni va qorin aylanasidagi o‘zgarishlar tahlil qilingan. Tadqiqotda hayvonlarga xolesterin berish orqali multifokal ateroskleroz modeli yaratilib, ularning antropometrik ko‘rsatkichlari va GMG-KoA reduktaza faolligi aniqlangan. Olingan natijalar ushbu fermentning lipid almashinuvi buzilishlari va abdominal semirish bilan bilvosita bog‘liqligini ko‘rsatib, bu holat multifokal ateroskleroz patogenezida GMG-KoA reduktazaning muhim rol o‘ynashini tasdiqlaydi.*

Kalit so‘zlar: *GMG-KoA reduktaza, multifokal ateroskleroz, tana vazni, qorin aylanasining o‘zgarishi, lipid almashinuvi, eksperimental model, ferment faolligi, abdominal semirish.*

ИЗМЕНЕНИЯ МАССЫ ТЕЛА И ОКРУЖНОСТИ ЖИВОТА НА ФОНЕ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ ГМГ-КОА-РЕДУКТАЗЫ У ЖИВОТНЫХ С ИНДУЦИРОВАННЫМ МУЛЬТИФОКАЛЬНЫМ АТЕРОСКЛЕРОЗОМ

Ахматова Камола Алижановна – соискатель степени Ph.D.
Азизова Дильзода Маратовна – д.м.н., доцент
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В настоящей научной статье проанализированы изменения массы тела и окружности живота на фоне повышения активности 3-гидрокси-3-метилглутарил-коэнзим А редуктазы (ГМГ-КоА редуктазы) у экспериментальных животных с индуцированным мультифокальным атеросклерозом. Модель мультифокального атеросклероза была создана путём введения холестерина, после чего оценивались антропометрические показатели животных и активность ГМГ-КоА редуктазы. Полученные результаты демонстрируют опосредованную связь между активностью данного фермента, нарушениями липидного обмена и абдоминальным ожирением, что подтверждает важную роль ГМГ-КоА редуктазы в патогенезе мультифокального атеросклероза.*

Ключевые слова: *ГМГ-КоА редуктаза, мультифокальный атеросклероз, масса тела, окружность живота, липидный обмен, экспериментальная модель, активность ферментов, абдоминальное ожирение.*

CHANGES IN BODY WEIGHT AND ABDOMINAL CIRCUMFERENCE AGAINST THE BACKGROUND OF INCREASED HMG-CoA REDUCTASE ACTIVITY IN ANIMALS WITH INDUCED MULTIFOCAL ATHEROSCLEROSIS

Akhmatova Kamola Alijon kizi – Ph.D. student
Azizova Dilzoda Maratovna – D.M.Sc., associate professor
Tashkent State Medical University (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *This scientific article analyzes changes in body weight and abdominal circumference associated with increased activity of 3-hydroxy-3-methylglutaryl coenzyme A reductase (HMG-CoA reductase) in experimental animals with induced multifocal atherosclerosis. A model of multifocal atherosclerosis was developed by administering cholesterol to the animals, followed by the evaluation of their anthropometric parameters and HMG-CoA reductase activity. The obtained results indicate an indirect relationship between the activity of this enzyme and disorders of lipid metabolism as well as abdominal obesity, thereby confirming the significant role of HMG-CoA reductase in the pathogenesis of multifocal atherosclerosis.*

Keywords: *HMG-CoA reductase, multifocal atherosclerosis, body weight, abdominal circumference, lipid metabolism, experimental model, enzyme activity, abdominal obesity.*

Kirish. Yigirmanchi asrning o‘rtalaridan boshlab, surunkali yuqumli bo‘lmagan kasalliklar dunyoning barcha davlatlari aholisi o‘limining asosiy sabablaridan biriga aylandi. Ular orasida qon aylanish kasalliklari O‘zbekistonda yetakchi o‘rin egallab, 2022 yilga kelib, umumiy o‘lim tarkibida 61,7%ni tashkil etdi. Bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligi (O‘zResSSV) ma’lumotlariga ko‘ra, so‘ngi 2 yil ichida kardiojarrohlik operatsiyalari sakkiz barobarga ko‘paydi [1].

Ko‘pgina surunkali yuqumli bo‘lmagan kasalliklar aterosklerozga asoslangan bo‘lib, u ko‘p yillar

davomida klinik alomatlarsiz davom etadi va namoyon bo‘lganda esa kasallik yetarlicha jiddiy holatga yetgan bo‘ladi. 50%dan ortiq holatlarda to‘satdan yurak o‘limi yoki o‘tkir miokard infarkti ateroskle-rozning subklinik bosqichida sodir bo‘ladi.

Multifokal ateroskleroz tufayli kelib chiqqan qon aylanish kasalliklari butun dunyo bo‘ylab kasalliklardan o‘limning asosiy sababidir. Multifokal aterosklerozni keltirib chiqaradigan xavf omillaridan biri bu yallig‘lanish bo‘lib hisoblanadi. Ko‘plab ilmiy tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, tug‘ma yoki orttirilgan xavf omillari bilan surunkali yallig‘lanish reaksiyalari multifokal ateroskleroz, pilakcha yorilishi va eroziyasi, hamda keying qon aylanish kasalliklarining paydo bo‘lishi va rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi [1].

Jigar hujayra membranasida joylashgan rZPLp yordamida qondagi ZPLpni ola oladi. U ZPLp qismlari bilan bog‘lanib, ZPLpni endositoz yo‘li bilan yutadi [2]. Xujayra ichidagi xolesterin miqdoriga mos ravishda transkripsion va posttranskripsion yo‘llar orqali rZPLp stimulatsiyasi qat’iy ravishda boshqariladi. Ateroskleroz yurak-qon tomir kasalliklarining asosiy patogenetik asosini tashkil qiluvchi surunkali kasallik bo‘lib, u qon tomir devorlarida lipidlar, hujayra elementlari va tolali to‘qimalarning to‘planishi natijasida blyashkalar shakllanishi bilan kechadi. Ayniqsa, multifokal ateroskleroz holatida bu jarayon bir vaqtning o‘zida bir nechta arteriyalarning (masalan, koronar, karotid va pastki ekstremitalar arteriyalari) zararlanishi bilan kechadi. Bunday holat yurak xuruji, insult va oyoq gangrenasigacha olib keluvchi og‘ir asoratlar xavfini keskin oshiradi [3]. Multifokal aterosklerozning rivojlanishida asosiy o‘rin tutuvchi omillardan biri bu dislipidemiya, xususan plazmadagi xolesterin va past zichlikdagi lipoproteinlar (LDL) darajasining ortishidir [4]. Bu metabolik o‘zgarishlar orqasida turgan asosiy fermentlardan biri 3-gidroksi-3-metilglutaril-KoA reduktaza (GMG-KoA reduktaza) hisoblanadi. GMG-KoA reduktaza xolesterin biosintezining asosiy fermenti bo‘lib, u mevalonat yo‘lining boshlang‘ich bosqichida 3-gidroksi-3-metilglutaril-KoA ni mevalonatga aylantiradi [5]. Mevalonat esa nafaqat xolesterin, balki boshqa muhim biomolekulalar, jumladan koenzim Q va steroid gormonlar sintezi uchun zarur bo‘lgan oraliq mahsulotdir. Ko‘plab eksperimental va klinik tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, GMG-KoA reduktaza faolligining ortishi multifokal ateroskleroz patogenezida hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Xususan, hayvonlar ustida o‘tkazilgan tajribalarda bu ferment faolligi oshirilgan modellarida nafaqat umumiy xolesterin va LDL darajalari ortgan, balki bir nechta arteriyalarda pilakchalar shakllanishi aniqlangan [6]. GMG-KoA reduktazaning ushbu patogenetik roli klinik jihatdan ham tasdiqlangan. Fermentning faolligini pasaytiruvchi statinlar nafaqat xolesterin darajasini tushiradi, balki multifokal aterosklerozli bemorlarda kasallikning progressini sekinlashtiradi [7]. Buning sababi statinlarning GMG-KoA reduktazani ingibirlashidir, bu esa xolesterin sintezini kamaytiradi va lipid muvozanatini tiklaydi [4]. Bundan tashqari, ushbu fermentning ortiqcha faolligi bilan abdominal semirish (qorin atrofidagi yog‘ to‘planishi), tana vaznining ortishi va metabolik sindrom elementlari ham bog‘liq ekanligi aniqlangan [3]. Bu esa GMG-KoA reduktazaning nafaqat lipid almashinuviga, balki metabolik va yallig‘lanishli jarayonlarga ham bevosita ta’sir ko‘rsatishini ko‘rsatadi. GMG-KoA reduktaza multifokal ateroskleroz rivojlanishida markaziy ferment bo‘lib, uning ortiqcha faolligi lipidlar almashinuvi buzilishi, xolesterin ortishi, pilakcha shakllanishi va metabolik buzilishlar bilan chambarchas bog‘liq. Ushbu fermentni nishonga oluvchi dori vositalari (xususan, statinlar) aterosklerozga qarshi kurashda samarali vosita bo‘lib xizmat qilmoqda.

Tadqiqot maqsadi: Multifokal ateroskleroz kelib chiqishida muhim ahamiyatga ega bo‘lgan GMG-KoA reduktaza (3-gidroksi 3-metil glutaril koenzim A reduktaza) faolligini korreksiyalashning yangi prinsiplarini baholash.

Material va tadqiqot usullari: Eksperimental ateroskleroz modeli chaqirish uchun qiristal xolesterinning 0,2gr/kg dozada xar kuni (2oy) davomida quyonlarning og‘iz orqali oshqozonga maxsus zont orqali yuborildi. Tadqiqot erkak quyonlarda amalga oshirildi. 2 oy davomida kristal xolesterinning 0,2gr/kg dozada oshqozonga yuborildi. Eksperimental multifokal ateroskleroz rivojlanish dinamikasida (xar 20 kunda) va uni korreksiyalash jarayonida (xar 10 kunda) qon zardobida lipid almashinuv ko‘rsatkichlari (triglitseridlar) Human (Germaniya) reagentlari yordamida BA-88-A-polavtomat biokimyoviy analizatorda aniqlandi. Shuningdek, qon zardobi tarkibida 3-gidroksi 3-metil glutaril koenzim A reduktaza (GMG-KoA reduktaza) fermenti fermenti miqdorlari Elabscience Bionovation Inc. tomonidan ishlab chiqarilgan PCSK9 Elisa Kit (AQSH) hamda HMG-CoAR Elisa Kit reagentlari yordamida MR 96A immunoferment analizatorda FM2023 0414707 raqamli grant doirasida aniqlandi.

Tadqiqot amalga oshirish davomida quyonlarning tana vazni va qorin aylanasini o‘zgarish dinamikasida (xar 20 kunda) va uni korreksiyalash jarayonida (xar 10 kunda) ko‘rsatkichlari o‘rganildi.

Olingan tadqiqot natijalari variatsion statistika usuli bilan Microsoft Office dasturida olingan guruhlarning o‘rtacha ko‘rsatkichlari (M±m) n farqlari Styudentning t-kriteriysi bo‘yicha qayta ishlandi.

Tadqiqotning olingan natijalari: Intakt (sog‘lom) quyonlarda (GMG-KoA reduktaza) ga antitelo konsentratsiyasi 0,20±0,01 pg/ml miqdorida bo‘lib, quyonlar uchun ushbu ko‘rsatkich normal deb qabul qilindi. Ma’lum bo‘lishicha, multifokal ateroskleroz chaqirish jarayonida quyonlarning 20, 40 va 60 kunlarda bu (GMG-KoA reduktaza)ga antitanacha konsentratsiyasi ko‘rsatkichi sezilarli darajada oshganligi aniqlangan. Olingan natijalar 1- jadvalda keltirilgan.


1 Jadval.

Tajriba quyonlarida multifokal aterosklerozni yuzaga chiqarish dinamikasi (M±m) n=40


	Qon zardobidagi GMG-KoA reduktazaning konsentratsiyasi (pg/ml)			
	Boshlang'ich	20-kun	40-kun	60-kun
Intakt	0,20±0,01	0,23± 0,03	0,21 ± 0,01	0,22± 0,01
Nazorat (kasallangan)		0,25± 0,02	0,31± 0,03	0,36± 0,04

Izoh: ** - p<0,05 sog'lomga nisbatan*

Tadqiqotning keyingi bosqichida tajribadagi xayvonlarning tana vazni va qorin aylanasi ko'rsatkichlari 20-40 va 60 kunlarda o'rganildi. Olingan natijalar 1 va 2 rasmlarda keltirilgan.



1 rasm. **Tajriba quyonlarida multifokal aterosklerozni yuzaga chiqarish jarayonida tana vazni dinamikasi (kg) (M±m) n=40**



2 rasm. **Tajriba quyonlarida multifokal aterosklerozni yuzaga chiqarish jarayonida qorin aylanasi (sm), (M±m) n=40**

Yuqorida keltirilgan 1 va 2 rasmlarga asoslanib tana vazni 40 kundan so‘ng boshlang‘ich tana vazniga nisbatan solishtirilganda $p<0,05$ statistik farq xosil bo‘ldi va 60 kunda xam statistik farq qildi. Qorin aylanasi esa 40 va 60 kunlarda boshlang‘ichga nisbatan statistik farq yaqqol ko‘rindi.

Xulosa. Ushbu tadqiqot natijalari multifokal aterosklerozda lipid metabolizmining buzilishlari rivojlanishida GMG-KoA-reduktaza fermentining muhim patogenetik rolini ta’kidlaydi. Ushbu ferment faolligining oshishi xolesterin sintezining kuchayishiga olib keladi, bu esa bir nechta qon tomirlarda aterosklerotik o‘zgarishlarning yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi. Statinlarni GMG-KoA-reduktaza ingibitori sifatida qo‘llash fermentativ faollikning sezilarli darajada pasayishini va bu esa uning lipid profilini barqarorlashtirishdagi potensialini ko‘rsatadi. Zamonaviy kardiologiya va lipidologiyada jigardagi ZPLp retseptorlarning degradatsiyasini tartibga soluvchi PCSK9 tip oqsili alohida yondashuv talab qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Д.М.Азизова, И.Р.Мавлянов, Р.А.Сабирова, М.У.Кулманова, А.Б.Солиев, Г.Ж.Жарылкасынова. Разработка новых подходов к коррекции гиперлипидемии с учётом изменения жирнокислотного состава сыворотки крови//Анализ риска здоровью. – 2020. - № 2. – С. 152-163. DOI: 10.21668/health.risk/2020.2.17

2. Emerging Risk Factors C, Kaptoge S, Di Angelantonio E, Lowe G, Pepys MB, Thompson SG, et al. C-reactive protein concentration and risk of coronary heart disease, stroke, and mortality: an individual participant meta-analysis. Lancet. (2010) 375: 132–40. doi: 10.1016/S0140-6736(09)61717-7

3. Goldstein, J.L., Brown, M.S. (2015). Regulation of the mevalonate pathway. *Cell*, 161(4), 658–669.

4. Grundy, S.M. (2016). LDL cholesterol: role in atherosclerosis and therapeutic targets. *Circulation Research*, 118(4), 692–700.

5. Libby, P. (2021). Inflammation in atherosclerosis. *Nature*, 420(6917), 868–874.

6. Zhang, Y. et al. (2017). The role of HMG-CoA reductase in lipid metabolism and atherosclerosis development: Experimental insights. *Atherosclerosis Journal*, 265, 220–228.

7. Cannon, C.P. et al. (2004). Intensive versus moderate lipid lowering with statins in coronary patients. *NEJM*, 350(15), 1495–1504.

UDK: 616.127-005.8-036.12:616-08

SURUNKALI YURAK ISHEMIK KASALLIGINI OLDINI OLISH VA UNI REABILITATSIYA QILISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

Boqijonova Nargizaxon Foziljon qizi - assistent
Central Asian Medical University (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ishemik yurak kasalligini oldini olish va reabilitatsiya tizimlarini takomillashtirish bo'yicha zamonaviy yondashuvlar tahlil qilingan. Maqsadi esa profilaktika va reabilitatsiya dasturlarini optimallashtirish orqali bemorlar hayot sifatini oshirish va kasallik rivojlanishini sekinlashtirish. Multidissiplinar davolash, individual dasturlar va zamonaviy diagnostika usullari asosiy yondashuv sifatida ko'rib chiqilgan. Tadqiqot natijalari kompleks yondashuvlar bemorlar prognozini yaxshilashini ko'rsatadi. Ilmiy ahamiyati shundaki, yangi terapevtik strategiyalar ishlab chiqish imkoniyatida namoyon bo'ladi.*

Kalit so'zlar: *ishemiya, kardiovaskulyar profilaktika, reabilitatsiyasi, miokard infarkti, angina pektoris, koronar arteriya kasalligi, multidissiplinar, reabilitatsiya, farmakoterapiya, modifikatsiya.*

IMPROVING THE SYSTEM OF PREVENTION AND REHABILITATION OF CHRONIC ISCHEMIC HEART DISEASE

Boqijonova Nargizakhon Foziljon kizi - assistant
Central Asian Medical University Tashkent, Uzbekistan)

Annotation. *This article analyzes modern approaches to improving the prevention and rehabilitation systems for ischemic heart disease. The main objective is to enhance patients' quality of life and slow disease progression by optimizing prevention and rehabilitation programs. Multidisciplinary treatment, individualized rehabilitation plans, and the use of modern diagnostic methods are considered key strategies. The results demonstrate that comprehensive approaches significantly improve patient outcomes. The scientific significance lies in the potential to develop new therapeutic strategies applicable to contemporary clinical practice.*

Keywords: *ischemia, cardiovascular prevention, rehabilitation, myocardial infarction, angina pectoris, coronary artery disease, multidisciplinary, rehabilitation, pharmacotherapy, modification.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПРОФИЛАКТИКИ И РЕАБИЛИТАЦИИ ХРОНИЧЕСКОЙ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ СЕРДЦА

Бокижонова Наргизахон Фозилжон кизи - ассистент
Central Asian Medical University (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье проанализированы современные подходы к совершенствованию систем профилактики и реабилитации ишемической болезни сердца. Цель исследования-улучшение качества жизни пациентов и замедление прогрессирования заболевания за счёт оптимизации профилактических и реабилитационных программ. В качестве основных направлений рассмотрены мультидисциплинарное лечение, индивидуализированные программы и современные методы диагностики. Результаты показывают, что комплексный подход существенно улучшает прогноз у пациентов. Научная значимость заключается в разработке новых терапевтических стратегий, применимых в современной клинической практике.*

Ключевые слова: *ишемия, сердечно-сосудистая профилактика, реабилитация, инфаркт миокарда, стенокардия, коронарная болезнь сердца, мультидисциплинарный подход, фармакотерапия, модификация.*

Bugungi kunda surunkali yurak ishemik kasalligi dunyodagi eng keng tarqalgan va o'limga olib keladigan kasalliklardan biri hisoblanadi. Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, kardiovaskulyar kasalliklar har yili 17,9 million kishining hayotiga zomin bo'ladi, bu umumiy o'lim holatlarining 31 foizini tashkil etadi. Ishemik yurak kasalligi koronar arteriyalarning aterosklerotik shikastlanishi natijasida miokardning qon bilan ta'minlanishining buzilishi bilan tavsiflanadi. Kasallikning patogenezi murakkab jarayon bo'lib, genetik predispozitsiya, atrof-muhit omillari va hayot tarzining ta'sirida shakllanadi. Zamonaviy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ishemik yurak kasalligining rivojlanishida endotel disfunksiyasi, yallig'lanish jarayonlari va oksidativ stress muhim rol o'ynaydi. Bu jarayonlar koronar arteriyalarning lumenini toraytirish va tromboz xavfini oshirishga olib keladi. Ishemik

yurak kasalligining profilaktikasi va reabilitatsiyasi zamonaviy kardiovaskulyar tibbiyotning ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Evidensga asoslangan tibbiyot prinsiplariga ko'ra, samarali profilaktik choratadbirlar kasallik rivojlanish xavfini 80 foizgacha kamaytirishi mumkin. Reabilitatsiya dasturlari esa mavjud kasallik sharoitida bemorlarning funksional imkoniyatlarini tiklash va hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan.

Surunkali ishemik yurak kasalligi global sog'liqni saqlash tizimi oldida turgan eng katta qiyinchiliklardan biridir. Kasallikning tarqalishi geografik hududlar, ijtimoiy-iqtisodiy holat va demografik xususiyatlarga qarab sezilarli farq qiladi. Rivojlangan mamlakatlarda kasallikning standardlashtirilgan ko'rsatkichlari pasayish tendensiyasini ko'rsatsa-da, rivojlanayotgan davlatlarda aksincha o'sish kuzatilmoqda. Epidemiologik tadqiqotlar ishemik yurak kasalligining asosiy xavf omillarini aniq aniqlagan. Nazorat qilinadigan xavf omillari orasida arterial gipertenziya, disbetalipoproteinemiya, diabetes mellitus, chekish, semirib ketish va jismoniy faolsizlik kiradi. Nazorat qilinmaydigan omillarga yosh, jins va irsiy predispozitsiya kiradi. Zamonaviy tadqiqotlar psixososial omillarning, jumladan stress, depressiya va ijtimoiy izolyatsiyaning kasallik rivojlanishidagi rolini ham isbotlagan. Metabolik sindrom ishemik yurak kasalligi uchun alohida xavf omili hisoblanadi. Bu sindrom insulin qarshiligi, abdominal semirib ketish, disbetalipoproteinemiya va arterial gipertenziyaning kombinatsiyasi bilan tavsiflanadi. Metabolik sindromga chalingan bemorlarda kardiovaskulyar hodisalar riski ikki-uch baravar oshadi.

Ishemik yurak kasalligining zamonaviy diagnostikasi kompleks yondashuv asosida amalga oshiriladi. Klinik ko'rik, elektrokardiografiya, stres testlari va tasviriy diagnostika usullarining kombinatsiyasi aniq tashxis qo'yish imkonini beradi. Stress ekokardiografiya va miokard perfuziyasining radionuklid tadqiqi ishemik zonalarni aniqlash uchun yuqori informatik qiymatga ega. Koronar angiografiya ishemik yurak kasalligining "oltin standart" diagnostika usuli hisoblanadi. Invaziv bo'lmagan koronar angiografiya usullari, jumladan kompyuter tomografiya angiografiyasi va magnit-rezonans angiografiyasi ham keng qo'llanilmoqda. Bu usullar koronar arteriyalarning anatomik holatini baholash va stenoz darajasini aniqlash imkonini beradi. Xavf stratifikatsiyasi ishemik yurak kasalligi bo'lgan bemorlarni boshqarishning muhim komponentidir. Framingham, SCORE va boshqa xavf kalkulyatorlari kardiovaskulyar hodisalar ehtimolligini baholash uchun ishlatiladi. Yuqori xavfli bemorlar intensiv davolash va qattiq nazoratni talab qiladi.

Ishemik yurak kasalligining birlamchi profilaktikasi xavf omillarini nazorat qilish va hayot tarzini o'zgartirishga asoslanadi. Arterial bosimni nazorat qilish profilaktikaning asosiy qismidir. Sistolik arterial bosim 140 mmHg dan past bo'lishi kerak, yuqori xavfli bemorlarda esa 130 mmHg dan past bo'lishi tavsiya etiladi. Disbetalipoproteinemiyani korreksiya qilish uchun statin preparatlari birinchi tanlov hisoblanadi. Kam zichlikdagi lipoprotein xolesterin darajasi 2,6 mmol/l dan past bo'lishi kerak, yuqori va juda yuqori xavfli bemorlarda esa 1,8 va 1,4 mmol/l dan past bo'lishi lozim. Ezetimib va PCSK9 inhibitorlari statin terapiyasiga qo'shimcha sifatida ishlatilishi mumkin. Diabetes mellitusni nazorat qilish ishemik yurak kasalligi profilaktikasining muhim qismidir. Glikirlangan gemoglobin darajasi 7 foizdan past bo'lishi kerak. Metformin birinchi tanlov preparati hisoblanib, kardioprotektiv ta'sirga ega. SGLT2 inhibitorlari va GLP1 retseptor agonistlari ham kardiovaskulyar hodisalar xavfini kamaytiradi. Chekishni to'xtatish profilaktikaning eng samarali choralaridan biridir. Chekishni to'xtatgandan bir yil o'tgach kardiovaskulyar xavf ikki baravar kamayadi. Nikotinni almashtirish terapiyasi, bupropion va varenicline chekishni tashlab yuborish uchun samaralidir.

Ishemik yurak kasalligi bo'lgan bemorlar uchun ikkilamchi profilaktika hayotiy muhimdir. Antiagregant terapiya kardiovaskulyar hodisalarni oldini olishning asosiy usuli hisoblanadi. Aspirin 75-100 mg kunlik dozada barcha bemorlarga ko'rsatiladi. Clopidogrel aspiringa ziddiyat bo'lganda yoki qo'shimcha antiagregant ta'sir kerak bo'lganda ishlatiladi. Beta-blokatorlar miokard infarktidan keyin va yurak yetishmovchiligi bo'lgan bemorlarda ko'rsatiladi. Metoprolol, bisoprolol va carvedilol klinik tadqiqotlarda samaradorligi isbotlangan. Angiotenzin aylantirishni bloklovchi ferment inhibitorlari va angiotenzin retseptor blokatovlari arterial bosimni nazorat qilish va kardioprotektiv ta'sir uchun ishlatiladi. Mineral kortikoid retseptor antagonistlari, jumladan spironolakton va eplerenon yurak yetishmovchiligi va miokard infarktidan keyingi davrda ko'rsatiladi. Bu preparatlar o'lim darajasini va gospitalizatsiya chastotasini kamaytiradi.

Perkutan koronar intervensiyalar ishemik yurak kasalligini davolashda muhim o'rin tutadi. Balon angioplastika va stent qo'yish stenozlangan koronar arteriyalarni qayta ochish uchun ishlatiladi. Dori bilan qoplangan stentlar restenoz xavfini sezilarli darajada kamaytiradi. Koronar arteriyalarning shunt qo'yish jarrohiyasi ko'p tomirli kasallik va murakkab anatomik shikastlanlarda ko'rsatiladi. LIMA-LAD shunti uzoq muddatli samaradorlik uchun "oltin standart" hisoblanadi. Arterial shuntlar venoz shuntlarga nisbatan uzoq muddatli natijalar beradi. Miokardni qayta vaskulyarizatsiya qilish ko'rsatmalari doimiy takomillashib bormoqda. Funktsional baholash va invaziv bo'lmagan tasviriy diagnostika natijalari asosida qaror qabul qilinadi. Yurak jamoasi yondashuvi murakkab holatlarda optimal davolash strategiyasini tanlash uchun muhimdir.

Yurak reabilitatsiyasi ishemik yurak kasalligi bo'lgan bemorlar uchun davolashning ajralmas qismidir. Reabilitatsiya dasturlari jismoniy mashqlar, ta'lim va psixososial yordam elementlarini o'z ichiga

oladi. Strukturlashtirilgan jismoniy mashqlar miokard funktsiyasini yaxshilash va jismoniy chidamlilikni oshirish uchun muhimdir. Reabilitatsiya dasturlari odatda to'rt fazadan iborat. Birinchi faza gospital sharoitida, ikkinchi faza ambulator sharoitda nazorat ostida, uchinchi faza uzoq muddatli ambulator dastur va to'rtinchi faza hayot davomida davom etadigan faollik hisoblanadi. Har bir faza o'ziga xos maqsadlar va vazifalarni o'z ichiga oladi. Jismoniy mashqlar dasturi individual xususiyatlar va funktsional imkoniyatlar asosida tuziladi. Stress testlari natijalari asosida mashq intensivligi aniqlanadi. Aerob mashqlar, kuch mashqlari va moslashuvchanlik mashqlarining kombinatsiyasi tavsiya etiladi. Mashqlar chastotasi haftada kamida uch marta, davomiyligi 30-60 daqiqa bo'lishi kerak. Ta'lim dasturlari bemorlar va ularning oila a'zolarini kasallik xususiyatlari, xavf omillari va ularni nazorat qilish usullari haqida ma'lumotlarga ega qiladi. Oziqlanish, dori qabul qilish tartibida, jismoniy faollik va stress bilan kurash usullari haqida ma'lumot beriladi. Psixososial yordam depressiya va anksiete alomatlarini kamaytirish, ijtimoiy yordam tizimini mustahkamlash uchun muhimdir.

Zamonaviy texnologiyalar yurak reabilitatsiyasida yangi imkoniyatlarni ochmoqda. Telemeditsina xizmatlari bemorlarni uzoqdan nazorat qilish va maslahat berish imkonini beradi. Mobil ilovalar jismoniy faollikni kuzatish, dorilarni qabul qilishni eslatish va sog'liqni nazorat qilish uchun ishlatiladi.

Elektron qurilmalar yurak urish chastotasi, arterial bosim va jismoniy faollikni doimiy nazorat qilish imkonini beradi. Bu ma'lumotlar reabilitatsiya dasturini optimallashtirish va o'z vaqtida tibbiy yordam ko'rsatish uchun ishlatilishi mumkin. Artificial intelligence algoritmlari ma'lumotlarni tahlil qilish va individual tavsiyalar berish uchun ishlatilmoqda. Telereabilitatsiya dasturlari, ayniqsa COVID-19 pandemiyasi davrida keng tarqaldi. Virtual mashqlar, onlayn ta'lim seanslar va psixososial yordam xizmatlari an'anaviy yuz-yuzaki dasturlarga muqobil yoki qo'shimcha sifatida taklif etilmoqda.

Ishemik yurak kasalligini muvaffaqiyatli davolash va reabilitatsiya qilish multidissiplinar yondashuvni talab qiladi. Yurak jamoasi kardiolog, yurak jarroh, reabilitatsiya mutaxassisi, hamshira, dietolog, psixolog va ijtimoiy ishchi kabi mutaxassislardan iborat. Har bir mutaxassis o'z sohasida bemorning ehtiyojlarini qondirish uchun mas'uldir. Hamshiralar bemorlarni ta'lim berish, dorilarni boshqarish va simptomlarni nazorat qilishda muhim rol o'ynaydi. Dietologlar oziqlanish rejimini optimallashtirish va kardioprotektiv dietani rivojlantirish uchun zarur. Psixologlar depressiya, anksiete va boshqa psixososial muammolarni hal qilishda yordam beradi. Koordinatsiya qilingan g'amxo'rlik modeli bemorlar uchun uzluksiz va samarali xizmat ko'rsatishni ta'minlaydi. Bu model turli mutaxassislar o'rtasida ma'lumotlar almashish, davolash rejasini muvofiqlashtirish va bemorni kuzatib borishni o'z ichiga oladi.

Surunkali yurak ishemik kasalligini oldini olish va reabilitatsiya qilish tizimini takomillashtirish zamonaviy kardiovaskulyar tibbiyotning muhim vazifasidir. Kompleks profilaktik yondashuv, individual reabilitatsiya dasturlari va multidissiplinar g'amxo'rlik bemorlarning prognozini sezilarli darajada yaxshilaydi. Birlamchi profilaktika xavf omillarini nazorat qilish va hayot tarzini o'zgartirishga asoslanishi kerak. Arterial gipertenziya, disbetalipoproteinemiya, diabetes mellitus va chekish kabi xavf omillarini maqsadli tarzda korreksiya qilish kardiovaskulyar hodisalar xavfini sezilarli darajada kamaytiradi. Ikkilamchi profilaktikada evidence-based farmakoterapiya muhim o'rin tutadi. Antiagregant terapiya, beta-blokatorlar, ACE inhibitorlari va statinlar ishemik yurak kasalligi bo'lgan barcha bemorlarga ko'rsatiladi. Yurak reabilitatsiyasi dasturlari jismoniy, psixolog va ijtimoiy jihatlarni qamrab olishi lozim. Jismoniy mashqlar, ta'lim va psixososial yordam elementlarining kombinatsiyasi optimal natijalar beradi. Telemeditsina va raqamli texnologiyalar reabilitatsiya dasturlarining samaradorligini oshirish va bemorlarning qamrab olinishini kengaytirish uchun muhim imkoniyatlar yaratadi.

Istiqbolli yo'nalishlar orasida personallashtirilgan meditsina, genetik ma'lumotlarga asoslangan davolash strategiyalari va yangi farmakoterapevtik vositalarni ishlab chiqish kiradi. Artificial intelligence va machine learning algoritmlaridan foydalanish prognozni bashorat qilish va davolash strategiyasini optimallashtirish uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

Xulosa qilib aytganda, ishemik yurak kasalligini muvaffaqiyatli oldini olish va reabilitatsiya qilish uchun sog'liqni saqlash tizimining barcha darajalarida koordinatsiya qilingan yondashuv zarur. Bu bemorlarning hayot sifatini yaxshilash, o'lim darajasini kamaytirish va sog'liqni saqlash xarajatlarini optimallashtirishga olib keladi.

ADABIYOTLAR

1. Knuuti, J., Wijns, W., Saraste, A., Capodanno, D., Barbato, E., Funck-Brentano & ESC Scientific Document Group. (2020). 2019 ESC Guidelines for the diagnosis and management of chronic coronary syndromes. European Heart Journal, 407-477 pages

2. Visseren, F. L., Mach, F., Smulders, Y. M., Carballo, D., Koskinas, K. C., Bäck, M., ... & ESC Scientific Document Group. (2021). 2021 ESC Guidelines on cardiovascular disease prevention in clinical practice. European Heart Journal, 42 page

3. Ambrosetti, M., Abreu, A., Corrà, U., Davos, C. H., Hansen, D., Frederix, I., ... & Zwisler, A. D. O. (2021). Secondary prevention through comprehensive cardiovascular rehabilitation: From knowledge

to implementation. 2020 update. A position paper from the Secondary Prevention and Rehabilitation Section of the European Association of Preventive Cardiology. European Journal of Preventive Cardiology, 460-495 pages

4. Piepoli, M. F., Corrà, U., Adamopoulos, S., Benzer, W., Bjarnason-Wehrens, B., Cupples, M., ... & Zwisler, A. D. (2020). Secondary prevention in the clinical management of patients with cardiovascular diseases. Core components, standards and outcome measures for referral and delivery: a policy statement from the cardiac rehabilitation section of the European Association for Cardiovascular Prevention & Rehabilitation. European Heart Journal, 82-98 pages

5. Byrnes, J., Carrington, M. J., Chan, Y. K., Pollicino, C., Dubrowin, N., Stewart, S., & Scuffham, P. A. (2020). Cost-effectiveness of a home-based intervention for secondary prevention of readmission with chronic heart disease. PLoS One, 15 page.

6. Thomas, R. J., Beatty, A. L., Beckie, T. M., Brewer, L. C., Brown, T. M., Forman, D. E., ... & Whooley, M. A. (2022). Home-based cardiac rehabilitation: a scientific statement from the American Association of Cardiovascular and Pulmonary Rehabilitation, the American Heart Association, and the American College of Cardiology. Circulation, 145 pages

7. Kabboul, N. N., Tomlinson, G., Francis, T. A., Grace, S. L., Chaves, G., Rac, V., ... & Krahn, M. (2018). Comparative effectiveness of the core components of cardiac rehabilitation on mortality and morbidity: a systematic review and network meta-analysis. Journal of Clinical Medicine, 514 pages

TINNITUS RIVOJLANISHINING ERTA BOSQICHIDA PROFILAKTIK CHORALARNING SAMARADORLIGI

Abdunazarov Toxirjon Sadulla o‘g‘li - assistent
Otaqulov Otabek Olimjon o‘g‘li - assistent
Central Asian Medical University (Farg’ona, O’zbekiston)

Annotatsiya. Maqola maqsadi: *Tinnitusning erta bosqichida aniqlanishi va samarali profilaktik choralarning amalga oshirilishi orqali simptomlarni nazorat qilish va kasallikning surunkali shakllarini oldini olish imkoniyatlarini ilmiy asosda baholash.*

Metodlar: *Tarixiy va zamonaviy adabiyotlar sharhi, klinik kuzatuvlar, so‘rovnomalar va eshitish testlari asosida tinnitusga chalingan bemorlarni tahlil qilish, profilaktik tavsiyalarni amaliyotga joriy etish va natijalarni statistik baholash.*

Natijalar: *Tinnitusning dastlabki bosqichida o‘z vaqtida aniqlash va kompleks profilaktika tadbirlari kasallikning og‘ir shakllarga o‘tishini oldini oladi.*

Xulosa: *Erta bosqichda amalga oshirilgan profilaktik choralar nafaqat tinnitusning rivojlanishini sekinlashtiradi, balki bemorning umumiy sifatini oshiradi. Bu choralarning amalga oshirilishi nafaqat kasallikning tarqalishini kamaytiradi, balki aholining umumiy sog‘liğini yaxshilash, ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishni ta’minlashga ham xizmat qiladi. Tibbiyot xodimlari, mahalliy hokimiyatlar va jamoatchilik hamkorligida olib boriladigan keng ko‘lamli profilaktika tadbirlari tubootitga qarshi kurashda muhim omil bo‘ladi.*

Kalit so‘zlar: *Tinnitus, erta diagnostika, profilaktika, eshitish gigiyenasi, psixo-emotsional sog‘liq.*

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕР НА РАННЕЙ СТАДИИ РАЗВИТИЯ ТИННИТУСА

Абдуназаров Тохиржон Садуллаевич – ассистент
Отакулов Отабек Олимжонович – ассистент
Центрально-Азиатский медицинский университет (Фергана, Узбекистан)

Аннотация. Цель статьи: *научно оценить возможности контроля симптомов и предотвращения хронических форм тиннитуса за счёт раннего выявления и эффективного проведения профилактических мер.*

Методы: *Анализ пациентов с тиннитусом проведён на основе обзора исторической и современной литературы, клинических наблюдений, анкетирования и тестов слуха. Профилактические рекомендации были внедрены в практику, а результаты оценены статистически.*

Результаты: *Своевременное выявление и комплексные профилактические меры на ранней стадии позволяют предотвратить переход заболевания в более тяжёлые формы.*

Выводы: *Проведение профилактических мер на ранней стадии не только замедляет развитие тиннитуса, но и улучшает общее качество жизни пациентов. Реализация этих мер способствует не только снижению распространённости заболевания, но и улучшению здоровья населения в целом, а также содействует социальному и экономическому развитию. Широкомасштабные профилактические мероприятия, проводимые при сотрудничестве медицинских работников, местных органов власти и населения, станут важным фактором в борьбе с тиннитусом.*

Ключевые слова: *Тиннитус, ранняя диагностика, профилактика, гигиена слуха, психоэмоциональное здоровье.*

EFFECTIVENESS OF EARLY STAGE PREVENTIVE MEASURES IN THE DEVELOPMENT OF TINNITUS

Abdunazarov Tokhirjon Sadullaev – assistant
Otakulov Otabek Olimjonov – assistant
Central Asian Medical University (Fergana, Uzbekistan)

Abstract. Objective: *The purpose of this article is to scientifically evaluate the potential for symptom control and prevention of chronic forms of tinnitus through early detection and the implementation of effective preventive measures.*

Methods: *A review of historical and modern literature, clinical observations, patient surveys, and hearing tests was conducted to analyze patients suffering from tinnitus. Preventive recommendations were put into practice, and the results were evaluated statistically.*

Results: *Timely identification and comprehensive preventive measures in the early stages of tinnitus help prevent the progression of the disease to more severe forms.*

Conclusion: *Preventive measures implemented at an early stage not only slow down the development of tinnitus but also improve the overall quality of life for patients. The implementation of these measures not only reduces the spread of the disease but also contributes to improving public health and promoting social and economic development. Large-scale preventive activities carried out in cooperation with healthcare professionals, local authorities, and the community will be an important factor in combating tinnitus.*

Key words: *Tinnitus, early diagnostics, prevention, hearing hygiene, psycho-emotional health.*

Kirish.

Tinnitus — bu eshitish tizimida tashqi tovush manbaisiz quloqda shovqin, g‘uvillash yoki uvillash shaklida namoyon bo‘ladigan holat bo‘lib, jahon bo‘yicha aholi orasida keng tarqalgan eshitish muammolaridan biridir. Turli manbalarga ko‘ra, dunyo aholisi orasida tinnitusdan 10-15% atrofida insonlar aziyat chekadi [1]. Ayniqsa, yoshga bog‘liq eshitish o‘zgarishlari, baland shovqin bilan bog‘liq mehnat faoliyati va psixogen omillar tinnitus rivojlanishini tezlashtiradi. Shu sababli, tinnitusni erta bosqichida aniqlash va samarali profilaktika choralari ko‘rish kasallikning surunkali shaklga o‘tishini oldini olishda muhim ahamiyatga ega.Tinnitus bugungi kunda otorinolaringologiya amaliyotida eng ko‘p uchraydigan simptomlardan biridir [2]. U quloqda tashqi tovush manbaisiz hissediladigan shovqin, g‘uvillash, vizillash yoki uvillash sifatida namoyon bo‘ladi. Tinnitus yoshi katta aholida keng tarqalgan bo‘lib, so‘nggi yillarda yoshlar orasida ham ko‘p uchramoqda. Bu, ayniqsa, baland tovushli muhitda ishlovchi shaxslar, musiqa ishqibozlari va texnologik vositalardan haddan tashqari foydalanadiganlar uchun dolzarbdir[3]. Tinnitusning paydo bo‘lishida turli etiologik omillar rol o‘ynaydi: eshitish nervi va eshitish yo‘llarining shikastlanishi, aylanma qon oqimining buzilishi, yuqori ovozli tovushlarga ta’sirlanish, psixo-emotsional stress, gipertoniya, metabolik kasalliklar va boshqalar[4]. Bu kasallik nafaqat eshitish qobiliyatiga, balki insonning uyqu sifati, ish qobiliyati va psixologik holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. So‘nggi yillardagi tibbiy adabiyotlar tinnitusni erta aniqlash va uning profilaktikasiga alohida e’tibor qaratmoqda [5]. Baguley (2013) tinnitusni davolashda psixoterapiya va kognitiv-behavioral terapiyaning samaradorligini ko‘rsatadi. JSST (2021) esa tinnitusning oldini olishda aholini baland tovushdan himoya qilish, eshitish moslamalaridan to‘g‘ri foydalanish va muntazam audiologik monitoringni tavsiya qiladi [6]. Mahalliy olimlar (M.X. Hamidov, R. A. Karimov) esa tinnitusning psixogen komponentlariga e’tibor qaratib, stressni boshqarish va sog‘lom turmush tarzi bilan kasallikning og‘irlashishini kamaytirish mumkinligini ta’kidlaydi. Shuningdek, zamonaviy tibbiyotda eshitish moslamalarining noto‘g‘ri ishlatilishi (naushniklar, quloqchinlar) tinnitus rivojlanishida yangi xavf omili sifatida ko‘rilmoqda [7].

Dolzarbligi.

Bugungi kunda tinnitusning kech bosqichlarda tashxislanishi va davolash qiyinchiliklari uni dolzarb tibbiy va sotsiologik muammoga aylantirmoqda. Tinnitusning nafaqat eshitish qobiliyatiga, balki insonning psixo-emotsional holatiga, uyqu sifatiga va ish faoliyatiga ham salbiy ta’siri mavjud. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) va boshqa yetakchi otorinolaringologlar tinnitusni erta bosqichida aniqlash va uni oldini olishga qaratilgan tadbirlarni kengaytirishni tavsiya etadi[8]. Shu nuqtayi nazardan, profilaktik choralarni samaradorligini baholash amaliy tibbiyot uchun katta ahamiyatga ega. Tinnitusning keng tarqalganligi, bemorning hayot sifatiga ta’siri, ish qobiliyati va psixo-emotsional barqarorligiga zarar yetkazishi uni dolzarb tibbiy-ijtimoiy muammoga aylantirmoqda [9]. Erta profilaktika choralarining ahamiyati shundan iboratki, ular nafaqat simptomlarni yengillashtiradi, balki eshitish qobiliyatining saqlanishiga, uyqu sifatini yaxshilashga va depressiya kabi psixologik muammolarni oldini olishga yordam beradi [10].

Maqsadi.

Tadqiqotning asosiy maqsadi tinnitusning erta bosqichida xavf omillarini aniqlash, ularni boshqarish bo‘yicha profilaktik tavsiyalar ishlab chiqish va ularning samaradorligini klinik kuzatuv asosida tahlil qilish.Tinnitusning dastlabki bosqichida xavf omillarini aniqlash, ilmiy asoslangan profilaktika choralarini ishlab chiqish va ularning samaradorligini baholash.

- ✓ Kuzatuv guruhiga 30 nafar tinnitusning dastlabki simptomlariga ega bo‘lgan bemorlar jalb qilindi.
- ✓ Diagnostika: audiometriya, timpanometriya, anamnez yig‘ish, stress darajasi va uyqu sifati bo‘yicha so‘rovnomalar.
- ✓ Profilaktik tavsiyalar: eshitish gigiyenasi, baland tovushlardan himoya, naushniklardan to‘g‘ri foydalanish, stressni boshqarish (relaksatsiya mashqlari, meditatsiya), uyqu gigiyenasini yaxshilash, vitaminoterapiya.
- ✓ Monitoring: 3 oy davomida oylik tekshiruvlar o‘tkazildi.

Materiallar va usullar.

- ✓ Tadqiqot quyidagi usullar asosida olib borildi:
- ✓ Ilmiy adabiyotlar tahlili (50 dan ortiq manbalar);
- ✓ Klinik kuzatuvlar (tinnitusning dastlabki bosqichida bo‘lgan 30 nafar bemor);
- ✓ Eshitish tekshiruvlari (audiometriya, timpanometriya);
- ✓ Psixo-emotsional holatni baholash (standart anketalar);
- ✓ Gigienik va psixologik tavsiyalar asosida muntazam monitoring [11].

Natijalar.

Kuzatuvlar shuni ko‘rsatdiki, Erta bosqichda aniqlangan tinnitus bemorlarning 75%ida hayot sifatini pasaytiradi. Profilaktik choralar (eshitish gigiyenasi, baland tovushlardan himoya, stressni boshqarish, uyqu gigiyenasi) muntazam amalga oshirilganda, bemorlarning 68%ida simptomlar yengillashdi. Vitaminoterapiya, yengil sedativ vositalar va psixoterapiya tavsiyalari simptomlarni erta bartaraf etishda samarali bo‘ldi [12].

Klinik kuzatuvlar shuni ko‘rsatdiki:

✓ Profilaktik choralarga qat’iy amal qilgan bemorlarning 70%ida tinnitus simptomlari yengillashgan.

✓ Uyqu sifati va stress darajasi yaxshilangan bemorlarda simptomlar sezilarli kamaygan.

✓ Naushniklardan uzoq muddat foydalanishni cheklash eshitish qobiliyatining saqlanishiga yordam bergan.

✓ Bemorlarning 82% tinnitus rivojlanishida psixogen omillar muhim ro’l o‘ynashini ta’kidlagan [13,14,15].

Xulosa.

Tinnitus rivojlanishining erta bosqichida amalga oshirilgan kompleks profilaktik chora-tadbirlar uning og‘irlashuvini oldini olishda muhim rol o‘ynaydi. Muntazam otorinolaringolog tekshiruvlari, eshitish gigiyenasiga rioya qilish, stressni boshqarish va sog‘lom turmush tarzini targ‘ib etish bemorlarning umumiy hayot sifatini oshiradi va kasallikning surunkali shaklga o‘tishini kamaytiradi. Aholi o‘rtasida tinnitusning xavf omillari haqida ma’lumot berish; Otorinolaringologlar tomonidan muntazam eshitish tekshiruvlarini yo‘lga qo‘yish; Stressni boshqarish bo‘yicha maxsus dasturlarni ishlab chiqish; Balanslangan ovqatlanish va sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish; Ish joylarida baland shovqinlardan himoya choralarini kuchaytirish ishlarini olib borish kasallikni kamayishiga olib keladi.Tinnitus rivojlanishining erta bosqichida amalga oshirilgan profilaktika choralari kasallikning surunkali shakllarga o‘tishini oldini olishda samarali vosita bo‘lib xizmat qiladi. Muntazam monitoring, eshitish gigiyenasi, stress boshqaruvi va sog‘lom turmush tarzi inson salomatligi uchun muhim zamin bo‘lib qoladi.

ADABIYOTLAR

1. Baguley, D. M., McFerran, D. J., & Hall, D. A. (2013). Tinnitus. *The Lancet*, 382(9904), 1600–1607. https://doi.org/10.1016/S0140-6736(13)60142-7

2. World Health Organization. (2021). *World report on hearing*. Geneva: World Health Organization. Retrieved from https://www.who.int/publications/i/item/world-report-on-hearing

3. Langguth, B., Kreuzer, P. M., Kleinjung, T., & Ridder, D. D. (2013). Tinnitus: causes and clinical management. *The Lancet Neurology*, 12(9), 920–930. https://doi.org/10.1016/S1474-4422(13)70160-1

4. McKenna, L., Handscomb, L., Hoare, D. J., & Hall, D. A. (2014). A scientific cognitive-behavioral model of tinnitus: novel conceptualizations of tinnitus distress. *Frontiers in Neurology*, 5, 196. https://doi.org/10.3389/fneur.2014.00196

5. Hoare, D. J., Edmondson-Jones, M., Sereda, M., Akeroyd, M. A., & Hall, D. (2014). Amplification with hearing aids for patients with tinnitus and co-existing hearing loss. *Cochrane Database of Systematic Reviews*, (1). https://doi.org/10.1002/14651858. CD010151.pub2

6. Tyler, R. S., Noble, W., Coelho, C., & Ji, H. (2008). Tinnitus retraining therapy: patients’ personal experiences. *Archives of Otolaryngology–Head & Neck Surgery*, 134(6), 593–598. https://doi.org/10.1001/archotol.134.6.593

7. Jastreboff, P. J., & Hazell, J. W. P. (2004). Tinnitus retraining therapy. *Cambridge University Press*.

8. Henry, J. A., Dennis, K. C., & Schechter, M. A. (2005). General review of tinnitus: prevalence, mechanisms, effects, and management. *Journal of Speech, Language, and Hearing Research*, 48(5), 1204–1235. https://doi.org/10.1044/1092-4388(2005/084)

9. Kreuzer, P. M., Vielsmeier, V., & Langguth, B. (2013). Chronic tinnitus: an interdisciplinary challenge. *Canadian Journal of Psychiatry*, 58(7), 403–412.

10. Cima, R. F., Andersson, G., Schmidt, C. J., & Henry, J. A. (2014). Cognitive-behavioral treatments for tinnitus: a review of the literature. *Journal of the American Academy of Audiology*, 25(1), 29–61. https://doi.org/10.3766/jaaa.25.1.4

11. Shargorodsky, J., Curhan, G. C., & Farwell, W. R. (2010). Prevalence and characteristics of tinnitus among US adults. *The American Journal of Medicine*, 123(8), 711–718. https://doi.org/10.1016/j.amjmed.2010.02.015

12. Zenner, H. P., & Ernst, A. (2015). A systematic review of tinnitus: therapeutic options and relevance for prevention. *HNO*, 63(1), 23–33. https://doi.org/10.1007/s00106-014-2967-5

13. Folmer, R. L., & Carroll, J. R. (2006). Long-term effectiveness of ear-level devices for tinnitus. *Otolaryngology–Head and Neck Surgery*, 134(1), 132–137.

14. Møller, A. R. (2011). Sensorineural tinnitus: its pathophysiology and explanation for the inability to treat it. *Current Opinion in Otolaryngology & Head and Neck Surgery*, 19(5), 363–369. https://doi.org/ 10.1097/MOO.0b013e32834a9829

15. Guitton, M. J. (2012). Tinnitus: pathology of synaptic plasticity at the cellular and system levels. *Frontiers in Systems Neuroscience*, 6, 12. https://doi.org/10.3389/fnsys.2012.0001

UDK: 613.6:621.311

ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI KORXONALARI ISH SHAROITINI ISHCHILAR SALOMATLIGIGA TA'SIRI

Qadirjanova Feruza Ne'matjonovna - tayanch doktorant
Farg'ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti (Farg'ona, O'zbekiston)

Annotatsiya, *Mazkur maqolada issiqlik elektr stansiyalari (IES) xodimlarining mehnat sharoitiga ta'sir etuvchi gigiyenik omillar tahlil qilinadi va ularni optimallashtirish yo'llari ko'rsatiladi. Ta'kidlanishicha, yuqori bosim, vibratsiya, shovqin, yuqori harorat, havodagi zararli moddalar konsentrasiyasi kabi omillar ishchilar salomatligiga xavf tug'diruvchi asosiy omillar sifatida tahlil qilinadi. IES lardagi sharoitlarni gigiyenik baholash usullari va ish muhitini optimallashtirish ish sharoitidagi xavflarni kamaytirish va mehnat muhitini yaxshilash bo'yicha tavsiyalar beriladi. Maqola ishlab chiqarish gigiyenasini yaxshilash va kelib chiqayotgan kasbiy kasalliklar xavfini kamaytirishga qaratilgan.*

Kalit so'zlar: *mehnat gigiyenasi, IES, sanoat gigiyenasi, mikroiqlim, ish sharoiti, optimalllashtirish, mehnat muhofazasi, shovqin ,harorat, yuqori bosim.*

ВЛИЯНИЕ УСЛОВИЙ ТРУДА НА ЗДОРОВЬЕ РАБОТНИКОВ ТЕПЛОЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ

Кадиржанова Феруза Нематжоновна - докторант
Ферганский институт общественного здравоохранения (Фергана, Узбекистан)

Аннотация. *В статье проанализированы гигиенические факторы, влияющие на условия труда работников тепловых электростанций (ТЭС), и показаны пути их оптимизации. Отмечено, что в качестве основных факторов, представляющих риск для здоровья работающих, проанализированы такие факторы, как повышенное давление, вибрация, шум, высокая температура, а также концентрация вредных веществ в воздухе. Приведены методы гигиенической оценки условий труда на тепловых электростанциях и рекомендации по оптимизации производственной среды, снижению рисков в условиях труда и улучшению условий труда. Целью статьи является улучшение промышленной гигиены и снижение риска профессиональных заболеваний.*

Ключевые слова: *гигиена труда, теплоэлектростанция, промышленная гигиена, микроклимат, условия труда, оптимизация, охрана труда, шум, температура, повышенное давление*

IMPACT OF WORKING CONDITIONS AT THERMAL POWER PLANTS ON WORKERS' HEALTH

Kadirjanova Feruza Nematjonovna - Doctoral Researcher
Fergana Medical Institute Public Health (Fergana, Uzbekistan)

Annotation. *The article analyzes hygienic factors that influence the working conditions of thermal power plant (TPP) workers and shows ways to optimize them. It was noted that the following factors were analyzed as the main factors posing a risk to the health of workers: high pressure, vibration, noise, high temperature, and the concentration of harmful substances in the air. The article presents methods for hygienic assessment of working conditions at thermal power plants and recommendations for optimizing the production environment, reducing risks in working conditions and improving working conditions. The aim of the article is to improve industrial hygiene and reduce the risk of occupational diseases.*

Key words: *occupational hygiene, thermal power plant, industrial hygiene, microclimate, working conditions, optimization, labor protection, noise, temperature, high pressure.*

Issiqlik elektr stansiyalari (IES) korxonalari mehnat sharoitlari, sanoat gigiyenasi va kasbiy sog'liqni saqlash sohalarida muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada, IESlarda ishlovchilarning mehnat sharoitlarini kompleks gigiyenik baholash va sog'lomlashtirish chora-tadbirlarini optimallashtirish masalalari xalqaro tajribalar asosida tahlil qilinadi. Mavjud adabiyotlarda zamonaviy sharoitlarda issiqlik elektr stansiyasi ishchilarining sog'lig'iga mehnat sharoitlarining ta'sirini o'rganishga oid ma'lumotlar kam. Biroq, mavjud ishlar aniq shartlar ekanligini ta'kidlaydi. Issiqlik elektr stantsiyasining asosiy kasblari bo'yicha ishchilarning ishi, ish joyining havosida zararli moddalar mavjudligi bilan tavsiflanadi; shovqin va tebranish ruxsat etilgan maksimal darajadan oshib ketadi [1]. Aytish joizki, keyingi yillarda bu borada katta hajmdagi ishlar amalga oshirildi ruxsat etilgan mehnat sharoitlarini muhofaza qilish va yaxshilash bo'yicha ishlar noqulay ishlab chiqarish omillari darajasini pasaytirish muhitiga

erishildi. Biroq, mehnatga layoqatli aholi salomatligini mustahkamlash, professional baholash va prognozlash muammolari, sog'liq uchun xavflar, sanoat omillarining salbiy ta'sirini oldini olish choralarini takomillashtirish atrof-muhit, kasbiy kasalliklarni hisobga olish va ro'yxatga olish kasbiy tibbiyotda hamon dolzarbligicha qolmoqda[2]. “Issiqlik elektr stansiyalarida doimiy yuqori haroratda ishlash ishchilarning termoregulyatsiya tizimiga bosim o‘tkazadi va bu esa surunkali charchoq, gipertoniya va yurak ritmi buzilishlariga olib keladi”[3]. Bundan tashqari, A. Saidova (2018) IESdagi shovqin va vibratsiyaning ishchilar eshitish qobiliyatiga salbiy ta’sir qilishi, uzoq muddatli ta’sir esa stress darajasini oshirishi mumkinligini ta’kidlaydi: “Uzoq muddatli kuchli shovqin eshitish quvvati pasayishiga olib kelishi bilan birga, markaziy asab tizimi faoliyatini ham buzadi” [4]. “Issiqlik elektr stansiyalarida yuqori harorat va infraqizil nurlanish mehnat unumdorligini pasaytiradi, ayniqsa yurak-qon tomir tizimi zaif bo‘lgan ishchilarda bu holat xavfli oqibatlarga olib keladi”[5]. “IES ishchilari orasida gipertoniya, surunkali bronxit, allergik reaksiyalar va nevrologik buzilishlar uchraydigan asosiy kasalliklar sirasiga kiradi ”[6]. Ishlab chiqarish korxonalariga zararli va xavfli omillarga gigienik baxo berish ularni reglamentlash, ishchilarda kasallanishni o‘rganish shaxsiy ximoya vositalarini qo‘llash, sanitar targ‘ibot ishlarini olib borish, kimyoviy moddalarning ta’sirini oldini olish uchun sog‘lomlashtirish chora tadbirlarini ishlab chiqish xozirgi kundagi o‘rganilishi kerak bo‘lgan soha hisoblanadi. Tibbiyot muammolariga nafaqat ishchilarning mehnat gigiyenasi shuningdek, ishlab chiqarish korxonalaridan atmosfera havosiga ajraluvchi chiqindilardan muhofaza qilish, tashlanadigan chiqindilarni tozalashda zamonaviy yuqori samarali qurilmalardan foydalanish asosida zararli moddalarni suv havzalariga va tuproqqa tushishini oldini olish kabi ishlar ham kiradi. Ishchilar salomatligiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi ishlab chiqarish omillari xalq xo‘jaligining ko‘plab tarmoqlarida hozirgi kunda ham saqlanib qolgan, bular ishlab chiqarishda xavfsiz gigiyenik sharoitlarni ta’minlay olmaydigan texnologik jarayonlarni qo‘llash, eskirgan mashina va jihozlardan foydalanish holatlari bilan bog’liq. Bir qator muammolar tadqiqotchilar diqqat markazidan chetda qolmoqda. Ishchilarning kasallanishi uchun qo‘shimcha bir qator omillar o‘rganilmagan. Mehnat sharoitlarini va ishlab chiqarish muhitini yaxshilashga, qaratilgan ishlarning ko‘pligiga qaramay, ishchilar salomatligi uchun xavfsiz va sog‘lom sharoitlarni yaratishning turli usullarini va uning natijalarini gigiyena fanlari nuqtai nazaridan qayta ishlashning zamonaviy samarali usullarini o‘zgartirish bilan bog‘liq masalalar qo‘shimcha tadqiqotlarni talab qiladi.

Tadqiqot maqsadi:

Issiqlik elektr stansiyalari sanoatning muhim tarmog‘i hisoblanib, mamlakatning energetika tizimida juda ham muhim o‘rin tutadi. Bunday korxonalarda ishlab chiqarish jarayonlari shovqin, yuqori harorat, yuqori bosim, tebranish, havodagi zararli moddalar, kuchli energiya sarfi bilan bog‘liq bo‘lib, bu mehnat sharoitiga muayyan gigiyenik xavflarni yuzaga keltiradi. Shu boisdan IES da mehnat muhitini gigiyenik muntazam baholash va aniqlangan muammolarni bartaraf etish orqali sog‘lom va xavfsiz mehnat muhitini yaratish muhim masala hisoblanadi. Sog'lom ishchi kuchi global, milliy va mahalliy darajada barqaror ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanish uchun juda muhimdir. Issiqlik elektr stantsiyalari (IES) xodimlari ishlab chiqarish muhitida noqulay omillarning murakkab ta'siriga duch kelishadi. Biroq, issiqlik energetika majmuasining ishlashi ko'pchilik mualliflar tomonidan uning atrof-muhitga salbiy ta'siri nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi. Mavjud mahalliy va xorijiy adabiyotlarda, IESlarda ishlaydigan shaxslarning mehnat sharoitlarini gigiyenik baholash to'g'risidagi ma'lumotlar juda cheklangan.

Materiallar va metodlar:

IES korxonalaridagi ishchilar organizmiga ta’sir qiluvchi asosiy zararli omillarga yuqori harorat va namlik: qozonxonalarda harorat 40C va undan yuqori bo‘lishi mumkin. Bu esa termoregulyatsiyani buzadi, natijada ishchilar tez charchaydi issiqlik urishiga olib kelishi mumkin. Shovqin va vibratsiya odamning ishlash qobiliyatiga yomon ta’sir qiladi. Korxonalarda shovqin ta’sirida diqqat e’tiborning va reaksiya tezligining pasayishi kuzatiladi. Yuqori chastotali shovqin va vibratsiya ishlovchilarga ayniqsa, yomon ta’sir qiladi. Intensiv shovqin (95-100 dB) uzoq vaqt ta’sir etganda, ayrim ishchilarning boshi og'riydi yoki aylanadi, uning o'zi qattiq charchaydi, tez jahli chiqadi. Keyinchalik eshitish qobiliyati kasallanadi (quloq bitib qoladi, eshitish qobiliyati pasayadi va hokazo). Shovqin va vibratsiya birgalikda odamga bundan ham yomon ta’sir qiladi. Muayyan parametrli vibratsiya uzoq vaqt ta’sir etganda ishlovchilar organizmining, asosan, periferik va markaziy nerv tizimining faoliyati buziladi. Odam holsizlanadi, qo'llarida og'riq paydo bo'ladi (ayniqsa, dam olayotganda, tunda). Barmoqlar tomiri tortishib, uyushib qolishi, sovuqda esa qo'llar ko'karib, og'rishi mumkin. Atmosfera havosidagi zararli moddalar masalan ko‘mir, mazut yoki gazning yoqilishi natijasida havoga zararli moddalar ajratiladi, buning natijasida havoga chiqadigan oksidlar va boshqa zararli moddalar nafas yo‘llari kasalliklariga olib kelishi mumkin. IES korxonalaridagi ish sharoitida tabiiy yoritilganlikning yetarli emasligi va mikroklimatning standartga javob bermasligi ish unumdorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Bu tadqiqot usuli mehnat gigiyenasi bilan bog'liq bo'lib, IEM ishchilarning kasbiy salomatligi xavfini baholash uchun ishlatilishi mumkin. Buning uchun issiqlik nurlanishining intensivligi, termal nurlanishning umumiy davomiyligi va atrof-muhit havosining harorati, shovqin va tebranish darajasi aniqlanadi. Tadqiqot 2024-yilda Farg‘ona

IEMda uch bosqichda o‘tkazildi: Qozonxonalar, turbina zallari va boshqaruv markazlarida harorat, namlik, shovqin darajasi (dBA) hamda SO_2, NO_x va CO gazlarining miqdori o‘lchandi. 60 nafar xodimning nafas olish, eshitish va yurak-qon tomir tizimlari sog‘lig‘i baholandi. 100 ishchidan mehnat sharoitlari va charchoq holati bo‘yicha sotsiologik so‘rovnomalar olindi. Natijalar SPSS statistik dasturi yordamida tahlil qilindi.

Natija va muhokamalar:

Ishlab chiqarish muhiti va ish jarayonini o'rganish natijalarini tahlil qilish shuni ko'rsatdiki, issiqlik elektr stansiyasining asosiy kasblaridagi ishchilarning mehnat sharoitlarini zararlilik va xavflilik darajasi, ish jarayonining og'irligi bo'yicha umumiy baholash 3.2 sinfga (ikkinchi darajadagi zararli ish) mos keladi. Issiqlik elektr stansiyalarida mehnat qiluvchi ishchilar sog‘lig‘i yuqori xavf ostida turadi. Ish joylarida haroratning doimiy yuqoriligi, infraqizil nurlanish, shovqin, chang va zaharli gazlar mavjudligi – bu barcha omillar ishchilarning salomatligiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Ayniqsa, yurak-qon tomir tizimi, nafas olish yo‘llari va asab tizimiga aloqador kasalliklar ko‘p uchraydi. Statistika va ilmiy tadqiqotlar shuni ko‘rsatmoqdaki, IES ishchilari orasida gipertoniya, surunkali bronxit, allergik kasalliklar, stress va charchoqqa aloqador kasalliklar nisbatan yuqori ko‘rsatkichga ega. Bunga ish sharoitlarining gigiyenik me’yorlarga to‘liq javob bermasligi sabab bo‘lmoqda. Qozonxonalarda harorat 38–42°C, namlik darajasi esa 25% dan past bo‘ldi, bu esa suvsizlanish xavfini kuchaytirmoqda. Turbina xonalarida shovqin darajasi 90 dBA dan oshdi. Bu uzoq muddatda eshitishning pasayishi va stress alomatlariga olib keladi. Havoning sifati: SO_2 va NO_x darajalari me’yoriy chegaradan yuqori ekani qayd etildi. 40% ishchilar doimiy charchoqdan shikoyat qilgan, 28% da eshitishning pasayishi, 35% da nafas yo‘llari muammolari aniqlangan. 74% ishchi ventilyatsiya va harorat rejimidan norozilik bildirgan. Farg‘ona IEMda ish sharoitlari xodimlar sog‘lig‘iga jiddiy xavf tug‘diradi. Biroq tizimli monitoring va kompleks yondashuv yordamida bu muammolarni kamaytirish mumkin. Tavsiya etilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi xodimlarning salomatligini saqlash bilan birga, korxona unumdorligini ham oshiradi. Issiqlik elektr stansiyalarida mehnat sharoitlarini kompleks gigiyenik baholash va sog'lomlashtirish chora-tadbirlarini optimallashtirish ishchilarning sog'lig'ini saqlash va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish uchun muhimdir. Yuqorida keltirilgan xalqaro tajribalar va tavsiyalar asosida, O'zbekistonning issiqlik elektr stansiyalarida mehnat sharoitlarini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilishi zarur.

Xulosa qilib aytganda, IEM ning xavfli hududlariga zamonaviy shamollatish va filtratsiya tizimlarini o‘rnatish ish samarasini yana ham oshirishga yordam beradi. Ishchilarga shovqinga qarshi eshitish himoya vositalari va vibratsiyaga qarshi qo‘lqoplar bilan ta’minlash ishchilarni noqulaylikdan va kasbiy kasalliklar kelib chiqishidan himoya qiladi. Me’yorlashtirilgan dam olish tartibi va suyuqlik iste’molini nazorat qilish zarur. Doimiy tibbiy tekshiruvlar va sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish. Yoritish tizimlarini sanitariya me’yorlariga muvofiqlashtirish mehnat samaradorligini oshiribgina qolmay ishchilarda kelib chiqadigan har tomonlama zo‘riqishlarni oldini oladi. Farg‘ona IEMda ish sharoitlari xodimlar sog‘lig‘iga jiddiy xavf tug‘diradi. Biroq tizimli monitoring va kompleks yondashuv yordamida bu muammolarni kamaytirish mumkin. Tavsiya etilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi xodimlarning salomatligini saqlash bilan birga, korxona unumdorligini ham oshiradi.

ADABIYOTLAR

1. Pankov V.A., Bogdanova O.G., Molchanova O.A (2022) “Issiqlik elektr stansiyalarida ishlab chiqarish omillarining ishchilar salomatligiga ta’siri”.
2. Pankov V.A., http://orcid.org/0000-0002-3849-5630; Kuleshova M.V (Analyzing risks of occupational injuries in basic industries).
3. Karimov S.R., (2020) “ Energetik sanoatda mehnat muhofazasi masalalari” Toshkent: Fan nashriyoti.
4. Saidova A., (2018) “Sanoat muhitida sog‘liqni saqlash” Samarqand tibbiyot jurnali
5. Raximov T., (2019) “Ishchi sog‘lig‘ini muhofaza qilishda ekologik omillarning o‘rni” Toshkent tibbiyot jurnali, №2
6. Yunusov D., (2022) “Mehnat salomatligi va ishlab chiqarish xavfsizligi masalalari” Buxoro Tibbiyot Akademiyasi Nashriyoti
7. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti. (2021). Ish joyidagi sog‘liq: Asosiy tibbiy xizmatlar uchun qo‘llanma. Jeneva: WHO Press.
8. Ivanov D.V., Petrova M.S. (2020). Sanoat korxonalarida mehnat sharoitining gigiyenik bahosi. Mehnat xavfsizligi va ergonomika jurnali, 26(3), 201–209.
9. Abdullayeva N. (2023). O‘zbekiston IEMlarida shovqin darajasini baholash. Markaziy Osiyo ekologik salomatlik jurnali, 5(2), 45–52.
10. Chen Y. va boshq. (2019). Issiqlik stressining IEMda ishlab chiqarish samaradorligiga ta’siri. Atrof-muhit va sog‘liq jurnali, 16(9), 1553.
11. World Health Organization. (2021). Occupational health: A manual for primary health care workers. Geneva: WHO Press.
12. Ivanov, D.V., & Petrova, M.S. (2020). Hygienic assessment of working conditions in industrial enterprises. Journal of Occupational Safety and Ergonomics, 26(3), 201–209.

UDK: 616.831-005.4-06:616.895.4

CHARACTERISTICS OF POST-STROKE DEPRESSION IN RECURRENT ISCHEMIC STROKE

Zokirov Muzaffar Muxtarali ugli – Ph.D., senior lecturer
Fergana Medical Institute of Public Health (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *Post-stroke depression (PSD) is one of the most significant yet often underestimated complications in modern neurology and psychiatry. Its impact is particularly profound in patients who experience recurrent ischemic strokes, where the emotional and psychological burden is compounded by repeated loss of motor, sensory, and cognitive abilities. This article presents a comprehensive review of the clinical features, frequency, severity, and diagnostic criteria of PSD following recurrent ischemic stroke. It examines the underlying pathogenetic mechanisms, including neurochemical imbalances, vascular changes, and psychosocial influences. Special attention is given to risk factors, the role of social and family support, levels of disability, and the overall quality of life. Current strategies for pharmacological treatment, psychotherapy, and multidisciplinary rehabilitation are discussed as essential components in managing depression in this vulnerable patient group.*

Key words: *post-stroke depression, ischemic stroke, recurrent stroke, affective disorders, neuropsychiatric rehabilitation, cognitive impairment, quality of life, comorbidity, psychopharmacology*

QAYTA ISHEMIK INSULTDAN KEYINGI DEPRESSIYANING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Zokirov Muzaffar Muxtarali o‘g‘li – Ph.D., katta o‘qituvchi
Farg‘ona Jamoat salomatligi tibbiyot instituti (Toshkent, O‘zbekiston)

Annotatsiya. *Postinsult depressiyasi (PID) zamonaviy nevrologiya va psixiatriyada eng dolzarb, biroq ko‘pincha yetarlicha e’tibor berilmaydigan asoratlardan biri hisoblanadi. Ayniqsa, bu holat takroriy ishemik insultga uchragan bemorlarda yaqqolroq namoyon bo‘ladi. Bunday bemorlarda depressiv holat faqatgina miya to‘qimalarining zararlanishi bilan emas, balki jismoniy va kognitiv imkoniyatlarning takroriy yo‘qolishi bilan bog‘liq psixologik travma bilan ham og‘ir kechadi. Maqolada takroriy insultdan keyingi depressiyaning klinik belgilariga, tarqalishiga, og‘irlik darajasiga va tashxis mezonlariga keng yondashilgan. Shuningdek, depressiyaning shakllanishiga olib keluvchi neyroximiyoviy, tomirlar bilan bog‘liq va psixososial omillar tahlil qilinadi. Ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, nogironlik darajasi va hayot sifatining o‘rni alohida ko‘rib chiqiladi. Dori vositalari bilan davolash, psixoterapiya va kompleks reabilitatsiyaning zamonaviy usullari taqdim etilgan.*

Kalit so‘zlar: *postinsult depressiyasi, ishemik insult, takroriy insult, affektiv buzilishlar, psixonevrologik reabilitatsiya, kognitiv buzilishlar, hayot sifati, komorbidlik, psixofarmakologiya.*

ОСОБЕННОСТИ ДЕПРЕССИИ ПОСЛЕ РЕЦИДИВОВ ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА

Зокиров Музаффар Мухтарали угли - к.м.н., старший преподаватель
Ферганский медицинский институт общественного здоровья (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Постинсультная депрессия (ПИД) представляет собой одну из наиболее значимых и недооценённых проблем в клинической неврологии и психиатрии. Особенно остро она проявляется у пациентов, перенёсших рецидив ишемического инсульта, когда психоэмоциональное состояние усугубляется не только органическим поражением головного мозга, но и психологической травмой, связанной с повторной утратой физических и когнитивных функций. В данной статье рассматриваются клинические проявления, частота встречаемости, тяжесть симптоматики и диагностические критерии ПИД у пациентов с повторным инсультом. Также обсуждаются патогенетические механизмы формирования депрессии, включая нейрохимические, сосудистые и психосоциальные аспекты. Отдельное внимание уделяется оценке факторов риска, роли семейной поддержки, уровня инвалидизации и качества жизни. Предложены современные подходы к фармакотерапии, психотерапии и мультидисциплинарной реабилитации таких пациентов.*

Ключевые слова: *постинсультная депрессия, ишемический инсульт, рецидив инсульта, аффективные расстройства, психоневрологическая реабилитация, когнитивные нарушения, качество жизни, коморбидность, психофармакология*

Health is a great blessing that cannot be measured or evaluated by anything for every person and our entire population. Because we all understand well that a healthy person and a healthy people are capable of unprecedented things. As our Honorable President Shavkat Mirziyoyev stated: "Creating high-quality and professional medicine for everyone is an important direction of our strategy" [21.211]. Therefore, the head of our country has been paying special attention to this issue and has been consistently developing the sector. In the following years, historical works were carried out in the way of building a new state and society in our country, and the scope of efforts in this regard is expanding more and more. In particular, the healthcare sector has undergone tremendous changes. Attention and attitude to the industry have changed radically. Especially in the last seven years, consistent reforms have been implemented in our country in order to strengthen human health, radically improve the quality of medical services provided to the population, improve the resource capacity of medical institutions, free and prosperous living and happy life of our people.

In our country, extensive work is being carried out aimed at the fundamental improvement of the quality of medical services provided to the population and the development of the health care system. In addition to these activities, attention is paid to the study of the causes of the disease, risk factors, pathogenetic mechanisms of the occurrence of the disease against the background of the coronavirus infection, in the development of secondary prevention and treatment of ischemic stroke, including secondary prevention and treatment of ischemic stroke. Important tasks aimed at "... prevention and diagnosis of diseases, wide introduction of modern technologies, provision of high-quality and high-quality medical care" have been defined. In order to implement the stated tasks, to prevent the redevelopment of cerebrovascular diseases among the population, especially among the population belonging to the "risk group", taking into account the impact of the coronavirus infection, to develop optimal treatment and rehabilitation measures aimed at reducing the complications of them, patients reducing mortality rates and increasing the quality of life is one of the current scientific directions.

Kalit so'zlar: *tibbiy ta'lim, kasbiy yo'nalganlik, o'qitish usullari, xavf omillari, axborot texnologiyalari.*

МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ГИГИЕНИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ В УСЛОВИЯХ ИНФОРМАЦИОННО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЫ

Ашурова Манзурахон Джалолдиновна - к.м.н., доцент
Ферганский медицинский институт общественного здоровья (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье дан анализ внедрения инновационных технологий, которые применяются на профилирующих дисциплинах в рамках подготовки специалистов «медико-профилактическое дело». Показана эффективность педагогических технологий, которые стимулируют учебно-познавательную деятельность студентов в области проведения гигиенического мониторинга.*

Ключевые слова: *медицинское образование, профессиональная направленность, методы обучения, медицинское образование, риск факторы, информационные технологии.*

METHODS OF FORMATION OF PROFESSIONAL HYGIENIC COMPETENCE OF MEDICAL UNIVERSITY STUDENTS IN THE CONDITIONS OF INFORMATION AND EDUCATIONAL ENVIRONMENT

Ashurova Manzura Djaloldinovna - C.M.Sc., associate professor
Fergana Medical Institute of Public Health (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *In the article, the analysis of the introduction of innovative technologies which are applied in profiling disciplines within the framework of the training experts on "medical-preventive business" is given. The effectiveness of pedagogical technologies promoting the educational and cognitive activity of students in the field of sanitary and hygienic monitoring is shown.*

Key words: *medical education, professional orientation, teaching methods, medical education, risk factors, information technology.*

Gigiyena fanini o'rgatish va talabalarda gigiyenik tafakkurni rivojlantirish ta'lim muassasalarida o'quv fani sifatida profilaktik tibbiyotning asosiy yo'nalishi hisoblanadi. Tibbiy ta'lim muassasalarida pedagogik jarayonga innovatsion yondashuvlarni joriy etish oliy kasbiy ta'limning eng muhim tarkibiy qismi hisoblanadi [2, 3].

Atrof-muhitning zamonaviy ekologik holatining murakkab sharoitlarida butun dunyoda va mamlakatimizda ekologik savodxon va gigiyenik fikrlaydigan mutaxassis - har qanday profildagi shifokorni tayyorlash muhim ahamiyatga ega. Shifokorning kasbiy tayyorgarligi atrof-muhit holati va insonning unga nisbatan harakatlarining oqibatlari va uning sog'lig'i uchun javobgarligini anglashni nazarda tutadi. Bu gigiyenik va ekologik fikrlashning aniq asosidir.

Shifokorni tayyorlash jarayonida atrof-muhit va insonning o'zaro ta'siri tushunchasi shakllantiriladi, gigiyena va boshqa o'quv fanlari o'rtasidagi bog'liqlik, profilaktika va davolash tibbiyoti o'rtasidagi bog'liqlik, barcha turdagi kasalliklarning oldini olish uchun davolovchi shifokor faoliyatida gigiyenaning ahamiyati oydinlashtiriladi, gigiyenik, sanitariya-statistik va epidemiologik tadqiqot usullari, sanitariya-gigiyena qonunchiligi yoritiladi, o'qitishda dalillarga asoslangan tibbiyot tamoyillaridan foydalaniladi [3, 5].

Profilaktika – aholi salomatligini mustahkamlash va saqlash zamonaviy tizimining asosidir. Keyingi yillarda yuqumli bo'lmagan kasalliklarning oldini olish infratuzilmasining asosiy elementlari yaratilib, sog'lom turmush tarzini qaror toptirishga qaratilgan faol ishlar amalga oshirilmoqda. Biroq, tibbiy profilaktika tizimi faolitidagi ijobiy o'zgarishlarga

qaramay, bir qator muammolar bugungi kunda hal etilmagan. Bu muammolarni hal etish tibbiy profilaktika tuzilmalari faoliyatini optimallashtirishga, aholining sog‘lom qatlamini ko‘paytirishga yordam beradi.

Tibbiy-profilaktika mutaxassislarining kasbiy faoliyati sohasi amaliy sog‘liqni saqlash va tibbiyot fanining dolzarb masalalarini o‘z ichiga oladi. Aholining sanitariya-epidemiologik osoyishtaligini ta’minlashga qaratilgan texnologiyalar, vositalar va usullarni maqsadli ishlab chiqish va qo‘llash, birinchi navbatda profilaktika va boshqa turdagi yordam ko‘rsatish orqali uning sog‘lig‘ini saqlash va yaxshilashga yo‘naltirilgan.

Zamonaviy jamiyat taraqqiyotining jadal sur’atlari, fan va texnika yutuqlari, axborot texnologiyalarining keng joriy etilishi va boshqa bir qator o‘zgarishlar inson hayotining ko‘plab jabhalariga ta’sir ko‘rsatdi va insonning turmush sharoiti va sog‘lig‘iga ta’sir ko‘rsatdi. Tibbiy-profilaktika fakultetida tahsil olayotgan talabalarni sifatli tayyorlash zamonaviy ilmiy yutuqlar, innovatsiyalar va amaliyot bilan aloqalar asosida ta'lim samaradorligini oshirish orqali ta'minlanadi. So'nggi yillarda ta'lim tizimining mazmunli va tarkibiy xususiyatlari katta yangilanishlarga duch keldi [6,7,8,9].

Tibbiy ta'lim mazmunini o'zgartirish, o'quv jarayoniga yangi ta'lim texnologiyalarini joriy etish intellektual, ijodiy fikrlaydigan shaxsni, sog'liqni saqlash sohasida malakali mutaxassisni rivojlantirish vazifasini amalga oshiradi. Shu sababli, kelajakdagi bitiruvchilar o'z-o'zini rivojlantirishga tayyorligini shakllantirishga, faol o'quv va kognitiv faoliyatni amalga oshirishga va individual xususiyatlarni hisobga olgan holda kasbiy faoliyatni loyihalashga hissa qo'shadigan kompetentsiyalarga ega bo'lishlari kerak [1].

Oliy ta'limning davlat ta'lim standartlarida talabalarning darsdan tashqari mustaqil ishlariga alohida o'rin beriladi, ular texnik taraqqiyot yutuqlarini uslubiy qo'llab-quvvatlash va amalga oshirish bilan birga bo'lishi kerak, ulardan biri kompyuter texnologiyalaridir.

Ishning maqsadi - gigiyena fanlarini o‘qitish jarayonida fanlararo aloqalardan foydalanishning turli yondashuvlari va usullarini o‘rganish va raqamlashtirish sharoitida FJSTI kommunal va mehnat gigiyenasi kafedrasida gigiyena fanini o‘qitishni tashkil etish xususiyatlarini tavsiflashdan iborat

Materiallar va tadqiqot usullari. Tadqiqot usullari sifatida nazariy (ilmiy, uslubiy va o‘quv adabiyotlari ma’lumotlarini tahlil qilish, taqqoslash va sintez qilish) va empirik (“Mehnat gigiyenasi” fanidan ma’ruza va amaliy mashg‘ulotlarda tibbiyot instituti talabalari uchun o‘qitish va talim texnologiyalarining ayrim jihatlarini kuzatish) qo‘llanildi.

Tadqiqot natijalari va muhokama. Zamonaviy shifokorning dunyoqarashini shakllantirishda asosiy profilaktika fani - gigiyena muhim rol o‘ynaydi. Farg‘ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti (FJSTI) kommunal va mehnat gigiyenasi kafedrasida “Mehnat gigiyenasi” fanni o‘rgatish fakultetlar profili va raqamli texnologiyalarni hisobga olgan holda tashkil etildi.

Gigiyenani o‘rganishda raqamli muhitdan foydalanish nafaqat jamiyat talablari, balki yosh avlodning ma’lumot olish va almashish, o‘z-o‘zini rivojlantirish ehtiyojlari bilan ham belgilanadi. Sog‘liqni saqlash va profilaktik tibbiyot sohasidagi axborot texnologiyalari bo‘lajak mutaxassislar uchun yangi imkoniyatlar ochib beradi va ularning ishida xatolik xavfini kamaytiradi. Maxsus dasturlar va xizmatlar orqali o‘quv jarayoniga zamonaviy ishlanmalarni joriy etish o‘quvchilarning ijodiy va tadqiqot qobiliyatlarini rivojlantirishga, o‘qishga bo‘lgan motivatsiyasini oshirishga imkon beradi. Eng yangi texnologiyalar va muloqotning kompyuter shakllarining faol rivojlanishi nafaqat ta’lim imkoniyatlarini kengaytiradi, balki bizni o‘qitish jarayonida shaxslararo va bilvosita muloqotning oqilona muvozanati haqida o‘ylashga majbur qiladi.

Shu bilan birga, axborot jamiyati texnologiyalariga haddan tashqari ishtiyoq bilan, yillar davomida sinovdan o‘tgan va samarali ekanligi isbotlangan o‘qitishning an’anaviy shakl va usullarini saqlab qolish va yo‘qotmaslik muhim ahamiyatga ega. Fanni o‘zlashtirish jarayonida quyidagi ta’lim texnologiyalari qo‘llaniladi: reproduktiv (passiv), faol (o‘quv-tadqiqot va muammoli-qidiruv) va interaktiv (o‘yin, muhokama, reyting, muammo-qidiruv). O‘qituvchi va talabaning reproduktiv o‘zaro ta’sirida o‘qituvchi darsning asosiy ishtirokchisi va boshqaruvchisi, talabalar esa passiv tinglovchilar sifatida ishlaydi. Ta’lim jarayoni ishtirokchilari o‘rtasidagi fikr-mulohazalar so‘rovlar, mustaqil ishlar, sinov ishlari, testlar va boshqalar orqali amalga oshiriladi. Interaktiv o‘zaro ta’sirlar talabaning jamoaviy suhbat, atrof-muhit bilan muloqot qilish rejimida ekanligini anglatadi. Faol o‘zaro ta’sirlardan farqli o‘laroq, interaktiv o‘zaro ta’sirlar talabalar va bir-birlari o‘rtasidagi kengroq o‘zaro muloqotga qaratilgan.

Kafedradagi o‘quv jarayoni kompyuter texnologiyalari imkoniyatlaridan keng foydalaniladigan auditoriya ish shakllarini, xususan, o‘quv materialining multimediali taqdimotlarini ham o‘z ichiga oladi. Mashg‘ulotlarni o‘tkazishning an’anaviy shakli bilan taqqoslaganda, taqdimot malumotning ko‘rgazmalilik darajasini, muhokama qilinayotgan muammoga qiziqishni oshiradi va eng muhimi, dolzarb muammolarni muhokama qilish va qo‘shimcha muhokamalarni tashkil qilish uchun ishlatilishi mumkin bo‘lgan vaqt xajmini sezilarli darajada oshiradi. Multimediyali taqdimotlar doirasida interaktiv tizimning boshqa imkoniyatlari o‘z ifodasini topgan: kompyuter animatsiyasi, grafika, videolar uzviy tarzda birlashtirilgan va yagona muhitda tashkil etilgan.

Shifokorni tayyorlash jarayonida atrof-muhit va insonning o‘zaro ta’siri tushunchasi shakllantiriladi, gigiyena va boshqa o‘quv fanlari o‘rtasidagi bog‘liqlik, profilaktika va davolash tibbiyoti o‘rtasidagi bog‘liqlik, barcha turdagi kasalliklarning oldini olish uchun davolovchi shifokor faoliyatidagi gigiyenaning ahamiyati oydinlashtiriladi, gigiyena, sanitariya-statistik va epidemiologik tadqiqot usullari, sanitariya-gigiyena qoidalari yoritiladi.

Shifokorlarga ta’lim berish nafaqat talabalarning axborot bilimlarini egallashini, balki “Tibbiy-profilaktika” yo‘nalishi talabalarida gigiyenik fikrlashni rivojlantirishni ham o‘z ichiga oladi. Kafedrada ijodiy tashabbuskorlikni namoyon etish, o‘quv faniga qiziqishni shakllantirish va rivojlantirish, shuningdek, kerakli ma’lumotlarni mustaqil izlashni rag‘batlantirish uchun sharoitlar yaratilgan. Haqiqiy vaziyatni modellashtirish sharoitlarda talabalarning birgalikdagi faoliyatini tashkil etishni osonlashtirish uchun biz turli xil pedagogik usullardan foydalanamiz. Yana bir pedagogik texnologiya - bu kichik guruhlarda ishlash, bu ishtirokchilarga kognitiv qiziqishni oshirish va faoliyatga oid aloqalarini o‘rganish imkonini beradi. Guruhda (jamoada) ishlash jarayonida talabalar tanqidiy fikrlashni rivojlantiradilar, bu ma’lumotlarni to‘plash, taqqoslash, ularni ilgari o‘rganilgan hodisalar bilan solishtirish qobiliyatini o‘z ichiga oladi.

Kichik o‘quv guruhlari yangi bilimlarni tayyor shaklda iste’mol qilishdan ko‘ra, ularni birgalikda tuzadilar. O‘qituvchining vazifasi har bir talabani birgalikdagi faoliyatning umumiy mahsulotini yaratishga jalb qilishdir. “Guruh muhokamasi” pedagogik texnologiyasi uchun asos sifatida faol taqlidsiz usul tanlangan. O‘quv mashg‘ulotining “Guruh muhokamasi” shakli O‘zbekiston Respublikasining yetakchi tarmoqlarida (neft ishlab chiqarish sanoati, azot-o‘g‘it sanoati, qishloq xo‘jaligi) vaqtinchalik nogironlik bilan kasallanishni tahlil qilishning zamonaviy yondashuvlarini muhokama qilish shaklida o‘tkazildi.

Talabalar O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika agentligi ma’lumotlarini, tarmoq dasturlari va korxonalarning idoraviy maqsadli dasturlarini mustaqil tahlil qildilar. Kasallikning asosiy ko‘rsatkichlarini qayta ishlashning adekvat usullaridan foydalanilgan, sanoatning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda kasallanishni kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlarni rejalashtirish va tashkil etish ko‘nikmalari shakllantirildi. Mashg‘ulotlarga tayyorgarlik ko‘rish jarayonida O‘zbekiston Respublikasining tasdiqlangan davlat dasturlari doirasida olingan natijalarni tizimlashtirib, olingan ko‘rsatkichlarni xalqaro statistik ma’lumotlar bilan solishtirdilar.

Anketa so‘rovlaridagi fikr-mulohazalar talabalarning ushbu o‘qitish texnologiyasiga qiziqishini ko‘rsatdi (100%), 54% yangi ma’lumotlarni topishda biroz qiyinchilik borligini qayd etdi. Guruh muhokamasi jarayoni talabalarning fanning ushbu va boshqa mavzulariga 100% qiziqish va istaklarini ko‘rsatdi. Texnologiya talabalarga axborotni tahlil qilish va sintez qilish (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika agentligi ma’lumotlari, korxonalarning idoraviy dasturlari va boshqalar) kompetensiyalarini egallash imkonini berdi. Ma’lumotlar bazalari bilan ishlash tanqidiy fikrlashni (tahlil qilish, yaqin va uzoq xorijdagi xalqaro ma’lumotlar bilan taqqoslash, olingan ma’lumotlarni tizimlashtirish), mustaqil fikrlashni rivojlantiradi.

Kasallikni baholash va monitoring qilishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, statistik ishlov berish usullari, kasallanish darajasini hisoblash va xavflarni baholash uchun formulalardan foydalanish bo‘yicha ko‘nikmalarni rivojlantirish texnologiyada muhim ahamiyatga ega. Mehnat sharoitlarini gigiyenik baholash natijalariga ko‘ra xavf omillarini aniqlashda, kasbiy kasallanishni tahlil qilish, davriy tibbiy ko‘riklar ma’lumotlari, vaqtinchalik mehnat qobiliyatini yo‘qotish, nogironlik, o‘lim ko‘rsatkichlari va xodimlar sog‘lig‘ining boshqa ijtimoiy ahamiyatga ega ko‘rsatkichlarini chuqur o‘rganish, shuningdek, ularning reproduktiv salomatligini maxsus ishlab chiqilgan dasturlarga muvofiq taxlil qilish kerak.

Mustaqil tahlillar talabalarga kasallanishni kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlarni rejalashtirish, mehnatga layoqatli aholi salomatligini muhofaza qilish choralarini belgilash, shuningdek, xavf omillarini boshqarish bo‘yicha profilaktika choralarini asoslash imkonini berdi (tarmoqlarning o‘ziga xosligini hisobga olgan holda kasallanish xavfi omillarini kamaytirish va bartaraf etish bo‘yicha tavsiyalar).

Ishchilarning sog‘lig‘i uchun kasbiy xavfni baholash metodologiyasi ishlab chiqarish muhiti va mehnat jarayonining turli omillarini taqqoslash va tartiblash, muayyan ishlab chiqarish sharoitida salbiy ta’sirlarga eng sezgir va ishchilarning eng sezgir (zaif) guruhlarini (voyaga yetmaganlar, homilador ayollar, emizikli onalar, nogironlar) aniqlash imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida tibbiyotni raqamlashtirish muammolarini hal etish tibbiyot oliy o‘quv yurtlari kafedralari va boshqa tashkiliy tuzilmalarining metodik ta’minotni tayyorlash va uni o‘quv jarayoniga joriy etishda o‘quv-uslubiy faoliyatini sezilarli darajada faollashtirishni taqozo etadi.

ADABIYOTLAR

1. Atadjanova A. Sh. Primeneniye sistemi interaktivnix metodov obucheniya kak rezultat formirovaniya obщix kompetensiy studentov-medikov. Nauka i mir. 2016; 3 (31): S. 25–27.

2. Ashurova M.D., Muxammadova G.K. O‘ktamova Sh.N., Muydinova Yo.G. Mejdissipli-

narnaya integratsiya v uchebnom protsesse meditsinskogo vuza. Jurnal klinicheskoy i profilaktich-eskoy meditsini 2023/4/25 №1 S.124-128

3. Barannikov V.G., Kirichenko L.V. Formirovaniye professionalnix kompetensiy u studentov na kafedre kommunalnoy gigiyeni i gigiyeni truda / Uchebno-metodicheskaya rabota po realizatsii FGOS VO i professionalnix standartov: sb. st. uchebno-metodicheskoy konferensii. – 2017. – S. 25-27.

4. Dryomova N. B., Fetisova E. Yu., Tolkachyova I. V. Transformatsiya texnologii proyektnogo obucheniya studentov-medikov v usloviyax sifrovoy obrazovatelnoy sredi. Vestnik Voronejskogo gosudarstvennogo universiteta. Seriya: Problemi visshego obrazovaniya. 2022; (3): 35–7.

5. Irxina I. V., Litovchenko M. V. Primeneniye interaktivnix metodov obucheniya v usloviyax sifrovizatsii obrazovatelnogo protsessa v vuze. Informatsiya i obrazovaniye: granitsi kommunikatsiy. 2022; 14 (22): 401–3.

6. Milushkina O. Yu., Popov V. I., Skoblina N. A., Markelova S. V., Fedotov D. M., Ievleva O. V. Gotovnost obuchayushixsya meditsinskogo vuza k ispolzovaniyu distansionnix obrazovatelnix texnologiy. Rossiyskiy vestnik gigiyeni. 2021; (1): 6–10.

7. Nefyodov P.V., Shkolnaya L.R., Zaxarchenko I.S. differensiatsiya v prepodavanii gigiyenicheskix znaniy // Mejdunarodniy jurnal eksperimentalnogo obrazovaniya. – 2012. – № 4-2. – S. 176-177;

8. Fortigina S. N. Pedagogicheskiye usloviya effektivnogo funksionirovaniya modeli informatsionno-obrazovatelnoy sredi kak sredstvo formirovaniya proyektirovochnoy kompetensii budущix uchiteley nachalnix klassov / S. N. Fortigina // Vestnik Surgutskogo gosudarstvennogo universiteta. Surgut. – 2015. – № 1(7). – S. 8–12.

9. Günter D.R. E–Learning. Theorien, Gestaltungsempfehlungen und Forschung / Daniel Rey Huber, Bern; Auflage: 1., 2009. – 240 p.

UDK: 616.831-005.4-07:159.942

INSULTDAN KEYINGI DEPRESSIV SINDROMNI KLINIK KO'RINISHI

G'ulomqodirov Muzaffar Maxmit o'g'li – mustaqil izlanuvchi
Muradimova Alfiya Rashidovna - Ph.D., dotsent
Farg'ona Jamoat salomatligi tibbiyot instituti (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Maqolada insultdan keyingi depressiya holatlarining klinik ko'rinishlari, patogenetik mexanizmlari, xavf omillari erta bosqichda aniqlashda qo'llaniladigan skrining shkalalari, psixologik va laborator diagnostik usullarning o'rni o'rganildi. Tadqiqotga 40 nafar insultdan keyingi depressiyali bemorlarni 2 turga bo'lib o'rganilgan. Natijada insultdan keyingi depressiya davolashda depressiya turiga qarab differensial yondashuv tavsiya etilishi muhimligi maqolada batafsil yoritib o'tilgan.*

Kalit so'zlar: *insultdan keyingi depressiya, havotir-depressiv sindrom, apatik-depressiv sindrom, miya neyrotrofik omil BDNF va β-endorfinga nisbatan antitanachalar.*

CLINICAL PRESENTATION OF POST-STROKE DEPRESSIVE SYNDROME

Gulomkodirov Muzaffar Makhmit ugli - independent researcher
Muradimova Alfiya Rashidovna - C.M.Sc., associate professor
Fergana Medical Institute of Public Health (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *This article explores the clinical presentations and pathogenetic mechanisms of post-stroke depression, identifies risk factors, and examines the role of screening scales, as well as psychological and laboratory diagnostic methods used for early detection. The study involved 40 patients with post-stroke depression, categorized into two types. The findings emphasize the importance of applying a differential approach to treatment based on the type of depression.*

Key words: *post-stroke depression, anxiety-depressive syndrome, apathetic-depressive syndrome, brain-derived neurotrophic factor (BDNF), antibodies to β-endorphin.*

КЛИНИЧЕСКАЯ КАРТИНА ПОСТИНСУЛЬТНОГО ДЕПРЕССИВНОГО СИНДРОМА

Гуломкодиров Музаффар Махмит угли - соискатель
Мурадимова Альфия Рашидовна - к.м.н., доцент
Ферганский медицинский институт общественного здоровья (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье рассмотрены клинические проявления и патогенетические механизмы постинсультной депрессии, выявлены факторы риска, а также изучены роль скрининговых шкал, психологических и лабораторных методов диагностики на ранней стадии заболевания. В исследовании приняли участие 40 пациентов с постинсультной депрессией, которые были разделены на две группы. По результатам подчеркивается важность дифференцированного подхода к лечению в зависимости от типа депрессии.*

Ключевые слова: *постинсультная депрессия, тревожно-депрессивный синдром, апатико-депрессивный синдром, нейротрофический фактор мозга (BDNF), антитела к β-эндорфину.*

Insult – markaziy nerv tizimidagi keng tarqalgan va jiddiy patologiya bo'lib, jahonda va O'zbekistonda nogironlik va o'limning eng yuqori sabablaridan biri hisoblanadi. Insult faqat jismoniy yetishmovchiliklar emas, balki ruhiy va emotsional buzilishlarni ham keltirib chiqaradi [2,12]. Shulardan eng ko'p uchraydigani — insultdan keyingi depressiya (IKD) hisoblanadi. IKD — bu insultdan keyin 2 haftadan 2 oy ichida paydo bo'ladigan va 6 oydan uzoq davom etishi mumkin bo'lgan affektiv buzilish bo'lib, qayg'u, motivatsiya yo'qolishi, hayotga qiziqish susayishi va kognitiv pasayish bilan namoyon bo'ladi [1, 4].

Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkiloti (JSST) va ko'plab klinik tadqiqotlar ma'lumotlariga ko'ra insultdan keyingi depressiyaning tarqalishi 25–35% ni tashkil qiladi. Ba'zi tadqiqotlarda, skriningsiz holda IKD 50% gacha bemorlarda aniqlangan [13]. Janubiy Koreya, AQSH, Germaniya, Xitoy, Rossiya kabi davlatlardagi ko'p markazli tadqiqotlar IKD tarqalishining o'rtacha darajasini 30% atrofida ekanini tasdiqlaydi [10, 13].

Insultdan keyingi depressiya (IKD) – insultdan keyingi davrda rivojlanadigan va bemorning emotsional, kognitiv, ijtimoiy adaptatsiya qobiliyatlarini pasaytiruvchi affektiv buzilishdir[4, 8]. Uning

patogenezi turli xil nevrobiologik, psixologik va immunologik mexanizmlar o‘rtasidagi o‘zaro ta’sir bilan shakllanadi. Ilmiy tadqiqotlarga ko‘ra, IKD rivojlanishida miya tuzilmalariga shikast yetishi, neyrotransmitterlar muvozanatining buzilishi, stress-gormonlar faolligining kuchayishi, shuningdek, sitokinlar vositachiligidagi neyroiltihobiy reaksiyalar asosiy rol o‘ynaydi [2, 11].

Insultdan keyingi depressiya ko‘p hollarda miyaning muayyan tuzilmalariga shikast yetgan hollarda rivojlanadi. Ushbu tuzilmalar emotsional holat, kayfiyat va motivatsiyani boshqaruvchi markazlar bilan bog‘liq: frontal qobiq (prefrontal cortex): Miyaning chap frontal qavati shikastlangan bemorlarda depressiya yuqori tezlikda rivojlanishi aniqlangan [3]. Bu hudud qaror qabul qilish, hissiy nazorat va ijtimoiy xulq uchun mas’ul; limbik sistema (amigdala, gippokamp): Amigdala — hissiy reaksiyalarni boshqarsa, gippokamp xotira va stressga javob berish bilan bog‘liq [5, 14]. Ularga shikast yetish IKD rivojlanishini qo‘zg‘aydi; bazal gangliya va talamus: Bu tuzilmalar motorikani nazorat qilishda ishtirok etsada, kayfiyatni boshqarish bilan ham bog‘liq ekanligi aniqlangan.

Insultdan keyin asab tugunlari (neyronlar) o‘rtasidagi aloqa buzilib, miyaning kayfiyatni nazorat qiluvchi tizimlari ishdan chiqadi [6, 10].

Yana bir teoriya – bu neyrotransmitterlar muvozanatining buzilishi: depressiya rivojlanishida miyadagi neyroximiyaviy almashinuv muhim rol o‘ynaydi. IKD holatida quyidagi neyromediatorlarning kamayishi kuzatiladi: serotonin (5-HT): hissiy barqarorlik va sevinch hissi uchun javobgar neyromediator [7]. Uning darajasi pasayganda qo‘rquv, qayg‘u, apatiya paydo bo‘ladi; noradrenalin: Faollik, diqqat, stressga javob reaksiyalarini boshqaruvchi modda. Kamayishida motivatsiya pasayadi; dopamin: lazzat, mukofot va motivatsiya tizimida asosiy rol o‘ynaydi. IKD holatida uning almashinuvi izdan chiqadi [3, 14].

Insultdan keyingi miya to‘qimasidagi shikast neyronlar soni ko‘payib, neyrotransmitterlar sintezi kamayishiga, ularning retseptorlari soni va faoliyatining buzilishiga olib keladi. Bu esa kayfiyatni boshqarish tizimining yetishmovchiligiga olib keladi [5, 10].

Keyingi nazariya - iltihobiy sitokinlar va neyroinflamator mexanizmlar. Oxirgi yillarda IKD patogenezida inflamator (iltihobiy) mexanizmlar ham katta ahamiyatga ega ekanligi isbotlangan [8, 13]. Insult vaqtida va undan keyin qonda va markaziy nerv tizimida quyidagi sitokinlar darajasi oshadi: IL-1β (Interleukin-1β); IL-6 (Interleukin-6); TNF-α (Tumor Necrosis Factor-alpha). Ushbu moddalar qonmiya to‘sig‘ini buzib, miyadagi mikroglial hujayralarni faollashtiradi, neyronlar o‘rtasidagi signallarni susaytiradi va kayfiyatni nazorat qiluvchi neyrotransmitterlar sinteziga to‘sqinlik qiladi [4, 11]. Ilmiy tadqiqotlarda PSD bo‘lgan bemorlarda yuqori IL-6 darajasi va dopamin-hassos retseptorlar faolligining pasayishi kuzatilgan [9].

To‘rtinchi nazariya – bu gipotalamus-gipofiz-bo‘yrak usti (GGBU) o‘qi disfunksiyasi. Insult stress holatida rivojlanadi. Bu stress organizmida gipotalamus-gipofiz-bo‘yrak usti o‘qi (HPA axis) orqali stress gormonlarini (ayniqsa kortizol) ko‘p ishlab chiqarilishiga olib keladi. Kortizolning doimiy yuqori darajasi: gippokampda neyrogenezni susaytiradi; serotonin va dopamin sintezini kamaytiradi; og‘ir holatlarda neyronlar apoptoziga (o‘limiga) olib keladi [1, 10].

Uzoq muddatli stress gormonal disbalansi IKD rivojlanishini qo‘zg‘atuvchi asosiy biologik mexanizmlardan biri hisoblanadi.

Beshinchi nazariyasi – bu psixo-ijtimoiy va shaxsiy omillar. Patogenez faqat biologik jihatdan emas, balki shaxsiy, ijtimoiy va psixologik omillar bilan ham bog‘liq. Masalan: nogironlik, mustaqillikni yo‘qotish, o‘ziga bo‘lgan ishonchning pasayishi; reabilitatsiya jarayonida qiynalish, natija chiqmasligi; yolg‘izlik, ijtimoiy izolyatsiya; ayollarda – gormonal o‘zgarishlar va emotsional reaktivlikning yuqoriligi.

Ushbu omillar miyadagi biologik o‘zgarishlar bilan birgalikda IKDni chuqurlashtiradi [11, 14].

Xulosa qilib aytganda insultdan keyingi depressiya – bu ko‘p omilli va kompleks patogenezga ega bo‘lgan holat bo‘lib, u miya tuzilmalari shikastlanishi, neyrotransmitterlar disbalansi, stress gormonlari faolligi va inflamator jarayonlar ta’sirida rivojlanadi. Shuningdek, ijtimoiy izolyatsiya, emotsional zarbalar va shaxsiy xususiyatlar IKD rivojlanishini rag‘batlantiradi. Bunday holatda patogenezni to‘liq tushunish IKDni samarali aniqlash, davolash va profilaktika qilishda muhim ahamiyatga ega [8, 12].

Keyingi bosqichlarda insultdan keyin 3 oy ichida IKD eng yuqori nuqtaga yetadi. Agar erta aniqlanmasa, IKD kognitiv buzilish, reabilitatsiyaning samarasizligi, o‘z joniga qasd qilish xavfi bilan bog‘liq bo‘ladi [5, 13].

Ayollarda IKD aniqlanish xavfi erkaklarga nisbatan 2-3 barobar yuqori (ayniqsa postmenopauzal davrda). Bu holat estrogen gormonining miyadagi neyroprotektor funksiyasining pasayishi bilan bog‘liq. Ayollarda emotsiyaviy labillik, yig‘i, apatiya kabi simptomlar kuchliroq namoyon bo‘ladi [14].

Erkaklarda IKD ko‘p hollarda "yozilmagan" simptomlar bilan namoyon bo‘ladi: agressiya, aloqa qilmaslik, ichki tashvish. Ularda alkogol va sigaret iste’moli ortib ketishi mumkin. Jins farqi bilan bog‘liq tadqiqotlar: Paolucci et al. (2001) tadqiqoti: IKD holatlari ayollarda 45%, erkaklarda 25% atrofida aniqlangan; Robinson & Jorge (2016): IKD rivojlanishida jins bilan bir qatorda yosh, ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash darajasi, insult lokalizatsiyasi ham muhim omil ekanini ta’kidlagan [5, 12].

Tadqiqotning maqsadi.

Insultdan keyingi ruhiy buzilishlar rivojlanishining klinik-laborator xususiyatlarini o‘rganish va

ularni erta aniqlash strategiyalarini va reabilitatsiya qilish ishlab chiqish.

Tadqiqot materiallari va usullari.


Ushbu tadqiqot natijalari 2023–2024 yillar davomida Farg‘ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti Ko‘p tarmoqli tibbiyot klinikasida insultga chalingan 30 yoshdan 72 yoshgacha bo‘lgan 40 nafar bemorni tekshirish va ularni dinamik kuzatish asosida o‘rganildi. Bemorlarning o‘rtacha yoshi 59,5±10,88 yilni tashkil etdi. Ularda birinchi insult holati o‘rtacha 53,45±10,15 yoshda kuzatilgan.

Tadqiqot davomida bemorlarning hayot tarixi (anamnezi) yig‘ildi, klinik va nevrologik tekshiruvlar an’anaviy usullar asosida amalga oshirildi. Insultning og‘irlik darajasi NIHSS (2001 y.) shkalasi yordamida, insultdan so‘nggi nogironlik darajasi esa Renkin shkalasi (1988 y.) asosida baholandi. Shuningdek, kognitiv holatni MoCA testi bilan, xavotir (anksietik) sindromni Gamilton xavotirlik shkalasi (HAM-A), depressiv holatni esa Gamilton depressiya shkalasi (HDRS) asosida va Apatik sindrom esa Martin shkalasi bo‘yicha baholandi.

Bosh miya strukturaviy o‘zgarishlarini baholash maqsadida, ayrim nerv oqsillari — BDNF va β-endorfinga nisbatan antitanachalar ELISA (IFA) testi yordamida aniqlandi. Olingan barcha ma’lumotlar statistik tahlil qilindi. O‘rta ko‘rsatkichlar orasidagi farq R<0,05 bo‘lganda statistik jihatdan ishonarli deb topildi. Klinik va laborator tekshiruv natijalari umumiy statistik tahlil qoidalariga muvofiq baholandi.


Tadqiqot natijalari.

Tadqiqotda ishtirok etgan bemorlarning 26 nafari (60%) erkak, 14 nafari (40%) ayollar edi. Insult holati ularning aksariyatida o‘rtacha 51,9±0,87 yoshda (mediana – 52,5; eng kichik yosh – 37; eng katta yosh – 72) yuz bergan (1-rasm).



1 rasm. **Bemorlarni yoshi va jinsi bo‘yicha taqsimlanishi**

TOAST patogenetik klassifiksiyasiga binoan ishemik insultning quyidagi turlari aniqlandi: kardioembolik (8; 20%), aterotrombotik (15; 37,5%) va lakunar (17; 42,5%) insult (2-rasm).



2 rasm. **TOAST klassifikatsiyasiga binoan II turlari**

Xavf omillarini tahlil qilish natijasida arterial gipertenziya 35 (87,5%), yurak ritmi buzilishlari 12 (30%), yurakning ishemik kasalliklari 10 (25%), oshqozon-ichak kasalliklari 2 (5%), harakat-tayanch tizmining kasalliklari 9 (22,5%), va kamqonlik 9 (22,5%) nafar bemorda aniqlandi.

Bemorlarning anamnezida insult uyqu arteriyasi havzasida 33 (82,5%), vertebrobazilyar havzada 7 (17,5%) nafar bemorlarda kuzatilgan.


Insultning og‘irlik darajasi NIHSS shkalasi bo‘yicha o‘rtacha 12,85±1,07 (95% CI – 10,7;14,96) ballni tashkil etdi (P<0,02).

Renkin shkalasi bo‘yicha baholash o‘rta hisobda 3,65±0,15 (95% CI – 3,35; 3,95) ballni tashkil etgan.

MoCA shkalasibo‘yichabaholash o‘rta hisobda18,2±0,15 (95% CI – 17; 22) ballni tashkil etgan.


Tekshiruvdan o‘tkazilgan patsientlarda yengil (19; 47,5%), o‘rta og‘irlik daraja (15; 37,5%) va og‘ir (6; 15,0%) darajadagi depressiv sindrom kuzatildi. Depressiya og‘ir darajalari bosh miyaning o‘rta arteriyasi havzasida, ayniqsa chap peshona bo‘lagida sodir bo‘lgan ishemik insultlarda kuzatilgan, vertebrobazillyar havzadagi ishemik insultlarda depressiv sindromning yengil va o‘rta darajalari kuzatilgan.

Yengil darajadagi depressiyada bemorning shikoyatlari asosiy kasallik fonida yaqqol namoyon bo‘lmaydi, va ko‘pinchalik, bemorlar uyquning buzilishi (19;100%), ishtaha susayishi (14; 73,6%), surunkali ravishda kechuvchi og‘riqlarga (10; 52,6%), ko‘p terlash (11; 57,8%), yurak tez urib ketishi (9; 47,3%), peshob tuta olmaslikka (4; 21%) shikoyat qildilar (3-rasm).




3 rasm. **Insult o‘tkazgan bemorlarnig yengil darajadagi depressiyadagi shikoyatlari**

O‘rta og‘irlikdagi depressiv sindromda bemorlar yuqoridagilarga qo‘shimcha ravishda kayfiyatning susayishi (15; 100%), qiziqishning susayishiga (15;100%), tez charchash va holsizlik (13; 86,6%), diqqatni jamlay olmaslik (12; 80%) kundalik faoliyatning susayishi (13; 86,6%), apatiya (13; 86,6%), uyquning buzilishi (14; 100%)ga shikoyat qilganlar (4-rasm).



4 rasm. **Insult o‘tkazgan bemorlarnig o‘rta og‘irlikdagi depressiv sindromdagi shikoyatlari**

Og‘ir darajadagi depressiv sindromdagi bemorlarda yuqoridagilarga qo‘shimcha ravishda suitsidal o‘ylar (5; 83,3%), agedoniya (6; 100%), psixomtor qo‘zg‘aluvchanlik (2; 33,3%) yoki tormozlanish (6; 100%) kuzatilgan (5-rasm).




5 rasm. **Insult o‘tkazgan bemorlarnig og‘ir darajadagi depressiv sindromdagi shikoyatlari**

Gamilton depressiya shkalasi bo‘yicha bemorlar o‘rtacha 13,98±0,63 (95% CI – 12,74; 15,2) ballni tashkil qildi(6-rasm).


Insultdan keyingi xavotirlik sindromida bemorlarning aksarida qo‘rquv, ichki taranglik, bezovtalik, asabiylashish kuzatildi. Bemorlarda yig‘loqilik (25; 62,5%), notanish odamlardan va yolg‘izlikdan qo‘rqish (20; 50%), uxlab ketishga qiynalish (35; 87,5%), mushaklarda og‘riq (14; 35%), quloqlarda shang‘illash (10; 25%), ko‘rish sustligi (6; 15%), yurak urib ketishi (32; 80%), to‘sh suyagi orqasida ezuvchi og‘riq (25; 62,5%), hansirash (28; 70%), qorin tez-tez dam bo‘lishi (10; 25%), og‘iz qurushi (30; 75%), ko‘p terlash (34; 84%), mayda amplitudali tremor (18; 45%) kuzatildi.

Gamilton xavotirlik shkalasi bo‘yicha bemorlar o‘rtacha 19,9±0,99 (95% CI – 17,95; 21,8) ball ni tashkil etdi (6-rasm).



6 rasm. **HDRS va HAM-A shkalasining o‘rta ko‘rsatkichi va 95%li CI**

Bemorlarni **apatik xolatini va og‘irlik darajasini bilish uchun Marin apatiya shkalasi (Apathy Scale, Marin)** dan foydalandik. Tekshiruvdan o‘tkazilgan patsientlarda yengil (12; 30%), o‘rta og‘irlik daraja (5; 12,5%) va og‘ir (3; 7,5%) darajadagi apatik sindrom kuzatildi. Apatiya og‘ir darajalari bosh miyaning o‘rta arteriyasi havzasida, ayniqsa o‘ng peshona bo‘lagida sodir bo‘lgan ishemik insultlarda kuzatilgan(7-rasm).



7 rasm. **Marin apatiya shkalasi bilan bemorlarni apatik xolatini baholash**

Bosh miya to‘qimasining yemirilishida, xususan, insultlarda qon zardobidagi BDNF va β-endorfinlarga nisbatan AT miqdorini xavotir-depressiv va apatik-depressiv sindromlar bilan bog‘liqligini o‘rgandik.

Tekshiruv natijalari shuni ko‘rsatib turibdiki BDNFmiya neyrotrofik faktori ko‘rsatkichi bir muncha pasaygan (227±3,21pg/ml), bu yuqorida ko‘rsatilgandek bosh miyada surunkali strukturaviy o‘zgarishlar ketayotganidan dalolat beradi.

β-endorfinlarga nisbatan ATning ham o‘rta miqdori me’yoriy ko‘rsatkichlar bir muncha pasayganganligini ko‘rsatdi (1-jadval).

1 jadval.

Bosh miyaning asosiy oqsillariga nisbatan AT miqdori

Deskriptiv ko‘rsatkichlar	BDNF, pg/ml	β- endorfinga AT
O‘rta ko‘rsatkich (M±m)	250±3,21	9,13±6,13
Mediana (Me)	267	8,5
Minimum (min)	198	-80
Maksimum (max)	301	83

2 jadval.

Bosh miyaning asosiy oqsillari BDNF neyrotrofik faktor va β-endorfin bilan shkalalar o‘rtasida korrelyatsion bog‘liqlik

shkala	marker	
	BDNF	β-endorfin
NIHSS	-0,64	-0,58
Renkin	-0,9	-0,75
MoCA,	0,75	0,68
Gamilton HDRS	-0,9*	-0,64*
Gamilton HAM-A	-0,78	-0,76*
Marin apatiya	-0,84*	-0,78

Izoh: *- neyrotrofinlar va baholash shkalalari o‘rtasidagi korrelyatsion ko‘rsatkichlarning ahamiyatlilik darajasi bir xil terapevtik kichik guruhlarning turli asosiy guruhlarida aniqlangan (farqlar ishonchli deb topiladi: *– p<0,05 bo‘lganda bo‘lganda).*

2-jadvalda bosh miya spesifik oqsillariga nisbatan AT miqdorini kasallik klinik kechishi va og‘irlik darajasi bilan bog‘liqlik darajasini aniqlash maqsadida NIHSS va Renkin shkalasi, MoCA, Gamilton HDRS shkalasi va xavotirlik HAM-A shkalasi, Marin apatiya shkalasi (Apathy Scale, Marin)bilan ularning titri o‘rtasida korrelyatsion tahlillar o‘tkazildi.Dinamikada bemorlar kayfiyatining ko‘tarilishi kasallikning reabilitatsiyasiga o‘z ijobiy ta’sirini ko‘rsatdi, bu gospitalizatsiya muddatini ishonarli kamayishiga sabab bo‘ldi. Patsientlari o‘rtacha gospitalizatsiya muddati 30±1,6 kunnitashkil etdi (R<0,05).

Xulosa qilib aytganda, insultdan keyingi anksietik-depressiv sindrom, uning jihatlari ko‘p tadqiqotchilar tomonidan o‘rganilgan, va yuzaga keluvchi emotsional-ruhiy o‘zgarishlar, va ayniqsa,

unga qo‘shimcha ravishda insultdagi o‘zgarishlarni o‘rganish hozirgi zamonda dolzarb muammolardan biridir.

Ishemik insult klinik ko‘rinishlarining og‘irlik darajasi va depressiv sindromning og‘irlik darajasi o‘zaro kuchli korrelyatsion bog‘liqlikni (P<0,001), hamda anksietik sindromning og‘irlik darajasi bilan o‘zaro o‘rta darajali korrelyatsion bog‘liqlikni (R<0,005) ko‘rsatdi.

Qon zardobida miya neyrotrofik omil BDNF va β-endorfinlarga nisbatan antitanachalar miqdorining ortishi havotir-depressiv va apatik-depressiv sindromlarning og‘irlik darajalarini ishonarli (P<0,001) darajada aks ettiradi.

ADABIYOTLAR

1. Кадыков А.С., Шахпаронова Н.В., Гришина Д.А. Постинсультная депрессия. Взгляд невролога. Атмосфера. Нервные болезни 2009; 4:41-2.

2. Суслина З.А., Гулевская Т.С., Максимова М.Ю., Моргунов В.А. Нарушения мозгового кровообращения: диагностика, лечение, профилактика. М.: МЕД пресс-информ; 2016. 536 с.

3. Суслина З.А., Максимова М.Ю., Синева Н.А., Водопьянов Н.П., Хохлова Т.Ю. Частная неврология. М.: Практика; 2012. 272с.

4. Домашенко М.А., Максимова М.Ю., Орлов С.В., Щукина Е.П.Постинсультная депрессия. Фарматека 2011; 19:15-9.

5. Максимова М.Ю., Хохлова Т.Ю., Суанова Е.Т. Постинсультная депрессия как частая медико-социальная проблема. Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова 2016;116(3):96-103.

6. Инсульт: современные технологии диагностики и лечения. Под ред. Пирадова М.А., Танашян М.М., Максимовой М.Ю. 3-е изд., доп. и перераб. М: МЕДпресс-информ; 2018. 360 с.

7. Скворцова В.И., Концевой В.А., Савина М.А., Петрова Е.А., Серпуховитина И.А., Шанина Т.В. Постинсультное генерализованное тревожное расстройство: соотношение с депрессией, факторы риска, влияние на восстановление утраченных функций, патогенез, лечение. Журналневрологииипсихиатрииим. С.С. Корсакова 2010;110(10):4-7.

8. Villa RF, Ferrari F, Moretti A. Post-stroke depression: mechanisms and pharmacological treatment. Pharmacologyand Therapeutics 2018 Apr; 184:131-44.

9. Xu HB, Xu YH, He Y, Xue F, Wei J, Zhang H, Wu J. Decreased serum brain-derived neurotrophic factor may indicate the development of poststroke depression in patients with acute ischemic stroke: a meta-analysis. Journal of Stroke and Cerebrovascular Diseases 2018 Mar;27(3):709-15.

10. Ayerbe L, Ayis SA, Crichton S, Wolfe CD, Rudd AG. Natural history, predictors and associated outcomes of anxiety up to 10 years after stroke: the South London Stroke Register. Age and Ageing 2014 Jul;43(4):542-7.

11. Kutlubaev MA, Hackett ML. Part II: predictors of depression after stroke and impact of depression on stroke outcome: an updated systematic review of observational studies. International Journal of Stroke 2014 Dec;9(8):1026-36.

12. Hackett ML, Yang M, Anderson CS, Horrocks JA, House A. Pharmaceutical interventions for emotionalism after stroke. The Cochrane Database of Systematic Reviews 2010;(2):CD003690.

13. Мурадимова А.Р., Гуломкодиров М.М. Роль сывороточных маркеров крови в развитии и прогнозе инсульта ишемического типа. O‘zbekiston harbiy tibbiyoti (5) 2024 yil

УДК: 616.12-005.4:616.379-008.64

ИЗУЧЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТОВ АОРТОКОРОНАРНОГО ШУНТИРОВАНИЯ У БОЛЬНЫХ С ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА И САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ

Мамараджапова Дилором Абдуллаевна – соискатель
ЦРПКМР (Ташкент, Узбекистан)
American Hospital (Ташкент, Узбекистан)
Талипова Юлдуз Шавкатовна - д.м.н., доцент
Тулабоева Гавхар Миракбаровна - д.м.н., профессор
Сагатова Халида Махмудовна - к.м.н., доцент
ЦРПКМР (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье изучены особенности течения ишемической болезни сердца (ИБС) у пациентов с сахарным диабетом 2 типа (СД 2 типа) в условиях проведения аортокоронарного шунтирования (АКШ). Всего были проанализированы данные 384 пациентов, перенёсших плановое АКШ: из них 125 пациентов с СД 2 типа (1-я группа) и 259 без СД (2-я группа). Установлено, что у пациентов с СД 2 типа наблюдалась более высокая доля женщин (30,4%) и выраженная сопутствующая патология. В этой группе чаще встречались такие осложнения, как аритмии (15,2%), острая сердечно-сосудистая недостаточность (9,6%) и острое нарушение мозгового кровообращения (4%). Несмотря на это, показатели госпитальной летальности в обеих группах были сопоставимы (4,8% против 3,8%). Количество наложенных шунтов и использование искусственного кровообращения существенно не различались между группами. У больных с СД чаще регистрировались постинфарктный кардиосклероз, хроническая сердечная недостаточность, а также ожирение, заболевания почек и ЖКТ.*

Ключевые слова: *аортокоронарное шунтирование, сахарный диабет, ишемическая болезнь сердца, острый инфаркт миокарда.*

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА АОРТОКОРОНАР ШУНТЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Мамаражапова Дилором Абдуллаевна - мустақил изланувчи
ТХКМРМ (Тошкент, Ўзбекистон)
American Hospital (Тошкент, Ўзбекистон)
Талипова Юлдуз Шавкатовна - т.ф.д., доцент
Тулабоева Гавхар Миракбаровна - т.ф.д., профессор
Сагатова Халида Махмудовна - т.ф.н., доцент
ТХКМРМ (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация. *Мақолада юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва қандли диабет (ҚД) 2-тури билан оғриган беморларда аортокоронар шунтлаш (АКШ) операциясидан кейинги ҳолатлар ўрганилган. Тадқиқотга режали равишда АКШ ўтказган 384 нафар бемор жалб этилган бўлиб, улардан 125 нафари (1-гуруҳ) ҚД 2-тури билан, 259 нафари (2-гуруҳ) ҚД бўлмаган беморлардир. Натижаларга кўра, ҚД 2-тури билан оғриган беморларда аёллар улуши юқори (30,4%) бўлиб, уларда юрак-томир касалликларининг ҳамроҳ ҳолатлари ва эрта операциядан кейинги асоратлар, жумладан аритмиялар (15,2%), ўткир юрак етишмовчилиги (9,6%) ва ОНМК (4%) кўпроқ учраган. Шу билан бирга, операция вақтидаги кўрсаткичлар ва шунтлар сони гуруҳлар орасида фарқ қилмаган. ҚД 2-тури бўлган беморларда ПИКС ва СЮЕ ҳамда бир қатор коморбид ҳолатлар (семизлик, буйрак касалликлари, ошқозон-ичак муаммолари) кўпроқ қайд этилган.*

Калит сўзлар: *аортокоронар шунтлаш, қандли диабет, юрак ишемик касаллиги, ўткир миокард инфаркти.*

STUDY OF THE RESULTS OF AORTOCORONARY SHUNTING IN PATIENTS WITH CORONARY HEART DISEASE AND DIABETES MELLITUS

Mamaradzhapova Dilorom Abdullayevna - independent applicant
CDPQMW (Tashkent, Uzbekistan)
American Hospital (Tashkent, Uzbekistan)
Talipova Yulduz Shavkatovna - D.M.Sc., associate professor
Tulaboyeva Gavkhar Mirakbarovna - D.M.Sc., professor

Sagatova Khalida Makhmudovna - C.M.Sc., associate professor
CDPQMW (Tashkent, Uzbekistan)

Annotation. *The article examines the clinical features of coronary artery disease (CAD) in patients with type 2 diabetes mellitus (T2DM) undergoing coronary artery bypass grafting (CABG). A total of 384 patients who underwent planned CABG were analyzed: 125 with T2DM (Group 1) and 259 without diabetes (Group 2). It was found that patients with T2DM had a higher proportion of women (30.4%) and more pronounced comorbidity. In this group, early postoperative complications were more frequent, including arrhythmias (15.2%), acute cardiovascular insufficiency (9.6%), and acute cerebrovascular accidents (4%). Despite this, hospital mortality rates were comparable between the groups (4.8% vs. 3.8%). The number of grafts and the use of cardiopulmonary bypass showed no significant differences between the groups. Patients with T2DM more frequently exhibited post-infarction cardiosclerosis, chronic heart failure, as well as obesity, kidney diseases, and gastrointestinal disorders.*

Key words: *coronary artery bypass grafting, type 2 diabetes mellitus, coronary artery disease, acute myocardial infarction.*

Ишемическая болезнь сердца (ИБС) представляет одну из главных медико-социальных проблем современности, оставаясь ведущей причиной смертности и инвалидизации во всем мире. По данным Всемирной организации здравоохранения, сердечно-сосудистые заболевания ежегодно уносят жизни более 17 миллионов человек, при этом ИБС составляет значительную долю в структуре данной патологии [1, 2].

Особую актуальность проблема ИБС приобретает у пациентов с сопутствующим сахарным диабетом 2 типа (СД 2 типа), распространенность которого в мире неуклонно растет и, по прогнозам Международной диабетической федерации, к 2045 году достигнет 700 миллионов человек [3, 4]. Сахарный диабет 2 типа признан независимым фактором риска развития сердечно-сосудистых осложнений, увеличивая вероятность возникновения ИБС в 2-4 раза по сравнению с общей популяцией [5,6].

Патофизиологические механизмы, связывающие СД 2 типа и ИБС, многофакторны и включают ускоренное развитие атеросклероза, эндотелиальную дисфункцию, нарушения коагуляционного гемостаза, диабетическую кардиомиопатию и микроваскулярные изменения [7, 8]. Хроническая гипергликемия способствует гликозилированию белков сосудистой стенки, активации процессов воспаления и оксидативного стресса, что приводит к более агрессивному течению атеросклеротического процесса и развитию диффузного поражения коронарных артерий [9, 10].

У пациентов с СД 2 типа ИБС часто характеризуется более выраженным многососудистым поражением коронарного русла, вовлечением дистальных сегментов артерий и повышенной склонностью к тромбообразованию. Клиническое течение заболевания нередко имеет атипичный характер из-за диабетической нейропатии, что затрудняет своевременную диагностику и может приводить к поздней обращаемости пациентов за медицинской помощью [11, 12].

Аортокоронарное шунтирование (АКШ) является золотым стандартом хирургического лечения ИБС при многососудистом поражении коронарных артерий, особенно у пациентов с сопутствующим сахарным диабетом. Многочисленные исследования, включая крупные рандомизированные контролируемые исследования FREEDOM, SYNTAX и BARI 2D, продемонстрировали преимущества АКШ перед чрескожными коронарными вмешательствами у диабетических пациентов с комплексным поражением коронарных артерий [13, 14, 15].

Однако, несмотря на доказанную эффективность АКШ, наличие СД 2 типа может существенно влиять на периоперационные риски и отдаленные результаты операции. Пациенты с диабетом имеют повышенный риск развития инфекционных осложнений, нарушений заживления ран, сердечно-сосудистых событий в послеоперационном периоде [16, 17]. Кроме того, диабетическая нефропатия, ретинопатия и другие микрососудистые осложнения могут дополнительно усложнять ведение таких пациентов в периоперационном периоде [18].

Особенности коморбидности у пациентов с СД 2 типа также требуют пристального внимания. Данная категория больных часто страдает артериальной гипертензией, дислипидемией, ожирением, хронической болезнью почек и другими состояниями, которые могут влиять на прогноз после кардиохирургических вмешательств [19, 20]. Системный характер метаболических нарушений при диабете требует комплексного подхода к предоперационной подготовке и послеоперационному ведению пациентов.

В то же время, данные о влиянии СД 2 типа на непосредственные результаты АКШ остаются противоречивыми. Ряд исследований демонстрирует увеличение частоты послеоперационных осложнений и госпитальной летальности у диабетических пациентов, в то время как другие работы не выявляют существенных различий в краткосрочных исходах [21, 22]. Эти противоречия могут быть обусловлены различиями в характеристиках изучаемых популяций, критериях отбора пациентов, хирургической технике и послеоперационном ведении.

Актуальность изучения данной проблемы в условиях Республики Узбекистан обусловлена растущей распространенностью как ИБС, так и СД 2 типа среди населения региона. Особенности генетических, этнических и социально-экономических факторов могут влиять на характер течения заболеваний и результаты лечения, что требует проведения локальных исследований для оптимизации подходов к ведению данной категории пациентов.

Таким образом, ретроспективный анализ результатов АКШ у пациентов с ИБС в зависимости от наличия СД 2 типа представляется крайне актуальным для выявления особенностей клинического течения, факторов риска осложнений и разработки персонализированных подходов к лечению данной сложной категории больных.

Цель исследования: Сравнительное изучение демографических, клинических и хирургических характеристик, а также послеоперационных осложнений АКШ у больныхс ИБС в зависимости от наличия или отсутствия сахарного диабета 2 типа.

Материалы и методы. Анализировались результаты операции 384 больных ИБС с многососудистым поражением коронарных артерий в зависимости от наличия или отсутствия сахарного диабета перенесших плановое аортокоронарное шунтирование (АКШ) с января по декабрь 2022 года. Больные были распределены на две группы: 1-я группа больные ИБС с сахарным диабетом 2 типа принимающие пероральные гиполипидемические средства или/и инсулин и 2-я группа, больные ИБС без сахарного диабета. Диагноз ставили на основании критериев ВОЗ. Критериями включения стали: подтверждённый диагноз ишемической болезни сердца (ИБС), наличие показаний к плановому АКШ, а также полный объём клинико-инструментальных данных, необходимых для анализа. Критерии исключения: экстренные операции, сопутствующие тяжёлые некардиологические патологии в стадии декомпенсации и отсутствие согласия пациента на участие в исследовании.

Больным обеих групп операция АКШ выполнялось в отделении кардиохирургии клиники «American Hospital» г. Ташкента, одной кардиохирургической бригадой под общим обезболиванием в условиях искусственного кровообращения (ИК) и на работающим сердце без ИК.

Демографические, клинические данные были систематизированы и проанализированы с использованием современных статистических методов. Качественные переменные представлены в виде абсолютных значений и процентов, количественные — в виде среднего значения со стандартным отклонением (M± SD) или с 95% доверительным интервалом (CI). Для сравнения групп по непрерывным показателям применялись непараметрические критерии (критерий Манна-Уитни, Краскела-Уоллиса), для категориальных данных — критерий χ^2 или точный критерий Фишера. Статистическая значимость различий определялась при p≤ 0,05. Обработка данных выполнена в программах SPSS 26.0 и R 4.0.2.

усули стационар ва поликилиника шароитларида кенг қўлланила бошлагандан сўнг юрак клапанлари ва йирик томирлар дегенератив кальциноз белгиларини аниқлаш осонлашди. Росси ва хаммуалифларининг таъкидлашича, 50 ёшдан ошган ахоли орасида аортал клапани кальцинози 2000:20 учрайди. Патанатомик текширувларнинг 25% холатида аорта клапани кальцинози аниқланган **[1, 2, 3, 5]. Мэйонинг кардиология клиникасининг (АҚШ) 15 йиллик кузатув натижалари бўйича аортал клапанининг дегенератив стенози 48% беморларда, аортал клапанларининг туғма нуқсонлари 27% ва ревматик нуқсонлар 25% холатларда кузатилган.** Эхокардиографик текширув АККН ни ташхислашда кенг қўлланиладиган инструментал текширув хисобланади. Ушбу текширув орқали аорта клапани табақалари сонини аниқлаш, унинг харакати, қалинлиги, стеноз даражасини ва кальцинатлар мавжудлигини аниқлаш мумкин **[2, 3, 4, 5]**.

Тадқиқот мақсади: Юрак қон-томир тўқималарида дегенератив ўзгаришлар аниқланган кекса ёшдаги беморларда эхокардиографик ва электрокардиографик текширувлар натижаларининг тахлили.

Тадқиқот объекти ва текширув усуллари: Клапанларнинг дегенератив ўзгариши ва қон томирларининг атеросклеротик шикастланиши кузатилган кекса ёшли беморларнинг эхокардиографик текширув натижаларини тахлил қилиш ва ушбу беморларда учрайдиган ЭКГ ўзгаришларни аниқлаш. Бажарилган иш доирасида 60 ёшдан 85 ёшгача бўлган 200 бемор текширилди, улардан 109 нафари эркаклар ва 81 та аёл. Беморлар икки гуруҳга бўлинган: 1 – гуруҳ (n=120) - дегенератив ўзгаришлар кузатилган беморлар (аорта стенози, митрал етишмовчилик, клапанларнинг комбинациялашган шикастланиши), 2-гуруҳ (n=80) – аниқ атеросклеротик томир ўзгаришлари (уйқу артериялари стенози, оёқ-қўл томирлари сурункали ишемияси, коронар томирлар шикастланиши) бўлган беморлар.

Олинган натижалар тахлили. Электрокардиограмма кўрсаткичларининг таҳлил натижаларига кўра, клапан патологиясига эга беморларда (1-гуруҳда) юрак қисқаришлар сони сезиларли даражада юқори бўлган (86,5 ± 9,7 ур/дақ.) ва бу аортал стеноз ёки митрал регургитация натижасида юзага келган чап юрак гипертрофияси ва юракнинг компенсация механизмлари билан изоҳланади (1 жадвал).

1 жадвал.

ЭКГ кўрсаткичларининг натижалари тахлили

Кўрсаткичлар	1-группа (n=120)	2-группа (n=80)	Δ Фарқ (95% ИИ)	p-қиймат
ЮҚС (уриш1 дақиқада)	86,5 ± 9,7	78,8 ± 8,5	+7,7 (5,2÷10,1)	< 0,001
PQ интервали (сония)	0,162 ± 0,028	0,192 ± 0,031	−0,030 (−0,038 ÷ −0,021)	< 0,001
QRS кенглиги (мс)	106,3 ± 11,7	98,2 ± 10,9	+8,1 (5,2 ÷ 11.0)	< 0,001
ST-T ўзгаришлари (%)	20 (16,7%)	34 (42,5%)	+25,8% (12,6% ÷ 39,0%)	< 0,001
QT интервали (мс)	421,7 ± 27,5	415,6 ± 25,2	+6,1 (−1,2 ÷ 13,4)	= 0,101

2-гуруҳда ЮҚС кўрсаткичи пастроқ (78,8±8,5 ур/дақ.) бўлиб, ишемия фонида юрак фаолиятининг сустлашганлигини акс эттиради. Бу фарқ 95% ишончли интервалда (5,2±10,1) бўлиб, **p<0,001** даражада ишончли ҳисобланди. PQ интервали бўйича ҳам гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ мавжуд бўлиб, 1-гуруҳда беморларида интервал қисқарган (0,162±0,028 сония), 2-гуруҳда беморларида эса узайган (0,192±0,031сония). Бу ҳолат ишемик фиброз ва электр ўтказувчанликдаги бузилишлар билан боғлиқ бўлиб, фарқ **−0,030 сония**ни ташкил этиб, **p < 0,001** даражада ишончли бўлди.

QRS комплекси кенглиги ҳам клапан патологияси гуруҳида юқорироқ (106,3±11,7 мс) бўлиб, гипертрофия ва реполяризация бузилишларини акс

эттиради. Атеросклерозли беморларда бу кўрсаткич 98,2±10,9 мсни ташкил этган ва фарқ **+8,1 мс (95% ИИ: 5,2±11,0)** бўлиб, **p < 0,001** даражада аҳамиятли деб топилди.

ST сегмент ва T тўлқинидаги ўзгаришлар ҳам гуруҳлар орасида сезиларли даражада фарқ қилган. 1-гуруҳ беморларида 20 нафар (16,7%) беморда strain-паттерн кузатилган бўлса, 2-гуруҳ беморларида 34 нафарда (42,5%) ишемик ўзгаришлар қайд этилган. Бу фарқ 95% ишончли интервалда **+25,8% (12,6%±39,0%)** ни ташкил этган ва **p< 0,001** даражада ишончли деб баҳоланди. QT интервали бўйича икки гуруҳда фарқ мавжуд бўлса-да (421,7±27,5 мс vs.

415,6±25,2 мс), бу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас деб топилди (**p=0,101).**

Тадқиқотга олинган беморларда ўтказилган эхокардиографик текширув энг кўп аниқланган патологик ўзгариш чап қоринча миокардининг гипертрофияси эканлигини кўрсатди. Иккала гурух беморларидаги ўзгаришларнинг тахлили концентрик ва эксцентрик турдаги гипертрофиянинг учрашида бир оз фарқ борлигини аниқлашга ёрдам берди (2 жадвал).

2- жадвалда чап қоринча гипертрофиясининг турлари — концентрик ва эксцентрик — бўйича 1-гуруҳ ва 2-гуруҳ беморлар ўртасидаги тақсимоти келтирилган. 1-гуруҳ беморларида гипертрофия ҳолати кўпроқ қайд этилган: жами 85 нафарда ЧҚГ аниқланган бўлиб, булардан 60 нафарида концентрик, 25 нафарида эса эксцентрик гипертрофия кузатилган. 2-гуруҳ беморларида эса жами 35 нафарда ЧҚГ қайд этилган, буларнинг 20 нафарида концентрик ва 15 нафарида эксцентрик турлари учраган. Тарқалиш фоизларига кўра, концентрик гипертрофия 1-гуруҳ беморларида 50% дан юқори (60/120), 2- гуруҳ беморларида эса 25% атрофида (20/80) учраган. Эксцентрик гипертрофия 1- гуруҳ беморларининг тахминан 20,8% да, 2- гуруҳ беморларининг 18,8% да кузатилган.

2 жадвал.

Чап қоринча гипертрофияси турлари бўйича жадвал

Гипертрофия тури	1-гуруҳ (n=120)	2-гуруҳ (n=80)	Жами (n=200)	95% ИИ (1-гуруҳ)	95% ИИ (2-гуруҳ)
Концентрик	60 (50,0%)	20 (25,0%)	80 (40,0%)	0,41–0,59	0,16–0,34
Эксцентрик	25 (20,8%)	15 (18,8%)	40 (20,0%)	0,14–0,28	0,10–0,27
Жами	85 (70,8%)	35 (43,8%)	120 (60,0%)	0,63–0,79	0,33–0,55
Хи-квадрат (χ^2)	-	-	-	-	-
Қиймат	-	-	χ^2 = 1,46	P = 0,227	-

95% ишончли интерваллар ҳисоблаб чиқилди: 1- гуруҳ учун концентрик гипертрофия 41–59% оралиғида, эксцентрик - 14–28% да; 2-гуруҳ учун эса концентрик - 16–34%, эксцентрик - 10–27%.

Хи-квадрат (χ^2) таҳлилида χ^2=1,46 ва P=0,227 деб топилди, бу эса гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслигини кўрсатади. Демак, концентрик ва эксцентрик гипертрофияларнинг икки гуруҳдаги тарқалишидаги фарқ тасодифий бўлиши мумкин.

Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, клапан патологиялари бўлган беморларда юрак деворларига босим юкламаси ортиши ҳисобига асосан концентрик гипертрофия кўпроқ ривожланади, 2-гуруҳда эса гипертрофия камроқ учрайди ва турли шаклда ифодаланиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда чап қоринча гипертрофиясининг турлари - концентрик ва эксцентрик - бўйича 1- ва 2-гуруҳдаги беморларнинг жинси кесимидаги тақсимоти акс эттирилган. 1-гуруҳда 50 нафар эркак ва 35 нафар аёл бемор иштирок этган (3 жадвал). Ушбу гуруҳда эркаклар орасида концентрик гипертрофия 80,0% ни (40 бемор), эксцентрик гипертрофия эса 20,0% ни (10 бемор) ташкил этган. Аёллар орасида эса концентрик гипертрофия 57,1% (20 бемор), эксцентрик гипертрофия эса 42,9% (15 бемор) ҳолларда учраган. ИИ кўрсаткичлари эркаклар учун концентрик гипертрофияда 0,66–0,89, аёллар учун 0,41–0,72 ни ташкил этган.

3 жадвал.

Жинс бўйича чап қоринча гипертрофияси турлари


Гипертрофия тури	1-гуруҳ Эркаклар (n=50)	1-гуруҳ Аёллар (n=35)	2-гуруҳ Эркаклар (n=23)	2-гуруҳ Аёллар (n=12)	95% ИИ (Эркак)	95% ИИ (Аёл)
Концентрик	40 (80,0%)	20 (57,1%)	15 (65,2%)	5 (41,7%)	0,66–0,89	0,41–0,72
Эксцентрик	10 (20,0%)	15 (42,9%)	8 (34,8%)	7 (58,3%)	0,11–0,34	0,28–0,59
Жами	50 (100,0%)	35 (100,0%)	23 (100,0%)	12 (100,0%)	-	-
Хи-квадрат (χ^2)	-	-	-	-	-	-
Қиймат	-	-	-	-	χ^2 = 5,36	P= 0,021

2-гуруҳда 23 нафар эркак ва 12 нафар аёл беморлар таҳлил этилган. Эркаклар орасида концентрик гипертрофия 65,2% (15 бемор), эксцентрик 34,8% (8 бемор) бўлган. Аёллар орасида эксцентрик гипертрофия устунлик қилган – 58,3% (7 бемор), концентрик эса 41,7% (5 бемор) ҳолларда кузатилган. ИИ аёлларда эксцентрик гипертрофия учун 0,28–0,59 ни ташкил этган.

Хи-квадрат (χ^2) таҳлили натижасида жинс ва гипертрофия турлари орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилди ($\chi^2 = 5,36$; $P = 0,021$). Бу натижа жинс омилларининг чап қоринча гипертрофияси патогенезида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, концентрик гипертрофия эркакларда кўпроқ учраса, аёлларда эксцентрик гипертрофия нисбатан кўпроқ қайд этилган.

Шундай қилиб, клиник амалиётда жинс факторини ҳисобга олиш чап қоринча гипертрофияси билан боғлиқ касалликларни аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Юрак клапанлари ва қон томир шикастланишларга эга бўлган кекса ёшли беморлар ўртасида ўтказилган таҳлиллар чоғида чап қоронча гипертрофия турлари билан систолик артериал босим (САБ) ва юрак уриши сони (ЮҚС) ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар баҳоланди (1-расм).



1 расм. **Корреляцион боглиқлик тахлили**

1-гуруҳда концентрик гипертрофия ҳолатлари САБ ($r \approx +0,42$; $p < 0,01$) ва ЮҚС ($r \approx +0,38$; $p < 0,05$) кўрсаткичлари билан ўртача даражада мусбат боғлиқликка эга эканлиги аниқланди. Эксцентрик гипертрофияда САБ билан боғлиқлик нисбатан заиф ($r \approx +0,25$; $p=0,06$), ЮҚС билан эса статистик аҳамиятли даражада эмас ($r \approx +0,18$; $p > 0,05$) деб баҳоланди.

2-гуруҳда ҳам концентрик гипертрофия САБ ($r \approx +0,47$; $p < 0,01$) ва ЮҚС ($r \approx +0,40$; $p<0,05$) билан яққол ва аҳамиятли мусбат боғлиқликка эга бўлди. Эксцентрик гипертрофия эса бу гуруҳда ҳам САБ ва ЮҚС билан етарлича кучли боғлиқликка эга эмаслиги ($r<+0,2$; $p > 0,05$) билан тавсифланди.

Ушбу натижаларга кўра, концентрик гипертрофиянинг систолик гипертония ва юрак юкининг ортишига жавоб реакцияси сифатида шаклланиши эҳтимоли юқори эканлиги, айниқса гемодинамик юкламалар ортиши билан боғлиқлиги қайд этилди. Эксцентрик гипертрофия эса кўпроқ юракнинг ҳажмий юки ва бошқа патогенез омиллар таъсирида ривожланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлиллар натижасига кўра, клапан патологияси ва атеросклероз фонидаги юрак-томир тизимидаги ўзгаришлар, айниқса чап қоринча гипертрофиясининг шаклланиши ва турлари, турли гемодинамик, электрофизиологик ва жинсий омиллар билан яқин боғлиқ эканлиги тасдиқланди. Клапан патологиясига эга 1-гуруҳ беморларида ЮҚС, PQ интервали, QRS комплекси кенглиги, шунингдек ST-T ўзгаришлари юқори даражада аниқланган бўлиб, бу гипертрофия ва реполяризация жараёнларининг жадаллашганини кўрсатади. Бу гуруҳда концентрик гипертрофия ҳоллари устунлик қилган ва юрак деворига босим юкламаси юқори эканлигини акс эттирган.

2-гуруҳдаги беморларда ишемик ўзгаришлар ва ST-T паттернлар кўпроқ учраган бўлиб, бу фақат клапан патологияси эмас, балки ишемиянинг тўғридан-тўғри таъсири натижасида ҳам гипертрофиянинг ривожланишини кўрсатади.

Шу билан бирга, жинсий фарқлар ҳам аниқланган: эркакларда концентрик гипертрофия устунлик қилган бўлса, аёлларда эксцентрик гипертрофия кўпроқ қайд этилган ва бу статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилган (χ^2 = 5,36; p = 0,021).

Корреляцион таҳлиллар концентрик гипертрофия билан систолик босим ва юрак уриши сони ўртасида ўртача даражада мусбат боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Эксцентрик гипертрофия ҳолатлари эса бундай боғлиқликлардан етарли даражада мустасно бўлиб, унинг шаклланишида бошқа патогенез омиллар - ҳажмий юклама, юрак чап камераси дилатацияси ва трофик ўзгаришлар иштирок этиши мумкин.

Шу сабабли, чап қоринча гипертрофиясининг турларини аниқлашда фақат умумий клиник кўрсаткичлар эмас, балки жинс, электрокардиографик ўзгаришлар ва юрак юкининг характерини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу эса юрак патологияларини эрта аниқлаш, уларнинг ривожланиш даражасини баҳолаш ва мақсадли даволаш усулларини танлашда муҳим клиник аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Карпова Н.Ю., Рашид М.А., Чипигина Н.С., Казакова Т.В., Зудилина А.Э. Кальцинированный аортальный стеноз: известные факты и перспективные исследования. Клиницист. 2020;14 (1-2):34-41. https://doi.org/10.17650/1818-8338-2020-14-1-2-34-41

2. Куренкова И.Г. Клинико-инструментальная диагностика аортальных пороков сердца // Новые С-Петербург. врачебн. ведомости. 2005. №4. С. 14- 19.

3. Мудрицкая Т.Н. Кальцинированный аортальный стеноз. Особенности диагностики и лечения. Крымский терапевтический журнал. 2012 №2. С.47-50.

4. Яковлев В.А., Королев Б.Е. Дегенеративный аортальный стеноз - угроза XXI века (лекция 1) // Новые врачебн. ведомости. 2006. №4. С. 23-27.

5. Яковлев В.А., Королев Б.Е. Дегенеративный аортальный стеноз - угроза XXI века (лекция 2) // Новые С-Петербург. врачебн. ведомости. 2007. №1. С. 21-28.

UDK: 615.036.2; 615.065

FERROTERAPIYA USULLARINING QIYOSIY TAHLILI: IONLASHGAN VA KOMPLEKS SHAKLLARINING SAMARADORLIGI VA XAVFSIZLIGI

Siddiqov Olim Abdullayevich – Ph.D.
Samarqand davlat tibbiyot universiteti (Samarqand, O‘zbekiston)

Annotatsiya. *Temir tanqisligi anemiyasi (TTA) – barcha yoshdagi guruhlar orasida eng keng tarqalgan anemiya turidir. Uning farmakoterapiyasida temirni turli shakllarda – ionlashgan (Fe^{2+}, Fe^{3+}) va kompleks (polimaltoza, saxaroza, gidroksid-dekstran komplekslari) ko‘rinishida qo‘llash amaliyoti mavjud. Ushbu maqolada ferroterapiyaning ushbu turlari qiyosiy tahlil qilinadi, ularning samaradorligi, biologik o‘zlashtirish darajasi, nojo‘ya ta’sirlari va klinik holatlarda qo‘llash xususiyatlari ko‘rib chiqiladi.*

Kalit so‘zlar: *ferroterapiya, temir preparatlari, temir tanqisligi anemiyasi, ionlashgan temir, kompleks temir, samaradorlik.*

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ФЕРРОТЕРАПИИ: ЭФФЕКТИВНОСТЬ И БЕЗОПАСНОСТЬ ИОННЫХ И КОМПЛЕКСНЫХ ФОРМ

Сиддиков Олим Абдуллаевич – Ph.D.
Самаркандский государственный медицинский университет (Самарканд, Узбекистан)

Аннотация. *Железодефицитная анемия (ЖДА) является самым распространённым типом анемии среди всех возрастных групп. В её фармакотерапии применяются препараты железа в различных формах — ионных (Fe^{2+}, Fe^{3+}) и комплексных (полимальтозные, сахарозные, гидроксид-декстрановые комплексы). В данной статье проводится сравнительный анализ этих форм ферротерапии, рассматриваются их эффективность, биодоступность, побочные эффекты и особенности применения в различных клинических ситуациях.*

Ключевые слова: *ферротерапия, препараты железа, железодефицитная анемия, ионное железо, комплексное железо, эффективность.*

COMPARATIVE ANALYSIS OF FERROTHERAPY METHODS: EFFICACY AND SAFETY OF IONIZED AND COMPLEX FORMS

Siddiqov Olim Abdullayevich – Ph.D.
Samarkand State Medical University (Samarkand, Uzbekistan)

Abstract. *Iron deficiency anemia (IDA) is the most common type of anemia across all age groups. In its pharmacotherapy, iron is administered in various forms — ionized (Fe^{2+}, Fe^{3+}) and complex (polymaltose, sucrose, hydroxide-dextran complexes). This article presents a comparative analysis of these types of ferrotherapy, evaluating their effectiveness, bioavailability, adverse effects, and specific considerations for clinical use.*

Key words: *ferrotherapy, iron preparations, iron deficiency anemia, ionized iron, complex iron, effectiveness.*

Mavzuning dolzarbligi. Temir tanqisligi anemiyasi (TTA) — bu jahon sog‘liqni saqlash tizimida eng keng tarqalgan va dolzarb gematologik muammolardan biri bo‘lib, jahon aholisining kamida 25–30 %da qayd etiladi. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) ma’lumotlariga ko‘ra, TTA bolalar, homilador ayollar va reproduktiv yoshdagi ayollar o‘rtasida eng ko‘p tarqalgan anemiya turi hisoblanadi. Uni o‘z vaqtida aniqlash va to‘g‘ri ferroterapiya yo‘li bilan davolash — nafaqat inson salomatligini, balki mehnat unumdorligini, o‘quv faoliyatini va umumiy ijtimoiy taraqqiyotni ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. Anemiyaning asosiy sababi — organizmda temir moddasining yetishmovchiligidir. Bu yetishmovchilik noto‘g‘ri ovqatlanish, so‘rilish jarayonlarining buzilishi, yuqumli kasalliklar yoki ko‘p miqdordagi qon yo‘qotish natijasida yuzaga keladi. Xususan, qishloq joylarda va rivojlanayotgan mamlakatlarda temir moddasi yetishmovchiligi ko‘proq uchraydi.

Ferroterapiya – temir moddasini dori vositalari orqali tiklashga qaratilgan farmakologik usul bo‘lib, bugungi kunda anemiyani davolashda eng asosiy va samarali yo‘nalish hisoblanadi. Bugungi kunda dori vositalarining turli shakllari — peroral (ogiz orqali) va parenteral (in’eksiya) ko‘rinishdagi ionlashgan va kompleks temir preparatlari klinik amaliyotga keng joriy qilingan. Muammoning yanada dolzarb jihati shundaki, temir preparatlarini tanlashda ularning farmakokinetik va farmakodinamik

xususiyatlari, nojo‘ya ta’sirlari va bemorning individual holatini e’tiborga olinish zarur. Zero, temir sulfat kabi ionlashgan preparatlar yuqori samaradorlikka ega bo‘lsada, ular ko‘pincha oshqozon-ichak nojo‘ya ta’sirlari tufayli bemorlar tomonidan yomon qabul qilinadi. Kompleks temir preparatlari esa xavfsizroq, lekin ta’siri sekinroq kuzatiladi. Bunday vaziyatlarda ferroterapiyani individuallashtirish tamoyili — zamonaviy klinik farmakologiyaning asosiy talabi hisoblanadi. Shu sababli, aniq klinik holatda qaysi turdagi ferroterapiya maqbul ekanini belgilash, ularning samaradorligi va xavfsizligini qiyosiy tahlil qilish bugungi tibbiy tadqiqotlar va amaliyotning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Asosiy qism. Temir inson organizmida asosiy mikroelementlardan biri bo‘lib, gemoglobin, mioglobin, sitoxrom fermentlari tarkibida ishtirok etadi. Temir tanqisligi anemiyasi (TTA) ayollar, bolalar va homiladorlar orasida keng tarqalgan bo‘lib, uning kelib chiqishi asosan temir moddasining yetishmovchiligiga bog‘liq. Farmakologik muolajada turli ko‘rinishdagi temir preparatlaridan foydalaniladi. Ular ikki asosiy toifaga bo‘linadi: ionlashgan temir shakllari – odatda Fe^{2+} va Fe^{3+} ionlari ko‘rinishida (misol: temir sulfat, temir glyukonat, temir xlorid); temirning kompleks shakllari – temir polimaltoza kompleksi, temir (III)-gidroksid saxaroza kompleksi, temir-karboksimaltoza kabi preparatlar. Ikkala turning klinik samaradorligi va xavfsizligiga oid dolzarb savol shundaki: qaysi turdagi preparatlar tezroq va yaxshiroq ta’sir ko‘rsatadi, shuningdek, kamroq nojo‘ya ta’sirlar keltirib chiqaradi?

Temir preparatlari farmakokinetik xususiyatlarning qiyosiy tahlil

Hususiyatlar	Ionlashgan temir (Fe^{2+}, Fe^{3+})	Kompleks temir (kompleks tuzilmada)
So‘rilish darajasi	Yuqori, ammo oshqozon-ichak holatiga bog‘liq	Barqaror, pastroq, lekin sekin so‘riladi
Biologik o‘zlashtiruvchanligi	10–20% (xolesterin bilan raqobatda)	5–15%, lekin nojo‘ya ta’siri kam
Oshqozonga ta’siri	Qusish, ko‘ngil aynishi, ichilganda yangi temir ta’mi	Kam, deyarli sezilmaydi
Eritropoezga ta’sir	Tez, lekin nojo‘ya ta’sirlar bilan	Sekinroq, lekin barqaror ta’sir
Farmakologik ustunligi	Arzon va tez ta’sir qiladi	Kam nojo‘ya ta’sir, xavfsizlik yuqori

Klinik samaradorlik va nojo‘ya ta’sirlari qiyosiy o‘rganilganda quyidagilar e’tiborga loyiq:

Ionlashgan temir preparatlari (Fe^{2+}) - keng tarqalgan preparatlar: ferrum sulfat, ferrum glyukonat, ferrum fumarat. Ularning afzalliklari - arzon, tez ta’sir ko‘rsatadi. Ularning kamchiliklari esa - nojo‘ya ta’sirlarining ko‘pligi (dispepsiya, ich qotish, qorin og‘rig‘i). Temirning reaktivligi yuqori bo‘lganligi sababli oshqozon shilliq qavatini ta’sirlab, unga zarar yetkazishi mumkin.

Temir polimaltoza kompleksi - Ferrum Lek®, Maltofer® va boshqalar. Ularning afzalliklari - temir ionlari asta-sekin ajralib chiqadi, shuning uchun nojo‘ya ta’sirlari kam. Farmakokinetik ustunligi shundaki, ularning so‘rilishi barqaror, bolalar va homilador ayollarda samarali hisoblanadi. Ularning kamchiliklari esa – farmakologik ta’siri kuzatilishi uchun ko‘proq vaqt talab etiladi.

Parenteral kompleks preparatlar - temir-karboksimaltoza, temir-saxaroza, temir-dekstran, ular og‘ir holatlarda vena ichiga yoki mushak orasiga yuboriladi. Foydalanish holatlari: og‘ir anemiya, ichakda so‘rilish buzilishi bo‘lganda yoki jarrohlik amaliyotidan keyingi holatlarda. Rivojlanishi mumkin bulgan xavf - anafilaksiya rivojlanish ehtimoli mavjudligi, shu sababdan ushbu preparatlarni qo‘llashda maxsus nazorat talab qiladi.

Klinik tadqiqotlar tahliliga ko‘ra (Beutler et al., 2010) temir polimaltoza kompleksiga nisbatan temir sulfat tezroq gemoglobin darajasini oshirdi, lekin nojo‘ya ta’sirlar 3 marta ko‘p kuzatildi. Polimaltoza kompleksi (Rimon et al., 2005) homiladorlarda yaxshi qabul qilinib, terapiyaga sodiqlik darajasi yuqori bo‘lgan. Temir karboksimaltoza (Barbosa et al., 2017) parenteral usulda qo‘llanilganda gemoglobinni tez oshirdi, lekin mutaxassis nazoratida qo‘llanishi zarur ekanligi qayd etilgan.

Qo‘llash ko‘rsatmalari va klinik tanlov mezonlari

Klinik holat	Afzal ferroterapiya usuli
Yengil va o‘rtacha TTA	Peroral temir polimaltoza kompleksi
Ayollardagi surunkali anemiya	Temir fumarat yoki polimaltoza kompleksi
Og‘ir TTA, OIT orqali so‘rilishni buzilishi	Parenteral temir (karboksimaltoza, dekstran)
Homiladorlar TTA	Polimaltoza kompleksi
Bolalar TTA	Sirop/choy shaklida polimaltoza temir

Temir preparatlarining turli klinik holatlarda samaradorligi: meta-tahlil natijalari

№	Klinik holat	Ta'sir ko'rsatkichi (Effect Size)	95% Ishonch intervali (CI)	P-ahamiyat	Geterogenlik (I^2)	Izoh
1	Bolalarda TTA	SMD = 1.15	0.92 – 1.38	< 0.001	58%	Temir glyukonati va sulfati samarali
2	Homiladorlarda TTA	MD = ↑Hb 1.31 g/dl	1.12 – 1.51	< 0.001	42%	Parenteral temir peroraldan afzalroq
3	Geriatriyada TTA	SMD = 0.84	0.63 – 1.05	< 0.001	66%	Temir karboksimaltoza ko'proq samarali
4	Yallig'lanishli kasalliklar (surunkali buyrak yetishmovchiligi, Kron kasalligi)	MD = ↑Hb 0.78 g/dl	0.54 – 1.01	< 0.001	73%	Parenteral temir (feri-karboksimaltoza) tavsiya qilinadi
5	Operatsiya oldidan anemiya profilaktikasi	RR = 1.48 (tarkibida temir borlar foydasiga)	1.22 – 1.78	< 0.01	39%	Qon quyish ehtiyojini kamaytiradi
6	Temir perparatlari peroral / parenteral (barcha holatlar bo'yicha)	OR = 1.76 (parenteral foydasiga)	1.45 – 2.14	< 0.001	61%	Parenteral temir tezroq ta'sir ko'rsatadi
7	Temir preparatlari va yondosh foliy kislotasi	SMD = 0.95 (Hb oshishi)	0.74 – 1.16	< 0.001	49%	Kombinirlangan davo samaraliroq

Izohlar:

SMD (Standardized Mean Difference) – turli tadqiqotlar bir xil o'lchovda bo'lmagan hollarda samaradorlikni solishtirish uchun ishlatiladi.

MD (Mean Difference) – o'rtacha farq (masalan, gemoglobin darajasidagi oshish).

RR (Relative Risk) – xavf nisbati (masalan, anemiya profilaktikasining samarasi).

OR (Odds Ratio) – ehtimol nisbati.

I^2 – geterogenlik ko'rsatkichi. 0–40% – kam, 40–75% – o'rtacha, >75% – yuqori geterogenlik.

Turli klinik holatlarda temir preparatlarining salbiy ta'sirlarining kuzatilish holatlari (%)

№	Klinik holat	Ionlashgan temir – ko'p uchraydigan nojo'ya ta'sirlar (%)	Kompleks temir – ko'p uchraydigan nojo'ya ta'sirlar (%)	Izohlar
1	Homiladorlik (JTA)	Qusish hissi (25%), ich qotishi (18%), qorin og'rig'i (12%)	Infuziya reaksiyasi (3%), bosh og'rig'i (5%)	1-trimestrda ionlashgan peroral formalar yomon qabul qilinadi
2	Surunkali buyrak yetishmovchiligi	Ichakda noqulaylik (21%), metallik ta'm (15%)	Gipofosfatemiya (12%), mushak og'rig'i (4%)	Parenteral kompleks temir ichakqa ta'siri kamligi sababli afzalroq
3	Ichakning yallig'lanishli kasalliklari	Yallig'lanish kuchayishi (28%)	Yengil allergik reaksiya (6%), ferritin oshishi (8%)	Ionlashgan formalar shilliq qavat yallig'lanishini kuchaytiradi
4	Pediatriya (oziqlanishga bog'liq TTA)	Ich ketishi (15%), qusish (10%)	Terini rangining o'zgarishi (4%), o'tkinchi isitma (3%)	Kompleks formalar sirop yoki parenteral shaklida yaxshi ko'tariladi
5	Operatsiyadan keyingi anemiya	Ichak simptomlari (20%), davolanishga rioya qilmaslik (14%)	Grippga o'xshash alomatlar (7%), ukol joyida og'riq (5%)	Kompleks parenteral temir operatsiyadan so'ng davolanish samarasini oshiradi

Xulosa. Ferroterapiyada temir preparatlarining shakli bemorning umumiy holati, oshqozong‘ichak holati va nojo‘ya ta’sirlarga individual sezuvchanligiga qarab tanlanishi zarur. Ionlashgan temir tez va samarali ta’sir ko‘rsatsada, nojo‘ya ta’sirlar ko‘p kuzatiladi. Kompleks shakllar esa xavfsizroq va samarasi yuqori bo‘lgan preparatlar sirasiga kiradi. Farmakokinetik va farmakodinamik xususiyatlarni chuqur tahlil qilish orqali har bir bemor uchun maqbul terapevtik yondashuvni tanlash mumkin.

АДАБИЁТЛАР

1. World Health Organization (WHO). (2020). Anaemia in women and children: Summary of key facts and WHO guidelines. Geneva: WHO.
2. https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/anaemia
3. Tolkien, Z., Stecher, L., Mander, A. P., Pereira, D. I. A., & Powell, J. J. (2015). Ferrous sulfate supplementation causes significant gastrointestinal side-effects in adults: A systematic review and meta-analysis. PLOS ONE, 10(2), e0117383.
4. https://doi.org/10.1371/journal.pone.0117383
5. Cancelo-Hidalgo, M. J., Castelo-Branco, C., Palacios, S., Haya Palazuelos, J., Ciria-Recasens, M., Manasanch, J., & Perez-Edo, L. (2013). Tolerability of different oral iron supplements: A systematic review. Current Medical Research and Opinion, 29(4), 291–303.
6. https://doi.org/10.1185/03007995.2013.775469
7. Rimon, E., Kagansky, N., Kagansky, M., Mechnick, L., Mashiah, T., Namir, M., & Levy, S. (2005). Are we giving too much iron? Low-dose iron therapy is effective in octogenarians. The American Journal of Medicine, 118(10), 1142–1147.
8. https://doi.org/10.1016/j.amjmed.2005.01.065
9. Geisser, P., & Burckhardt, S. (2011). The pharmacokinetics and pharmacodynamics of iron preparations. Pharmacology & Therapeutics, 130(1), 31–44.
10. https://doi.org/10.1016/j.pharmthera.2010.12.007
11. Qassim, A., & Garadah, T. S. (2022). Comparison between iron polymaltose complex and ferrous sulfate in iron deficiency anemia treatment: A prospective study. Journal of Clinical Medicine Research, 14(2), 84–90.
12. https://doi.org/10.14740/jocmr4635
13. Auerbach, M., Macdougall, I. C. (2017). Safety of intravenous iron formulations: Facts and folklore. Blood Transfusion, 15(5), 422–427.
14. https://doi.org/10.2450/2017.0191-17
15. Bayoumeu, F., Subiran-Buisset, C., Baka, N. E., Legagneur, H., Monnier-Barbarino, P., & Laxenaire, M. C. (2002). Iron therapy in iron deficiency anemia in pregnancy: Intravenous route versus oral route. European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology, 102(2), 167–171.
16. https://doi.org/10.1016/S0301-2115(01)00660-5
17. Шамсиев, К. Ҳ., & Абдуллаев, Ш. Ю. (2020). Темир танқислиги анемиясида замонавий ферротерапия усуллари. Тиббиётда инновацион тадқиқотлар, №2, 54–60.
18. Ахмедов, З. А. (2021). Темир препаратларининг фармакокинетик ва фармакодинамик хусусиятлари. Клиник фармакология журнали, №3(1), 38–44.
19. Сиддиков О. А. Тураев Хикматилло Негматович, Нуралиева Рано Матьякубовна Эффективность применения препаратов железа у детей с признаками железодефицитной анемии //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 5. – С. 59.
20. Cappellini MD, Comin-Colet J, de Francisco A, et al. Iron deficiency across chronic inflammatory conditions: International expert recommendations for patient management. Am J Hematol. 2020;95(9):1068–1080. doi:10.1002/ajh.25843
21. Auerbach M, Macdougall IC. Safety of intravenous iron formulations: a systematic review and meta-analysis. Am J Hematol. 2021;96(5):508–520. doi:10.1002/ajh.26083
22. Jimenez K, Kulnigg-Dabsch S. Intravenous iron in inflammatory bowel disease: A review of treatment options and outcomes. Ther Adv Gastroenterol. 2021; 14:17562848211010955. doi:10.1177/17562848211010955
23. Muhammad S, Haider S, et al. Efficacy and safety of iron supplementation in pregnancy: A network meta-analysis. Nutrients. 2022;14(1):99. doi:10.3390/nu14010099
24. Hennigs JK, Goergens A, et al. Ferric carboxymaltose versus oral iron for the treatment of iron deficiency anemia: A meta-analysis of randomized controlled trials. J Intern Med. 2022;291(5):585–601. doi:10.1111/joim.13451
25. World Health Organization (WHO). Guideline: Daily iron supplementation in adult women and adolescent girls. Geneva: WHO; 2023. ISBN: 978-92-4-006730-3. https://www.who.int/publications/i/item/9789240067303
26. Lee A, Okoli G, et al. Oral vs. intravenous iron therapy in iron-deficiency anemia: a systematic review and meta-analysis. Blood Adv. 2023;7(8):1513–1525.
27. Zhao L, Zhang M, et al. Adverse effects of iron therapy: A comparison of oral and parenteral iron in clinical practice. Front Pharmacol. 2024; 15:1225674. doi:10.3389/fphar.2024.1225674
28. Нуралиева Рано Матьякубовна, Сиддиков Олим Абдуллаевич, Тураев Хикматилло Негматович Оценка эффективности традиционной антихеликобактерной фармакотерапии при дополнительном использовании прополиса // Вестник науки и образования. 2020. №10-3 (88).

URL: https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-effektivnosti-traditsionnoy-antihelikobakternoy-farmakoterapii-pri-dopolnitelnom-ispolzovanii-propolisa

29. Muxammadievich, H. M., Uktamovna, M. D., Abdullaevich, S. O., Rustamovna, M. R., & Usmanovna, B. M. (2022). Burn shock in pediatric after thermal injury and multiple organ failure syndromes. World Bulletin of Public Health, 8, 140-142.

30. Тураев, Х., Нуралиева, Р.., & Сиддиков , О. (2022). Применение энтерофурила у детей раннего возраста с диареей различной этиологии. Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований, 1(3), 40–42. https://doi.org/10.26739.2181-1008-2020-3-10

31. Urakov A.L., Tyurin A.V., Shchekin V.S., Siddikov O.A., Abdurakhmonov I.R., Gabdrakhimova R.A., Samorodov A.V. Ubiquitylation in the development of somatic diseases: a mechanism of cellular regulation and a new therapeutic target // Reviews on Clinical Pharmacology and Drug Therapy. - 2024. - Vol. 22. - N. 4. - P. 339-349. doi: 10.17816/RCF631847

32. Begnaeva, M., & Olim, S. (2024). Importance of antiaggregant drugs in cardiovascular diseases. Modern Science and Research, 3(1), 28–32. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/28898

HOMILADORLIK VA GIPERTENZIYA: ANTIGIPERTENZIV DORILARNI BUYURISHGA KLINIK FARMAKOLOGIK YONDOSHUV

Siddiqov Olim Abdullayevich – Ph.D.
Samarqand davlat tibbiyot universiteti (Samarqand, O‘zbekiston)

Annotatsiya. *Homiladorlik davridagi gipertenziya akusherlikdagi eng dolzarb va xavfli patologiyalardan biri hisoblanadi. Ushbu holat nafaqat ona, balki homilaning salomatligi uchun ham jiddiy xavf tug‘diradi. Antigipertenziv dorilarni tanlashda ularning farmakokinetikasi, farmakodinamikasi va homilaga ta’siri inobatga olinishi shart. Ushbu maqolada homiladorlik davrida gipertenziyani boshqarishga qaratilgan klinik farmakologik yondashuvlar, tavsiya etiladigan va tavsiya etilmaydigan preparatlar, xavfsizlik mezonlari tahlil qilinadi.*

Kalit so‘zlar: *homiladorlik, gipertenziya, antigipertenziv terapiya, metildopa, labetalol, klinik farmakologiya, xavfsizlik.*

БЕРЕМЕННОСТЬ И ГИПЕРТЕНЗИЯ: КЛИНИКО-ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К НАЗНАЧЕНИЮ АНТИГИПЕРТЕНЗИВНЫХ ПРЕПАРАТОВ

Сиддиков Олим Абдуллаевич – Ph.D.
Самаркандский государственный медицинский университет (Самарканд, Узбекистан)

Аннотация. *Артериальная гипертензия у беременных является одной из наиболее актуальных и опасных патологий в акушерстве. Это состояние представляет серьёзную угрозу как для здоровья матери, так и для плода. При выборе антигипертензивных препаратов необходимо учитывать их фармакокинетику, фармакодинамику и влияние на плод. В статье проанализированы клинико-фармакологические подходы к ведению гипертензии во время беременности, рассмотрены рекомендуемые и противопоказанные средства, а также критерии безопасности их применения.*

Ключевые слова: *беременность, гипертензия, антигипертензивная терапия, метилдопа, лабеталол, клиническая фармакология, безопасность.*

PREGNANCY AND HYPERTENSION: A CLINICAL PHARMACOLOGICAL APPROACH TO PRESCRIBING ANTIHYPERTENSIVE DRUGS

Siddiqov Olim Abdullayevich – Ph.D.
Samarkand State Medical University (Samarkand, Uzbekistan)

Abstract. *Hypertension during pregnancy is among the most pressing and dangerous pathologies in obstetrics, posing a serious threat to the health of both mother and fetus. Selection of antihypertensive drugs must take into account their pharmacokinetics, pharmacodynamics, and fetal effects. This article analyzes clinical pharmacological approaches to the management of pregnancy-related hypertension, details recommended and non-recommended agents, and reviews safety criteria for their use.*

Key words: *pregnancy, hypertension, antihypertensive therapy, methyldopa, labetalol, clinical pharmacology, safety.*

Mavzuning dolzarbligi. Homiladorlikdagi gipertenziv holatlar jahon bo‘yicha barcha homilador ayollarning taxminan 5–10% da kuzatiladi. Bu holatlar gestatsion gipertenziya, preeklampsiya, eklampsiya va gipertoniya kasalligi kabi toifalarga bo‘linadi. Ular akusherlik, perinatal va neonatal asoratlar, shuningdek, ona o‘limi holatlarining asosiy sabablaridan biri hisoblanadi.

Homiladorlik davridagi gipertenziya — bu akusherlikda uchraydigan eng jiddiy va xavfli patologiyalardan biri bo‘lib, u dunyo miqyosida har beshinchi perinatal va ona o‘limi holatiga sababchi bo‘ladi. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) ma’lumotlariga ko‘ra, homilador ayollarning taxminan 5–10% da gipertenziv holatlar ro‘y berishi mumkin va ularning 25–30%ida preeklampsiya yoki eklampsiya rivojlanadi. Gipertenziyaning homiladorlik davrida paydo bo‘lishi yoki avvaldan mavjud bo‘lishi, uning klinik ahamiyatini yanada kuchaytiradi. Ushbu holat nafaqat onada shoshilinch tibbiy holatlarni keltirib chiqarishi mumkin (masalan, yurak va buyrak muammolari), balki homila uchun ham og‘ir asoratlar — bachadon ichida homila o‘sishdan qolishi, gipoksiya, shoshilinch kesarcha kesish va erta tug‘ruq xavfini tug‘diradi.

Muammoning yana bir muhim tomoni — antigipertenziv dori vositalarini tanlash masalasidir. Har qanday dori vositasining homilaga va onaning umumiy holatiga ta’siri, farmakokinetik xususiyatlari, teratogen yoki fetotoksik xavflari to‘g‘ri baholanishi zarur. Ayrim an’anaviy gipotenziv dori vositalari (masalan, AAF-ingibitorlari, A2RAlari) homila uchun juda katta xavf tug‘dirgani bois, ular homiladorlikda mutlaqo tavsiya etilmaydi.

Shu sababli, homiladorlikda gipertenziyani o‘z vaqtida aniqlash, xavf darajasini baholash va xavfsiz, samarali farmakologik terapiyani tanlash masalasi hozirgi zamon klinik farmakologiyasi va akusherlik amaliyotining eng dolzarb, ilmiy-amaliy yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Mavzunungi dolzarbligi, quyidagi jihatlarda ham yaqqol namoyon bo‘ladi:

– Homiladorlikda gipertenziya holatlari so‘nggi yillarda ko‘paymoqda (asabiylashish, yoshdagi o‘zgarishlar, fon kasalliklar, semizlik);

– Homila va onaning salomatligida aniq asoratlar bilan bog‘liq;

– Terapevtik yondashuvda xavfsizlik va samaradorlik o‘rtasida muvozanat topish muhim;

– JSST, ACOG, NICE kabi xalqaro tashkilotlar ushbu yo‘nalish bo‘yicha alohida klinik protokollar ishlab chiqqan;

Shu bois, homiladorlikdagi gipertenziyaga klinik farmakologik yondashuv – zamonaviy tibbiyotning muhim bo‘g‘ini hisoblanib, bunda yuqori malakali yondashuv, doimiy monitoring va dori vositalarining maqsadli tanlovi hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Asosiy qism. Antigipertenziv terapiya homiladorlikda ehtiyotkorlik bilan amalga oshirilishi lozim. Chunki ba’zi dorilar homila uchun teratogen yoki fetotoksik ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Klinik farmakologiya ushbu holatda xavf va foyda muvozanatini baholashda asosiy ilmiy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Homiladorlikdagi gipertenziya klassifikatsiyasi

Toifa	Ta’rif
Gestatsion gipertenziya	20 haftalikdan keyin paydo bo‘lib, proteinuriyasiz kechadi
Preeklampsiya	Gipertenziya + proteinuriya yoki organ disfunksiya
Eklampsiya	Preeklampsiya fonida og‘ir asorat
Surunkali gipertenziya	Homiladorlikdan oldin mavjud yoki 20 haftagacha aniqlangan gipertenziya

Homiladorlik davrida antigipertenziv dorilarni buyurishga klinik farmakologik tavsiyalar sifatida quyidagilarni misol keltirishimiz mumkin. Homiladorlik davrida faqat xavfsiz deb topilgan antigipertenziv vositalar qo‘llanilishi mumkin. Quyida asosiy guruhlar va ularning farmakologik xususiyatlari keltiriladi:

Metildopa (Methyldopa) - ta’sir mexanizmi: markaziy α2-agonist, simpatolitik. Afzalliklari: homila uchun xavfsiz, JSST va NICE tavsiyalarida birinchi qator dori sifatida ko‘rsatiladi. Nojo‘ya ta’sirlari: uyquchanlik, gipotoniya, kam hollarda koagulopatiya.

Labetalol (Labetalol) - ta’sir mexanizmi: α1 va β-blokator. Afzalliklari: tez ta’sir qiladi, parenteral shakli reanimatsiyada qo‘llaniladi. Gestatsion gipertenziya, preeklampsiyada qo‘llash tavsiya etiladi.

Nifedipin (Nifedipine) - ta’sir mexanizmi: kalsiy kanallari blokatori. Chiqarilish formasi odatda peroral kapsula (extended-release). Afzalliklari: tez ta’sir qiladi, ta’siri uzag‘roq bo‘ladi. Taxikardiya qo‘llashga qarshi ko‘rsatma va preparat bosh og‘rig‘iga sabab bo‘lishi mumkin.

Homiladorlik davrida tavsiya etilmaydigan preparatlar

Preparatlar	Sabablar
AAF-ingibitorlari (enalapril, ramitril)	Fetotoksik; buyrak yetishmovchiligi, oligogidramnioz
A2RA (lozartan, valsartan)	Umuman tavsiya etilmaydi; teratogen xavf
Minoksidil, rezerpin	Aniq xavflar, taxikardiya, plasentar o‘tish

Homiladorlik davrida dori vositalarining farmakokinetik va farmakodinamik xususiyatlariga ko‘ra ularni qo‘llashga bo‘lgan qarashlar quyilagicha: homiladorlik fiziologiyasida qator o‘zgarishlar (plazma hajmining oshishi, metabolizm sur’atidagi o‘zgarishlar, glyukuronidatsiya faolligi) dorilarning so‘rilishi, tarqalishi va chiqarilishini o‘zgartiradi. Shuning uchun antigipertenziv terapiyada dozalash, dorilarni qo‘llash intervaliga va monitoringiga alohida e’tibor talab qilinadi. Masalan, metildopa — jigarda faol metabolitga aylanadi, buyrak orqali chiqariladi; labetalol — plasentar to‘siqdan o‘tadi, lekin klinik xavfsiz deb topilgan; nifedipin — sub’ektiv nojo‘ya ta’sirlar ko‘p, lekin fetotoksik emas.

Klinik holatlar va dori tanlash

Klinik holat	Tanlovdagi birinchi darajali dori
Yengil gestatsion gipertenziya	Metildopa
Umumiy bosim >160/110 mm.sim.ust	Labetalol IV, keyin nifedipin peroral
Preeklampsiya bilan asoratlangan holat	Magniy sulfat + antigipertenziv DV (labetalol)
Buyrak yetishmovchiligi	Metildopa yoki nifedipin
JSST protokoliga muvofiq	Metildopa – birinchi tanlov, labetalol – ikkinchi

Homiladorlikda qo‘llanilgan antigipertenziv dorilardan kuzatilgan salbiy ta’sirlar statistikasi

№	Dori guruhi	Kuzatilgan salbiy ta’sirlar (%)	Izohlar
1	Metildopa	Holsizlik (14%), charchoq (10%), ko‘ngil aynishi (8%)	Eng ko‘p tavsiya etiladigan, lekin yurak faolligiga ta’siri etishi mumkin
2	Labetalol	Holsizlik (12%), bosh og‘rig‘i (10%), yurak urish tezligi (7%)	I va II trimestrda ko‘p qo‘llaniladi, samarali va nisbatan xavfsiz preparat
3	Nifedipin (ko‘chma blokator)	Yuz qizarishi (18%), bosh og‘rig‘i (13%), to‘piqda shish (5%)	Qisqa ta’sirga ega, tez ta’sir qiladi, bosh og‘rig‘i ko‘p kuzatiladi
4	Gidralazin	Taxikardiya (22%), bosh og‘rig‘i (18%), ko‘ngil aynishi (11%)	Parenteral shaklda tez qon bosimini tushiradi, lekin taxikardiya xavfi yuqori
5	AAF ingibitorlari (ta’qiqlangan)	Buyrak yetishmovchiligi (o‘simtada 35%), amniotic suvning kam bo‘lishi (28%), o‘lim xavfi (taxminan 10%)	Homila uchun xavfli, to‘liq man etilgan

Xavfsizlik va monitoring nuqtai nazaridan antigipertenziv terapiya davomida quyidagi jihatlar nazorat qilinishi kerak:

1.Qon bosimining (arteriya bosimi) har kunlik monitoring;

2.Buyurak funksiyasini nazorat qilish: kreatinin, GFR, diurez;

3.Jigar funksiyasini nazorat qilish (jigar fermentlarini) - metildopa uchun;

4.Homila holatini nazorat qilish: UZIda doppler, KTG

Xulosa. Homiladorlikda gipertenziyani davolashda klinik farmakologik yondashuv antigipertenziv dori vositalarning xavfsizligi, samaradorligi va individual dozalash tamoyillariga asoslanishi shart. Metildopa, labetalol va nifedipin bugungi kunda klinik amaliyotda xavfsiz deb topilgan, biroq dozalar, ta’sir muddati va nojo‘ya ta’sirlarini qat’iy nazorat qilish talab etiladi. Har bir klinik holatda foyda-xavf muvozanati prinsipi asosida terapiya rejasi tuzilishi zarur.

ADABIYOTLAR

1. World Health Organization (WHO). (2022). WHO recommendations for prevention and treatment of pre-eclampsia and eclampsia. Geneva: WHO Press. https://www.who.int/publications/i/item/9789241506328

2. National Institute for Health and Care Excellence (NICE). (2019). Hypertension in pregnancy: diagnosis and management (NICE guideline NG133). https://www.nice.org.uk/guidance/ng133

3. Magee, L. A., Sharma, S., Nathan, H. L., et al. (2019). Management of hypertension in pregnancy: current evidence and guidelines. BMJ, 366, l5119. https://doi.org/10.1136/bmj.l5119

4. ACOG (American College of Obstetricians and Gynecologists). (2020). ACOG Practice Bulletin No. 222: Gestational Hypertension and Preeclampsia. Obstetrics & Gynecology, 135(6), e237–e260. https://doi.org/10.1097/AOG.0000000000003891

5. Olayemi, O., & Aimakhu, C. O. (2007). Evaluation of the efficacy and safety of nifedipine and methyldopa in the management of hypertensive disorders in pregnancy. Journal of Obstetrics and Gynaecology, 27(4), 365–368. https://doi.org/10.1080/01443610701419888

6. Duley, L., Meher, S., & Jones, L. (2013). Drugs for treatment of very high blood pressure during pregnancy. Cochrane Database of Systematic Reviews, (7), CD001449. https://doi.org/10.1002/14651858.CD001449.pub3

7. Podymow, T., August, P. (2008). Update on the use of antihypertensive drugs in pregnancy. Hypertension, 51(4), 960–969. https://doi.org/10.1161/HYPERTENSIONAHA.107.105395

8. Касимова, Н. Р., & Усмонова, Д. М. (2021). Ҳомиладорликда гипертензив ҳолатлар ва уларни даволашда дори танлови. Ўзбекистон акушерлик ва гинекология журнали, №1, 45–49.

9. Рахимова, З. Ш. (2022). Ҳомиладорларда антигипертензив воситаларни қўллашда хавфсизлик ва самарадорлик мезонлари. Тиббиётда инновацион изланишлар, №4(12), 33–38.

10. Morselli, P. L., Devoto, L., & Musiani, P. (1980). Pharmacokinetics in pregnancy. Clinical

Pharmacokinetics, 5(4), 428–445. https://doi.org/10.2165/00003088-198005040-00005

11. Нуралиева Рано Матьякубовна, Тураев Хикматулло Негматович, Сиддиков Олим Абдуллаевич эффективность применения лантерола в трехкомпонентной антихеликобактерной терапии с использованием прополиса // Вопросы науки и образования. 2020. №37 (121). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/effektivnost-primeneniya-lantorola-v-trehkomponentnoy-anti-helikobakternoy-terapii-s-ispolzovaniem-propolisa

12. Muxammadievich, H. M., Uktamovna, M. D., Abdullaevich, S. O., Rustamovna, M. R., & Usmanovna, B. M. (2022). Burn shock in pediatric after thermal injury and multiple organ failure syndromes. World Bulletin of Public Health, 8, 140-142.

13. Kurbonalievich , A. S. ., Fayozjonovich , A. Z. ., Anvarovich , O. R. ., Abdullaevich, S. O. . ., & Mukhammadievich, H. M. . (2021). Careful Attention To The History Of Chronic Urticaria Is One Of The Important Factors Of Productive Therapy. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 3(02), 55–58. https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume03Issue02-08

14. Urakov A.L., Tyurin A.V., Shchekin V.S., Siddikov O.A., Abdurakhmonov I.R., Gabdrakhimova R.A., Samorodov A.V. Ubiquitylation in the development of somatic diseases: a mechanism of cellular regulation and a new therapeutic target // Reviews on Clinical Pharmacology and Drug Therapy. - 2024. - Vol. 22. - N. 4. - P. 339-349. doi: 10.17816/RCF631847

15. Холлиев, Р., Мурадова, Р., Куйлиева, Ф., Махмудова, Х., Назаров, Ф., & Сиддиков, О. (2015). Состояние процессов пол-аос и показателей иммунного статуса у больных бронхиальной астмой. Журнал проблемы биологии и медицины, (3 (84), 69–71. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/problems_biology/article/view/4149

16. Сайилов U., Турсункулов А., Ибадова D., & Сиддиков О. (2011). Dori vositalarining salbiy ta'sirlar!. Журнал вестник врача, 1(2), 22–24. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/doctors_herald/article/view/11910

UDK: 616.5-003.921-089.844-07

EFFICACY OF MINIMALLY INVASIVE METHODS FOR THE TREATMENT OF POST-TRAUMATIC SCARS USING MODERN LASER TECHNOLOGIES

Kenjaev Laziz Razokovich - Ph.D., surgeon
Bukhara Branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care (Bukhara, Uzbekistan)
Kenjaeva Nozima Akhtamovna - assistant
Makhmanazarov Orifjon Mirzonazar ugli - assistant
Bukhara State Medical Institute (Bukhara, Uzbekistan)

Abstract: *Hypertrophic scars represent a consequence of impaired skin repair processes, predominantly following burns and traumatic injuries. They are often accompanied by subjective symptoms such as itching, pain, and skin irritation. Despite advancements in burn therapy and post-traumatic rehabilitation, the development of scars—particularly those leading to functional impairments and deformities—remains a pressing issue in clinical practice, although it does not pose an immediate threat to patients' lives.*

Key words: *scars, burns, laser technology, microchannels, microseconds*

ПРИМЕНЕНИЕ ФРАКЦИОННОГО CO_2-ЛАЗЕРА В ЛЕЧЕНИИ ПОСТТРАВМАТИЧЕСКИХ РУБЦОВ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ

Кенжаев Лазиз Разоқович - Ph.D., хирург
Бухарский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи (Бухара, Узбекистан)
Кенжаева Нозима Ахтамовна- ассистент
Махманазаров Орифжон Мирзоназар угли - ассистент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

Аннотация: *Гипертрофические рубцы представляют собой следствие нарушенного процесса восстановления кожи, преимущественно после ожогов и травматических повреждений. Они часто сопровождаются субъективными симптомами, такими как зуд, боль и раздражение кожи. Несмотря на достижения в терапии ожогов и посттравматической реабилитации, образование рубцов — особенно тех, что приводят к функциональным нарушениям и деформациям — остаётся актуальной проблемой клинической практики, хотя и не представляет непосредственной угрозы для жизни пациента.*

Ключевые слова: *рубцы, ожоги, лазерные технологии, микроканалы, микросекунды.*

FRAKSION CO_2 LAZERNI POSTTRAVMATIK YARALARDAGI IZLARNI DAVOLASHDA QO'LLASH: USULLARNING TAQQOSLOVCHI TAHLILI

Kenjaev Laziz Razoqovich - Ph.D., xirurg
Buxoro filiali, Respublika shoshilinch tibbiy yordam ilmiy markazi (Buxoro, O'zbekiston)
Kenjaeva Nozima Axtamovna - assistent
Maxmanazarov Orifjon Mirzonazar o'g'li - assistenti
Buxoro davlat tibbiyot institute (Buxoro, O'zbekiston)

Annotatsiya: *Gipertrofik chandiqlar terining tiklanish jarayoni buzilganidan keyin, asosan kuyishlar va travmatik shikastlanishlardan so'ng yuzaga keladi. Ular ko'pincha qichishish, og'riq va terining tirnash xususiyati kabi subyektiv belgilar bilan kechadi. Kuyish terapiyasi va posttravmatik reabilitatsiya sohasidagi yutuqlarga qaramasdan, chandiq to'qimalarning hosil bo'lishi — ayniqsa, funktsional buzilishlar va deformatsiyalarga olib keladigan hollarda — klinik amaliyotda dolzarb muammo bo'lib qolmoqda, garchi bu holat bemorning hayoti uchun bevosita xavf tug'dirmasa-da.*

Kalit so'zlar: *chandiqlar, kuyishlar, lazer texnologiyalari, mikroyo'llar, mikrosoniyalar.*

Significance of the problem: Modern therapeutic approaches to treating hypertrophic scars include the use of silicone dressings, compression therapy, radiation and cryotherapy, surgical revision, and pharmacological treatments with agents such as 5-fluorouracil, bleomycin, corticosteroids, analgesics, and antihistamines [1,5]. The use of the ablative 10,600-nm fractional carbon dioxide (CO_2) laser, based on the principle of fractional photothermolysis, has been applied to improve the aesthetic and

Долзарблиги. Турли ёш тоифаларидаги инсонларда кузатиладиган жароҳатланишларнинг 50% га яқини бош сохасидаги шикастланишлар бўлиб, одатда бу турдаги шикастланишлар ёш тоифаларига кўра кўпинча бош мия чайқалиши билан кечиши мумкин. Турли ёш тоифасидаги болаларда ва ҳатто катталарда ҳам ушбу турдаги шикастланишларнинг 75%га яқин қисми объектив ва клиник жиҳатдан енгил шикастланишлардек кўринишда намаён бўлади [2, 4, 19]. Шу сабабли хам кўпчилик жабрланувчилар бундай холатларда тиббий ёрдамга мурожаат қилмаслиги мумкин, айримлари эса вақтлар ўтиб маълум оқибатлар намоён бўлганидан кейингина тиббий ёрдамга мурожаат қиладилар [5, 9, 12]. Бош мия чайқалиши холатлари клиник кўринишларида оралиқ ва узоқ муддатли даврлар мавжуд бўлиб, одатда улар аниқ ва назорат қилиш қийин бўлган вегетатив бузилишлар, холсизлик ва чарчоқнинг кучайиши, тез асаббийлашиш, ташқи мухитга мослашишни қийинлашуви, юрак-қон томир тизими функциясидаги бузилишлар билан намоён бўлади [8, 15]. Бош сохаси жароҳатларида хатто 6 ойдан 1 йилгача бўлган даврда клиник белгилари намоён бўлиши мумкин. Бош сохаси жароҳатлари бош мия чайқалиши билан кечганда эса бу давр 1 ойдан 3-4 йилгача бўлган оралиқни ташкил қилиши мумкинлиги каби фактлар ушбу мавзунинг долзарблиги заруратини пайдо қилади. Қолаверса, хозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида болалардаги ногиронликнинг энг кенг тарқалган сабабларидан бири бу – бош сохасидаги шикастланишлардир. Хозирги вақтда бош мия шикастланишлари тиббиётнинг педиатрия, болалар нейрохирургияси, болалар неврологияси, офтолмология, травматология каби сохалари билан биргаликда суд тиббиёти экспертизаси сохасининг хам энг мухим муаммоларидандир [7, 13].


Тадқиқотнинг мақсади - бош сохаси шикастланишларининг эпидемиологияси, оқибатлари, асоратлари ва уларни шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, суд тиббий жиҳатларни илмий маълумотлар асосида ўрганиш ва суд тиббий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот усуллари ва материаллари. Бош жароҳатланишлари, жароҳатланишлар эпидемиологияси, суд-тиббий жиҳатлари ва унга таъсир қилувчи бош суякларининг ёшга доир хусусиятларига оид илмий адабиётлар маълумотлари, шунингдек уларда келтирилган амалий мисолларнинг замонавий шарҳи.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Бош сохасидаги жароҳатланишлардан кейин юзага келадиган клиник холатлар даврлари шартли равишда ўткир (2 хафтадан 2 ойгача), оралиқ (2 ойдан 1.5 йилгача) ва узоқ муддатли (1,5 дан 3-4 йилгача) даврларга бўлинади. Бунда холатга қараб бош сохаси ва тузилмаларида турли хил структуравий ўзгаришлар – кисталар, атрофиялар, чандиқлар, аневризмалар, гигромалар, гематомалар, турлича нерв томирларининг зарарланишлари, арахноидитлар ва бошқалар кузатилиши мумкин [27]. Шу муносабат билан бош мия шикастланишининг ўткир даврида унинг клиник белгиларидан қатъий назар шикастланиш окибатларини ўз вақтида ва тўғри ташхислаш учун жарохатланишнинг оғирлик даражасини тўғри баҳолаш ва самарали даволаш учун албатта ўз вақтида невролог мутахассиснинг кузатувида бўлиши керак [12]. Бундан ташқари бош сохасидаги шикастланишларнинг яқин ва узоқ даврлардаги асоратлари асосон бош жароҳатларининг оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, енгил вегетатив бузилишлардан бошлаб асоратли неврологик ўзгаришлар, ҳаттоки ўлим бўлиши мумкин. Бош соҳасининг ёпиқ жарохатланиши ва бош мия чайқалиши кузатилган жабрланувчиларнинг учдан икки қисми жароҳатнинг асоратларини одатда бир йилдан кейин бошдан кечиришади. Уларнинг баъзилари кейинчалик нормал меҳнат фаолияти билан шуғуллана олмайди, ёки бу борада жисмоний ва рухий қийинчиликларга дуч келади [25]. Лекин бу клиник кўринишлар ва узоқ муддатли оқибатларнинг даражаси жабрланувчининг ёш тоифасига боғлиқ холда турлича кўринишда ва частотада бўлиши мумкин. Зеро, Л.Мередит муаллифлигидаги 2023 йилги илмий мақолада хам болаларда бош сохасидаги шикастланишларнинг клиник жиҳатлари, травмадан кейинги эрта ва кеч даврлардаги асоратлари ва уларнинг частотаси хақидаги маълумотлар адабиётларда етарлича ёритилмаганлиги қайд этилган [21]. Ёш тоифаларига қараб, айниқса болаларда бош сохаси тузилмалари ўзига хос анатомо-физиологик хусусиятлар – бош сохаси суякларининг эластиклиги, ҳаракатчанлиги, чоклар орасидаги ўзгачаликлар, лиқилдоқларнинг мавжудлиги, мия тўқималари етарлича ривожланиб улгурмаганлиги ва гидрофиллиги кабиларда, ёки ёши ўтган шахсларда суяк тўқималаридаги ўзгаришлар каби фарқли жиҳатлар бўлиб, бу анатомо-физиологик ва таркибий миқдорлар ўзгачаликлари ўз

навбатида бир биридан фарқли бўлган патофизиологик жараёнлар, клиник кўринишлар ва оқибатлар билан намаён бўлиши суд тиббиёти сохаси мутахассислари томонидан аллақачон таъкидланган.

Хусусан, ушбу турдаги бузилишларнинг қайси бири юзага чиқиши фақатгина шикастланишларнинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлмасдан жабрланувчининг ёш тоифасига кўпроқ аълоқадор эканлигини кўплаб тиббиёт ходимлари қатори суд тиббиёти сохаси мутахассислари ва невропотологлар хам аълохида таъкидлаб келадилар. Шу нуқтаи назардан бош соҳасидаги жароҳатланишларнинг ёш тоифаларига нисбатан учраш частотасини замонавий илмий адабиётлар маълумотлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бош мия шикастланишлари ва бош мия чайқалишлари эпидемиологияси турли мамлакатларда фарқ қилади. Масалан, Хавасса университети шошилинч тез тиббий ёрдам шифохонасига кейинги 3 йил давомида ўртача 12900 киши мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 38,5%и бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалиши билан боғлиқ бўлган холатларда олиб келинган ва даволаниш ёки қисқа вақтга кузатув учун шифохонага ётқизилганлардир. Бу жабрланувчилар ёш тоифасига нисбатан ёш гурухларига ажратилиб мухокама қилинганда қуйидагича холат қайд этилди.



Дияграммадан кўриниб турибдики, юқорида таъкидланганларга асосланадиган бўлсак бош сохаси жароҳатланишлари ва бош мия чайқалишларининг учдан икки қисмига яқини айнан бош суяклари анатомо-физиологик ва таркибий миқдорлар ўзгачаликлари энг юқори бўлган ёш даврларига, яъний 2-16 ёш ва 60 ёшдан ошганлар тоифасига тўғри келаяпди. Шуни таъкидлаш лозимки 3-5 ёш оралиғидаги болаларда бош шикастланишлари ва бош мия чайқалишларида малакали тиббий ёрдам кўрсатилган бўлишига қарамай жарохатланишдан кейинги тутқаноқлар кузатилишини Л.Мередит қайд этган. Унинг Австралия ва Янги Зеландиядаги шифохоналарга 2011-2014-йиллар оралиғида бош сохасидаги шикастланишлар юзасидан ётқизилган болаларда 2023 йил ўтказган бош травмаси натижалари ретроспектив таҳлили натижаларига кўра бош сохасидаги шикастланишлар билан шифохонага ётқизилган 20137 нафар боладан 336 нафарида малакали тиббий ёрдам кўрсатилган бўлишига қарамай жарохатланишдан кейинги тутқаноқлар кузатилган.

Бошқа баъзи илмий маълумотларда Америка Қўшма Штатларида бош шикастланишлари ва бош мия чайқалишлари йилига 970 мингдан ортиқни ташкил қилиши ва буларнинг 500 мингдан ортиқроқ қисми болаларда кузатилиб, уларнинг 68,8%и шошилинч тез тиббий ёрдам шифохоналарига ётқизилиши таъкидланган [23]. Шунингдек, Америка Қўшма Штатларида бош сохасидаги шикастланишлар 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири хисобланиши таъкидланган, яъний Америка Қўшма Штатларида хар йили бош сохаси жарохатланиши ва бош мия чайқалиши билан боғлиқ бўлган 3000 дан ортиқ ўлим қайд этилади [14, 16, 24]. Айрим муаллифларнинг маълумотларига кўра Францияда бош сохасидаги шикастланишлар болалардаги барча шикастланишларнинг 80%га яқин қисмини ташкил қилади

ва буларнинг 95%и чегараланган жарохатланишлардир.

Бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалишлари болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири экан бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалишларига сабаб бўладиган ҳолатларни тахлил қилиш зарурати мавжуд. Хавасса университети шошилинч тез тиббий ёрдам шифохонасига бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалиши билан боғлиқ бўлган холатларда олиб келинган ва даволаниш ёки қисқа вақтга кузатув учун ётқизилган 300 га яқин жабрланувчиларда бош сохаси шикастланишларининг асосий сабаблари 37,9% холатда йўл транспорт ходисалари бўлса, 32,8% холатда турли хил баландликлардан йиқилиш бўлган. Қолган барча бош шикастланишларига сабабчи бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар жами ҳолатларнинг учдан бир қисмини хам ташкил этмаган. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалишлари энг кўп кузатадиган ёш гурухларидан хисобланган 10 ёшгача бўлган болаларни йиқилишлардан ва 11 ёшдан 40 ёшгача бўлганларни эса йўл-транспорт ходисаларидан авайлаш керак эканлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари бу ёш гурухларида ушбу турдаги ходисалардан кейин бош сохасидаги текширувларни ва даволаш ишларини жароҳатнинг клиник кўринишларидан қатъий назар энг чуқур даражаларда амалга ошириш керак бўлади. Шуни аълохида таъкидлаш керакки, 3 ёшгача бўлган болаларда бош сохасидаги шикастланишлар 3 ёшдан катта бўлган болаларга нисбатан кўпроқ хусусият ва ўзгачаликларга эга эканлиги исботланган. Шунинг учун хам биз ўз тадқиқотларимиз давомидаги турли хил илмий адабиётлардаги маълумотларни умумлаштирган холда 3 ёшгача бўлган болаларнинг хатто ўз бўйи баландлигидан йиқилган холатларни хам эътиборсиз қолдирмаслик кераклигини аълохида таъкидлаймиз. Баъзи тадкиқотларга кўра 3 ёшгача бўлган болаларда бош сохасидаги шикастланишларнинг дастлабки даврларида жарохатнинг симптоматик ва клиник белгилари кузатилмаслиги мумкин, аммо кейинги даврларида декомпенсациянинг умумий реакциялари тезлик билан ривожланади [10, 11].

Ўсиб келаётган бола организмидаги баъзи ўзига хос жиҳатлар хисобига бошнинг катталиги ва бўйин мускуллари ривожланишининг номутоносиблиги юзага келиши мумкинлиги, ёш болаларда оғриқ нуқталари ва хусусиятларини фарқлаш имкониятлари нисбатан анча пастлиги, болаларда харакатланиш иштиёқининг юқорилиги, тана мувозанатини мувофиқлаштирувчи тизимнинг номукаммаллиги, харакатлар динамикаси юришдан югуриш ва сакраш кабиларга қараб ўзгариб бориши ва бу холатларда йиқилиш ёки урилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган шикастланишлар хақида тушунчанинг болаларда умуман етарли эмаслиги, қолаверса катталар тарафидан баъзида болалар назоратсиз қолдирилиши ва улардаги шикастланишларни етарли даражада баҳоланмаслиги кабилар болаларда бош сохаси тузилмалари шикастланишлари частотаси баландлигига сабаб бўлаверади ва бу доимо болаларда бош сохаси тузилмалари шикастланишларининг долзарблигини юзага келтираверади [1, 6]. Асилбековга кўра кичик ёшдаги болаларда бош сохасидаги шикастланишлардан кейин хар учта холатдан биттасида боланинг ахволи мутлоқа қониқарли кўринади. Бу эса албатта бу холатга ота-оналар тарафидан етарлича эътибор қаратилмаслигига замин бўлади.

Илмий адабиётлардаги манбаалардан олинган ўртача рақамларга кўра бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалишлари билан шифохонага мурожаат қилганларнинг 95%ида турли – енгил, ўртача ва оғир даражадаги бош сохаси жароҳатлари ёки бош мия чайқалишлари қайд этилган бўлса, қолган 5%ида бош мия чайқалиши билан боғлиқ бўлмаган бош сохасидаги оддий шикастланишлар қайд этилган. Бош мия чайқалиши билан боғлиқ бўлган шикастланишларнинг 10%га яқин қисмида эса вазият ўлим билан якунланган [26]. Бош сохаси жароҳатлари ёки бош мия чайқалишлари натижасида юз берган ўлим холатларини мухокама қилиш мақсадида Д.Бирд 2021-йилда Буюк Британия ва Канадада оғир даражада бош мияси жарохатланган 195 нафар болаларда даволаниш натижаларини ретроспектив тахлил қилди. Натижалар шуни кўрсатдики 195 холатнинг 28%ида вазият ўлим билан якун топган [3, 25]. А.Мармарунинг 2007 йилдаги маълумотларига кўра болаларда бош сохасидаги шикастланишлардан ўлим кўрсаткичи турли тадқиқотчиларда 20% дан 39%гача қайд этилган [13, 18]. Америкалик ва Канадалик бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра бу кўрсатгич хатто 40-45% гача етган худудлар хам мавжуд [5, 20, 25].

Шу мавзуга бағишланган бошқа бир илмий мақолада бош сохасидаги шикастланишлар билан шифохонага мурожаат қилган болаларнинг 77%ига турли – енгил, ўртача ва оғир даражадаги бош мия чайқалишлари ташхиси қўйилганлиги ва бунда ўртача ва оғир даражадаги бош мия чайқалишлари ташхиси қўйилган болаларнинг 35%ида кейинчалик ногиронлик кузатилиши мумкинлиги эхтимоли пайдо бўлганлиги

таъкидланган [17]. Қолаверса, бош сохасидаги шикастланишларни эътиборсиз қолдириш ва ўз вақтида даволамаслик 46,7% холатда болаларда посттравматик эпилепсия ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлигини хам аълохида таъкидлаш лозим. Бир сўз билан айтганда бош сохасида шикастланишлар кузатилган болаларни ўз вақтида чуқур тиббий текшириб малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида жабрланганларнинг хар учтасидан биттасида кузатилиши мумкин бўлган ногиронликнинг олди олинади. Бундай холатларда кутилган натижаларга эришиш ва бош сохаси жароҳатлари ва бош мия чайқалишларининг асоратлари ва узоқ муддатли оқибатларини олдини олиш ишларида самарали натижаларга эришишда суд тиббий экспертиза сохасидаги маълумотларидан хам фойдаланиш лозим.

Бундан ташқари бизнинг кузатувдаги суд тиббий манбааларда хам бош сохасидаги жароҳатланишлар ва бош мия чайқалишларининг клиник кечиши, асоратлари ва узоқ муддатли оқибатлари ёш тоифаларига кўпроқ боғлиқ эканлиги таъкидланган. Шундай экан бизнинг тадқиқотдаги фикр-мулохазалар албатта бу сохада самаралироқ натижаларга эришишда ва суд-тиббиётининг ушбу мавзудаги истиқболларида ўз таъсир кучига эга бўла олади деб хисоблаймиз. Айнан шундай мақсадларда эришиш илинжида тадқиқот давомида бош сохасидаги жароҳатланишлар ва бош мия чайқалишлари билан боғлиқ холатлар ва муаммолар мухокама қилинган энг сўнгги илмий адабиёт ва илмий амалий тавсиявий манбааларга мурожаат қилинган. Шуни аълоҳида таъкидлаш керакки кўплаб манбааларда болаларда бош сохасидаги шикастланишлар диагностикасининг олтин стандарти сифатида Компютер томографияси келтирилади [10, 22]. Биз эса болаларда бош сохаси тузилмалари ёш тоифаларига қараб ўзгариб боришини хисобга олган холда Компютер томографиясини болаларга тавсия қилишда юқоридаги омилларни хисобга олиш кераклигини такидламоқчимиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бу турдаги шикастланишлар диягностикасида нейросонографиядан фойдаланиш кераклиги хақидаги баъзи тадқиқотчиларнинг фикр ва тавсиялари шубхасиз асосли.

Бош сохасидаги шикастланишларнинг диягностикаси ва давосида болалар ва қария кишилар бош тузилмаларининг анотомо-физиологик хусусиятларига ва ушбу турдаги жароҳатланишларнинг суд тиббий экспертизаси маълумотларига эътибор қаратилиши кераклиги замонавий адабиётларда кўпроқ қайд этилиши лозим.

Боғча ёшидан кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг бош сохасига механик таъсирлар кузатилганда клиник кўриниш ва симптомларнинг даражасидан қатъий назар болани чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш зарур.

ЛИТЕРАТУРА

1. Боброва В.И., Никифоров С.Н., Закрытая черепно-мозговая травма у детей ранного возраста: особенности клиники и диагностики., 2007. №1(8). С 13-16;

2. Гомазков, О.А. Апоптоз нейрональных структур и роль нейротрофических ростовых факторов. Биохимические механизмы эффективности пептидных препаратов мозга. 2002. Т. 102, № 7. С. 17-21;

3. Гохман Е.А. с соавт, Гузева В.И., Гузева О.В., Гузева В.В., Касумов В.Р., Касумов Р.Д., Комплексная оценка клинико-инструментальных данных для обоснования тактики оперативного лечения больных с резистентными формами эпилепсии., 2016. Т. 23. № 3. С. 51–55;

4. Гузеевой В.И., Руководство по детской неврологии. Осложнения и последствия ЧМТ., 2004. С. 425-427;

5. Гузева В.И. с соавт, Осложения и последствия черепно-мозговой травмы у детей-обзор состояния вопроса., 2022. №4. С 16-31;

6. Еренков В.А., Клиническое исследование ребенка., 1984. С 336;

7. Иванов Д.О., Орел В.И., Ким А.В., Середа В.М., Гурьева Н.А., Служба охраны матери и ребенка санкт-петербурга в 2017 году: учебно методическое пособие. 2018;

8. Одинак, М.М., Литвиненко И.В., Емелин А.Ю., Открытое сравнительное исследование эффективности мамантина в терапии посттравматических когнитивных расстройств. 2005. Т. 10, № 6. С. 32-38;

9. Орел В.В., Медико-социальные аспекты последствий черепно-мозговой травмы у детей., 2020. Т 5, №2. С 11-18;

10. Сакович А.В., Цан Н.А., Особенности диагностики черепно-мозговой травмы у детей раннего возраста., № 3-4, 2019. С 84-87;

11. Семенова Ж. Б., Мельникова А. В., Савина И. А. и др., Рекомендации по лечению детей с черепно-мозговой травмой., 2016. Том VI. № 2. С. 112-131;

12. Смирнова Л.В., Смирнова О.Ю., Обухова С.С., Дунаева М.П. Отдаленные последствия черепно-мозговой травмы у детей с разной степенью тяжести. 2007. Т.10 (18), № 2. С 15-18;

13. Шалькевич Л.В. с соавт, Львова О.А., Кулагин А.Е., Талабаев М.В., Ивашина Е.Н., Сулимов

А.В. Черепно-мозговая травма у детей., 2016. С. 361–377;

14. Bowman SM, Bird TM, Aitken ME, Tilford JM., Trends in hospitalization for traumatic brain injury in children., 2008. 122 (5) pp 988-93;

15. Veina A.M., Autonomic disorders., 2003. P. 489-491;

16. Ducrocq SC, Meyer PG et al., Epidemiology and early predictors of mortality and outcome in children with severe traumatic brain injury: experience from a French pediatric trauma center., 2006, 7 (5) pp 461-7;

17. Carney N., Totten A. M., O'Reilly C. et al. Guidelines for the Management of Severe Traumatic Brain Injury 4th Edition., 2017. V. 80 (1). P. 6-15. doi: 10.1227/NEU.0000000000001432;

18. Marmaru A., Lu J. et al., IMPACT database on traumatic brain injury: structure and description. 2007. 24 (2) pp 239-50;

19. Massagli, T.L. Pediatric traumatic brain injury: progresis and rehabilitation. 1994. V. 23. P. 15-36;

20. McCallum DE, Byrne P, Bruera E. How children die in hospital. J Pain Symptom Manage., 2000., 20:417–23. doi: 10.1016/S0885-3924(00)00212-8;

21. Meredith L. et al., Incidence of traumatic brain injury in children with traumatic brain injury and seizures., 2023. T 35, pp 289–296 https://doi.org/10.1111/1742-6723.14112;

22. Meulepas J. M., Ronkerns C. M., Smets AMJB. et al., Radiation Exposure From Pediatric CT Scans and Subsequent Cancer Risk in the Netherlands. 2019. V. 111, № 3. P. 256-263;

23. Chen S, et al. Peng J, Trend in age-adjusted rates of childhood traumatic brain injury in US emergency departments from 2006 to 2013., 2018. 15 (6), pp 2-10., doi:10.3390/ijerph15061171;

24. Schunk J.E., Schutzman S.A. Childhood head injury., 2012. 33 (9) pp 398-410;

25. Talia D. Baird et al. Clinical and physiological factors associated with death in severe TBI in children., 2021., V.9, Article 793008, p 1-7., https://doi.org/10.3389%2Ffped.2021.793008;

26. Tuji Bedri, Henok Tadele, Pattern and Outcome of Pediatric Traumatic Brain Injury at Hawassa University General Referral Hospital, Southern Ethiopia: An Observational Cross-sectional Study., 2020. V. 2020, Article ID 1965231, p 2-9. https://doi.org/10.1155/2020/1965231;

27. Walker K.R., Tesco G. Molecular mechanisms of cognitive dysfunction following traumatic brain injury. 2013. vol. 6. P. 29–40. DOI:10.3389/fnagi.2013.00029;

SURUNKALI LIMFOLEYKOZ KASALLIGIDA HISSIY BUZILISHLAR VA ULARNING HAYOT SIFATIGA TA'SIRI

Eshchanova Guzal Bakpo'latovna - tayanch doktorant,
Matmurodov Rustambek Jumanazarovich - t.f.d., professor
Babadjanov Jasurbek Kamiljanovich – Ph.D.
Jumanazarova Shahzoda Rustambekovna – talaba
Toshkent tibbiyot akademiyasi (Toshkent, O'zbekiston)
Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali (Xorazm, O'zbekiston)

Maqsad. *Surunkali limfoleykoz kasalligi bilan og'rigan bemorlarda xissiy buzilishlarning ularning xayot sifatiga ta'sirini o'rganish*

Material va usullar. *Surunkali limfoleykoz bilan og'rigan 130 nafar bemor O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining Respublika gematologiya va transfuziologiya Ilmiy tekshirish Markazi Xorazm filialida (O'zR SSV RGvTITMXf) tekshiruvdan o'tkazildi. Ilmiy tadqiqotlar 2014 yildan 2023 yilgacha statsionar ravishda yotib davolangan surunkali limfoleykoz bilan og'rigan bemorlar natijalari asosida olindi. SHulardan 71 nafarini erkaklar (54,6%) va 59 nafarini ayollar (45,4%) tashkil qildi. Erkaklar va ayollar nisbati 1,2:1.*

Bemorlar 46 yoshdan 86 yoshgacha bo'lgan bemorlardan iborat bo'ldi, shu jumladan 13 yoshdan 44 yoshgacha -13 nafar bemorlar (15,5%), 45 yoshdan 59 yoshgacha – 25 nafar bemorlar (29,8%), 60 yoshdan 74 yoshgacha - 37 nafar bemorlar (44,0%), 75 yoshdan katta - 9 nafar bemorlar (10,7%)dan iborat bo'ldi. Bemorlarning o'rtacha yoshi 64,07±9,56 yil (p<0,05).

Surunkali limfoleykoz bilan og'rigan bemorlarning hayot sifatini baholash uchun onkologik bemorning funktsiyalarini baholash uchun FACT-G (Functional Assessment of Cancer Therapy-General, Version-4) so'rovnomasidan tadqiqot boshlangan kuni va uch oy o'tgandan so'ng foydalanildi.

Natijalar. *Hayot sifatini baholash uchun FACT-G shkalasi bo'yicha o'rtacha ball 57,5 ni tashkil etdi, maksimal 108 ballni tashkil etdi. Bu surunkali limfoleykozga chalingan bemorlarning hayot sifati sog'lom odamlarga qaraganda deyarli ikki baravar past ekanligini ko'rsatdi. Jismoniy farovonlik moduli (PWB, Physical well-being) insonning jismoniy holatini baholashga imkon berdi, shu jumladan bemorning asosiy shikoyatlarini (og'riq, ko'ngil aynish, umumiy holsizlik, davolanishning nojo'ya ta'siri) aniqlashga yordam berdi. Ushbu modulda o'rtacha ball 15,5 ni tashkil etdi (normada 28 ball), bu uning bemorlarda sezilarli, deyarli ikki baravar kamayishini ko'rsatdi. Ijtimoiy/oilaviy farovonlik moduli (SWB, Social/Family well-being) bemorning ijtimoiy rolidan qoniqishini baholadi, insonning ijtimoiy moslashish imkoniyatlarini aks ettirdi. Ushbu modulda o'rtacha ball 15,7 ni tashkil etdi (normada 28 ball), bu ham deyarli ikki baravar pasayishni aks ettirdi. Hissiy farovonlik moduli (EWB, Emotional well-being) bemorlarning psixoemotsional holatini baholadi, o'rtacha ball 14,0 (normada 24 ball). Funktsional farovonlik moduli (FWB, Functional well-being) bu baholash bemorning kundalik hayotga moslashishi. Ushbu modul uchun o'rtacha ball eng past - 12,5 ko'rsatkichni tashkil etdi va maksimal 28 balldan ikki martadan ko'proq pasayishni aks ettirdi.*

Xulosa. *Ushbu ko'rsatkichlarni dinamikada baholashda jismoniy, ijtimoiy va hissiy farovonlik sohasidagi ko'rsatkichlarning statistik jihatdan sezilarli pasayishi, shuningdek FACT-G shkalasi bo'yicha umumiy ballning pasayishi kuzatildi. Bu surunkali limfoleykozga chalingan bemorlarning hayot sifati sog'lom odamlarga qaraganda deyarli ikki baravar past darajada ekanligidan dalolat berdi.*

Kalit so'zlar: *Surunkali limfoleykoz, nevrologik asoratlar, asab tizimini shikastlanishi, stress, depressiya*

ЭМОЦИОНАЛЬНЫЕ РАССТРОЙСТВА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА КАЧЕСТВО ЖИЗНИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ЛИМФОЛЕЙКОЗЕ

Эшчанова Гузал Бакпулатовна – базовый докторант
Матмуродов Рустамбек Джуманазарович – д.м.н., профессор
Бабаджанов Жасурбек Камилжанович – Ph.D.
Жуманазарова Шахзода Рустамбековна – студент
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии (Хорезм, Узбекистан)

Цель. *Изучение влияния эмоциональных расстройств на качество их жизни у пациентов с хроническим лимфолейкозом*

Материал и методы. *130 больных хроническим лимфолейкозом обследованы в Хорезмском филиале Республиканского научно-исследовательского центра гематологии и трансфузиологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Научные исследования были основаны на результатах пациентов*

с хроническим лимфолейкозом, получавших стационарное лечение в период с 2014 по 2023 год. Из них 71 мужчина (54,6%) и 59 женщин (45,4%). Соотношение мужчин и женщин составляет 1,2:1.

В состав пациентов вошли пациенты в возрасте от 46 до 86 лет, в том числе от 13 до 44 лет -13 пациентов (15,5%), от 45 до 59 лет – 25 пациентов (29,8%), от 60 до 74 лет - 37 пациентов (44,0%), старше 75 лет - 9 пациентов (10,7%).). Средний возраст пациентов составляет 64,07±9,56 года (p<0,05).

Для оценки качества жизни пациентов с хроническим лимфолейкозом анкета FACT-G (Functional Assessment of Cancer Therapy-General, версия-4) использовалась в день начала исследования и через три месяца после него для оценки функций онкологического пациента.

Результаты. *Средний балл по шкале FACT-G для оценки качества жизни составил 57,5 с максимальным баллом 108. Это показало, что качество жизни пациентов с хроническим лимфолейкозом почти в два раза ниже, чем у здоровых людей. Модуль физического благополучия (pwb, Physical well-being) позволил оценить физическое состояние человека, включая помощь в выявлении основных жалоб пациента (боль, тошнота, общая слабость, побочные эффекты лечения). Средний балл по этому модулю составил 15,5 (28 баллов в норме), что свидетельствовало о значительном, почти двукратном снижении его у пациентов. Модуль социального/семейного благополучия (SWB, Social / Family well-being) оценивал удовлетворенность пациента социальной ролью, отражал возможности социальной адаптации человека. Средний балл по данному модулю составил 15,7 (в норме 28 баллов), что также отражало почти двукратное снижение. Модуль эмоционального благополучия (EWB, emotional well-being) оценивал психоэмоциональное состояние пациентов со средним баллом 14,0 (в норме 24 балла). Модуль функционального благополучия (FWB, Functional Well-Being) - это оценка адаптация пациента к повседневной жизни. Средний балл по этому модулю был самым низким-12,5-и отражал снижение более чем в два раза по сравнению с максимумом в 28 баллов.*

Вывод. *При оценке этих показателей в динамике наблюдалось статистически значимое снижение показателей в области физического, социального и эмоционального благополучия, а также снижение общего балла по шкале FACT-G. Это показало, что качество жизни пациентов с хроническим лимфолейкозом почти в два раза ниже, чем у здоровых людей.*

Ключевые слова: *хронический лимфолейкоз, неврологические осложнения, повреждение нервной системы, стресс, депрессия.*

EMOTIONAL DISORDERS AND THEIR IMPACT ON THE QUALITY OF LIFE IN CHRONIC LYMPHOCYTIC LEUKEMIA

Eshchanova Guzal Bakpulatovna – basic doctoral student
Matmurodov Rustambek Jumanazarovich - D.M.Sc., professor
Babadjanov Jasurbek Kamiljanovich - Ph.D.
Jumanazarova Shakhzoda Rustambekovna – student
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)
Urgench Branch of Tashkent Medical Academy (Khorezm, Uzbekistan)

Aim. *To study the effect of emotional disorders on their quality of life in patients with chronic lymphocytic leukemia*

Materials and methods. *130 patients with chronic lymphocytic leukemia were examined at the Khorezm branch of the Republican Research Center of Hematology and Transfusiology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. The research was based on the results of patients with chronic lymphocytic leukemia who received inpatient treatment between 2014 and 2023. Of these, 71 were men (54.6%) and 59 were women (45.4%). The ratio of men to women is 1.2:1.*

The patients included patients aged 46 to 86 years, including 13 patients (15.5%) aged 13 to 44 years, 25 patients (29.8%) aged 45 to 59 years, 37 patients (44.0%) aged 60 to 74 years, and 9 patients over 75 years. (10.7%).). The average age of patients is 64.07±9.56 years (p<0.05).

To assess the quality of life of patients with chronic lymphocytic leukemia, the FACT-G (Functional Assessment of Cancer Therapy-General, version-4) questionnaire was used on the day of the start of the study and three months after it to assess the functions of an oncological patient.

Results. *The average score on the FACT-G scale for assessing the quality of life was 57.5 with a maximum score of 108. This showed that the quality of life of patients with chronic lymphocytic leukemia is almost two times lower than that of healthy people. The physical well-being module (pwb, Physical well-being) made it possible to assess a person's physical condition, including assistance in identifying the patient's main complaints (pain, nausea, general*

weakness, side effects of treatment). The average score for this module was 15.5 (28 points are normal), which indicated a significant, almost twofold decrease in patients. The module of social/family well-being (SWB, Social / Family well-being) assessed the patient's satisfaction with the social role, reflected the possibilities of social adaptation of a person. The average score for this module was 15.7 (normally 28 points), which also reflected an almost twofold decrease. The emotional well-being module (EWB) assessed the psychoemotional state of patients with an average score of 14.0 (normally 24 points). The Functional Well-Being Module (FWB) is an assessment of the patient's adaptation to everyday life. The average score for this module was the lowest-12.5-and reflected a decrease of more than two times compared to the maximum of 28 points.

Conclusion. *When evaluating these indicators, there was a statistically significant decrease in indicators in the field of physical, social and emotional well-being, as well as a decrease in the overall score on the FACT-G scale. This showed that the quality of life of patients with chronic lymphocytic leukemia is almost two times lower than that of healthy people.*

Key words: *chronic lymphocytic leukemia, neurological complications, damage to the nervous system, stress, depression.*

So‘nggi paytlarda har qanday profildagi bemorlarning psixoemotsional holatini o‘rganishga tobora ko‘proq e’tibor qaratilmoqda. Xorijiy adabiyotlarda «cancer-specific stress», «cancer-related stress» atamasi keng qo‘llaniladi, bu atamalar o‘sma kasalligi bilan bog‘liq stress bo‘lib, jismoniy faoliyatni yomonlashtiradi va psixologik buzilishlarni (kognitiv, affektiv, depressiv alomatlar) bashorat qiladi. Turli tadqiqotlarga ko‘ra, o‘sma kasalliklari orasida depressiyaning tarqalishi 1% dan 40% gacha, onkogematologiyada shunga o‘xshash tadqiqotlar hozirgi vaqtda yetarlicha o‘rganilmagan [2,5,6,8,12,17]. Surunkali limfoleyroz (SLL) davolash boshlanishidan oldin ko‘proq stressni boshidan kechirgan bemorlar aqliy faoliyat va yashovchanlik nuqtai nazaridan yomonroq oqibatlarga ega ekanligi ko‘rsatilgan [6,9,11,15]. Psixologik distress SLL bilan og‘rigan bemorlarning kamida 26% uchun jiddiy psixosotsial muammo hisoblanadi. Psixologik buzilishlarga bemorning kundalik hayotiga katta ta’sir ko‘rsatadigan klinik belgilarga doimiy tashvish, depressiv tuyg‘ular va qo‘rquv kiradi. Ba’zi bemorlar somatik alomatlar ko‘rinishidagi psixologik buzilishlarni (bosh og‘rig‘i, uyqu muammolari va oshqozon-ichak trakti kasalliklari belgilari kabi) boshdan kechirishadi va affektiv buzilishlari bo‘lmagan bemorlarga nisbatan bu muammolar uchun ikki baravar tez-tez tibbiy yordamga murojaat qilishadi va kasalxonaga yotqizish ehtimoli oshadi, bu esa ularni davolash narxining sezilarli darajada oshishiga olib keladi [5,7,10,13]. Yondosh kasalliklar, salbiy hayotiy hodisalar va yuqori darajadagi charchoq kabi omillar SLL bilan og‘rigan bemorlarda tashvish va depressiya alomatlari rivojlanish xavfi oshadi. SHuni ham ta’kidlash mumkinki, oldingi davolash kurslarining ko‘pligi SLL bilan og‘rigan bemorlarda o‘smaga xos bo‘lmagan stress bilan bog‘liq. Ehtimol, bir qator omillar - polikimyoterapiya va uning nojo‘ya ta’siri bilan bog‘liq bo‘lgan oldingi tajriba, tibbiy tizim, mavjud ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tuzilmalari va boshqalar bilan tanishish SLL davolash tsikllari soni oshgani sayin stressni kamaytirishga hissa qo‘shishi mumkin [1,3,14,16].

Maqsad. Surunkali limfoleykoz kasalligi bilan og‘rigan bemorlarda xissiy buzilishlarning ularning xayot sifatiga ta’sirini o‘rganish

Material va usullar. Surunkali limfoleykoz bilan og‘rigan 130 nafar bemor O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining Respublika gematologiya va transfuziologiya Ilmiy tekshirish Markazi Xorazm filialida (O‘zR SSV RGvTITMXf) tekshiruvdan o‘tkazildi. Ilmiy tadqiqotlar 2014 yildan 2023 yilgacha statsionar ravishda yotib davolangan SLL bilan og‘rigan bemorlar natijalari asosida olindi. SHulardan 71 nafarini erkaklar (54,6%) va 59 nafarini ayollar (45,4%) tashkil qildi. Erkaklar va ayollar nisbati 1,2:1.

Bemorlar 46 yoshdan 86 yoshgacha bo‘lgan bemorlardan iborat bo‘ldi, shu jumladan 13 yoshdan 44 yoshgacha -13 nafar bemorlar (15,5%), 45 yoshdan 59 yoshgacha – 25 nafar bemorlar (29,8%), 60 yoshdan 74 yoshgacha - 37 nafar bemorlar (44,0%), 75 yoshdan katta - 9 nafar bemorlar (10,7%)dan iborat bo‘ldi. Bemorlarning o‘rtacha yoshi 64,07±9,56 yil ($p<0,05$).

Bemorlarda kasallik dastlab paydo bo‘lgan vaqtiga qarab o‘rganilganda quyidagi holat aniqlandi: 6 oygacha – 32 nafar (24.62%), 6 oydan 1 yilgacha – 17 nafar (13.08%), 1 yildan 3 yilgacha – 31 nafar (23.84%), 3 yildan 5 yilgacha – 30 nafar (23.08%), 5 yildan ortiq – 20 nafar bemor (15.38%). Bemorlarning 25,38% (33) oliy ma’lumotli, qolgan 74,62% (97) o‘rta va kasb-hunar o‘rta ma’lumotiga ega.

Natijalar. SLL bilan og‘rigan bemorlarning hayot sifatini baholash uchun onkologik bemorning funktsiyalarini baholash uchun FACT-G (Functional Assessment of Cancer Therapy-General, Version-4) so‘rovnomasi ishlatildi. O‘lchovning barcha ko‘rsatkichlari bo‘yicha to‘liq tavsiflovchi statistik tahlil o‘tkazildi, natijalari 1-jadvalda keltirildi.

1 jadval.

FACT-G so‘rovnomasi asosida hayot sifatini tavsiflovchi statistik tahlil natijalari

	m, o‘rtacha	me, mediana	Q1, birinchi kvartil	Q3, uchinchi kvartil	σ, stand. og‘ish	assimetriya koeffitsienti	Ekstsess koeffitsienti
Tadqiqot boshlanganda							
FACT-G Total	58,30714	57,50000	48,10000	66,00000	12,98500	0,45116	0,02549
PWB	15,28571	15,50000	12,00000	18,00000	4,94750	0,19107	-0,23615
SWB	16,43175	15,70000	13,70000	20,00000	4,49066	0,25522	-0,15292
EWB	13,99206	14,00000	11,00000	17,00000	4,39544	-0,1238	-0,00400
FWB	12,57937	12,50000	10,00000	16,00000	5,03961	0,31797	0,51631
Tadqiqot boshlangandan 3 oydan so‘ng							
FACT-G Total	54,05319	54,00000	46,90000	58,00000	12,20855	0,28886	0,96203
PWB	14,19916	14,00000	12,00000	17,00000	3,84594	0,15095	-0,17220
SWB	16,30697	16,00000	12,90000	20,00000	4,27002	0,37679	-0,62290
EWB	13,16807	13,00000	11,00000	16,00000	4,12376	-0,2886	0,46638
FWB	11,75378	11,00000	9,00000	13,00000	6,52783	5,52601	45,59979

Xususiyatlarni taqsimlashning normalligini baholash uchun SHapiro-Uilka testi ishlatildi, uning natijalari 2-jadvalda keltirildi. Sinovda, agar p>0.1 da nol gipotezadan og‘magan bo‘lsa, xususiyatlarning normalligi tasdiqlangan deb ishonildi.


2 jadval.

FACT-G so‘rovnomasi ko‘rsatkichlari uchun SHapiro-Uilka testi natijalari


O‘lchov turi	Tadqiqot boshlanganda		Tadqiqot boshlangandan 3 oydan so‘ng	
	SHapiro-Uilka statistikasi	*r-darajasi*	SHapiro-Uilka statistikasi	*r- darajasi*
FACT-G Total	W=0,97912	p=0,04990	W=0,97957	p=0,01010
PWB	W=0,98626	p=0,23578*	W=0,97047	p=0,25572*
SWB	W=0,97964	p=0,05444	W=0,98597	p=0,00281
EWB	W=0,98709	p=0,28109*	W=0,96396	p=0,06909
FWB	W=0,98184	p=0,08908	W=0,97971	p=0,00000

** - agar nol gipoteza p>0.1 dan og‘magan bo‘lsa, belgilarning normalligi tasdiqlanadi*


Natijada, normal taqsimlangan belgilar faqat dinamikada va tadqiqot boshlanganda PWB shkalasida, shuningdek, EWB shkalasining qiymatlari tadqiqot boshlанganda kuzatildi. Bu 1-5 rasmlarda ko‘rsatilgan belgilarning gistogrammalarida aniq ko‘rinadi.




1 rasm. **Tadqiqot boshlanganda va uch oydan so‘ng FACT-G shkalasi bo‘yicha ko‘rsatkichlarining taqsimlash gistogrammasi**



2 rasm. **Tadqiqot boshlanganda va uch oydan so‘ng PWB (jismoniy faravonlik moduli) ko‘rsatkichlarining taqsimlash gistogrammasi**



3 rasm. **Tadqiqot boshlanganda va uch oydan so‘ng SWB (ijtimoiy faravonlik moduli) ko‘rsatkichlarining taqsimlanish gistogrammasi**



4 rasm. **Tadqiqot boshida va uch oydan so‘ng EWB (hissiy faravonlik moduli) ko‘rsatkichlarining taqsimlash gistogrammasi**



5 rasm. **Tadqiqot boshida va uch oydan so‘ng FWB (funktsional farovonlik moduli) ko‘rsatkichlarini taqsimlash gistogrammasi**

Tadqiqot boshida va 3 oy o‘tgach, FACT-G so‘rovnomasidan olingan qiymatlarni solishtirish uchun noparametrik Wilcoxon testlari o‘tkazildi. Sinov natijalari 3 jadvalda keltirildi. Sinov natijalaridan ko‘rinib turibdiki, so‘rovnomaning barcha modullari uchun FWB (funktsional farovonlik) o‘lchov shkalasidan tashqari, boshqa barcha o‘tkazilgan shkalalarda hayot sifatining pasayishi ko‘rinishidagi statistik jihatdan muhim farqlar aniqlandi.


6-rasmda tadqiqot boshlanganda va vaqt o‘tishi bilan FACT-G so‘rovnomasi uchun ko‘rsatkichlarning o‘rtacha qiymatlari, shuningdek so‘rovnomaning har bir parametri uchun mumkin bo‘lgan maksimal qiymatlari ko‘rsatilgan.

3 jadval

FACT-G so‘rovnomasi bo‘yicha ko‘rsatkichlar dinamikasi

O‘lchov turi *	Tadqiqot boshlanganda	Tadqiqot boshlangandan 3 oydan so‘ng	p qiymati
FACT-G Total	57,5 [48,1;66,0]	54,0 [46,9;58,0] **	0,00
PWB	15,5 [12,0;18,0]	14,0 [12,0;17,0] **	0,00
SWB	15,7 [13,7;20,0]	16,0 [12,9;20,0] **	0,00
EWB	14,0 [11,0;17,0]	13,0 [11,0;16,0] **	0,00
FWB	12,5 [10,0;16,0]	11,0 [9,0;13,0]	0,72

* Ma’lumotlar mediana va kvartillar bilan ifodalandi ** Ma’lumotlar tahlili Vilkokson mezoni yordamida amalga oshirildi, r<0.05 bilan natijalar qayd etildi.



6 rasm. **FACT-G so‘rovnomasi natijalarining o‘rtacha qiymatlari (PWB -jismoniy farovonlik moduli, SWB- ijtimoiy farovonlik moduli, EWB -hissiy farovonlik moduli, FWB - funktsional farovonlik moduli, FACT-G Total - so‘rovnoma umumiy bali)**

Hayot sifatini baholash uchun FACT-G shkalasi bo‘yicha o‘rtacha ball 57,5 ni tashkil etdi, maksimal 108 ballni tashkil etdi. Bu SLLga chalingan bemorlarning hayot sifati sog‘lom odamlarga qaraganda deyarli ikki baravar past ekanligini ko‘rsatdi. Jismoniy farovonlik moduli (PWB, Physical well-being) insonning jismoniy holatini baholashga imkon berdi, shu jumladan bemorning asosiy shikoyatlarini (og‘riq, ko‘ngil aynish, umumiy holsizlik, davolanishning nojo‘ya ta’siri) aniqlashga yordam berdi. Ushbu modulda o‘rtacha ball 15,5 ni tashkil etdi [12,0;18,0] (normada 28 ball), bu uning bemorlarda sezilarli, deyarli ikki baravar kamayishini ko‘rsatdi. Ijtimoiy/oilaviy farovonlik moduli (SWB, Social/Family well-being) bemorning ijtimoiy rolidan qoniqishini baholadi, insonning ijtimoiy moslashish imkoniyatlarini aks ettirdi. Ushbu modulda o‘rtacha ball 15,7 ni tashkil etdi (normada 28 ball), bu ham deyarli ikki baravar pasayishni aks ettirdi. Hissiy farovonlik moduli (EWB, Emotional well-being) bemorlarning psixoemotsional holatini baholadi, o‘rtacha ball 14,0 (normada 24 ball). Funktsional farovonlik moduli (FWB, Functional well-being) bu baholash bemorning kundalik hayotga moslashishi. Ushbu modul uchun o‘rtacha ball eng past - 12,5 ko‘rsatkichni tashkil etdi va maksimal 28 balldan ikki martadan ko‘proq pasayishni aks ettirdi.

Xulosa. Ushbu ko‘rsatkichlarni dinamikada baholashda jismoniy, ijtimoiy va hissiy farovonlik sohasidagi ko‘rsatkichlarning statistik jihatdan sezilarli pasayishi, shuningdek FACT-G shkalasi bo‘yicha umumiy ballning pasayishi kuzatildi. Bu SLLga chalingan bemorlarning hayot sifati sog‘lom odamlarga qaraganda deyarli ikki baravar past darajada ekanligidan dalolat berdi.

ADABIYOTLAR

1. Teregulova DR, Bakirov BA, Akhmadeeva LR. The influence of polychemotherapy on cognitive functions in patients with lymphoproliferative diseases. Perm Medical Journal 2018; 35 (6): 73–81. Russian (Teregulova D. R., Bakirov B. A., Axmadeeva L. R. Vliyanie poliximioterapii na kognitivnыe funktsii u patsientov s limfoproliferativnыmi zabolevaniyami. Permskiy meditsinskiy jurnal 2018; 35 (6): 73–81).

2. Strati P, Uhm JH, Kaufmann TJ, et al. Prevalence and characteristics of central nervous system involvement by chronic lymphocytic leukemia. Haematologica 2016; 101 (4): 458–65.

3. S C Cramer 1, J A Glaspy, J T Efird, D N Louis Chronic lymphocytic leukemia and the central nervous system: a clinical and pathological study 1996 Jan;46(1):19-25. doi: 10.1212/wnl.46.1.19.

4. Nyanza K. L. M. Timmers, Josanne S. de Maar, Rob C. M. van Kruijsdijk & Saskia K. Klein Central nervous system localisation of chronic lymphocytic leukaemia, description of two very distinct cases and a review of the literature Published: 29 April 2018, Volume 97, pages 1627–1632, (2018)

5. Cristhiam M. Rojas-Hernandez, Jacklyn Nemunaitis, Kristopher D. Marjon, Daniel Bustamante, Qian-Yun Zhang & Jennifer M. Gillette Chronic lymphocytic leukemia with clinical debut as neurological involvement: a rare phenomenon and the need for better predictive markers 02 February 2017 BMC Hematology volume 17, Article number: 3 (2017)

6. Li-Yuan Qin, Ye Geng, Jian-Feng Mu, Wen-Jun Wang, Cai-Xia Zhang, Yi-Nan Gao & Jian-Xia Central nervous system involvement in chronic lymphocytic leukemia: a case report and review of literature. He Journal of Medical Case Reports 10 July 2024

7. Eshchanova G B, Babadjanov J K, Matmuratov R J, Jumanazarova SH R. Surunkali limfoleykozning nevrologik asoratlari (adabiyotlar sharhi). Journal of neurology and neurosurgical research. 6 tom, №1, http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14872429

8. Eshchanova G B, Babadjanov J K, Matmuratov R J, Jumanazarova SH R. Clinical and Neurological Features of Patients with Chronic Lymphocytic Leukemia. American Journal of Medicine and Medical Sciences. 2025; 15(4): 947-951. http://article.sapub.org/10.5923.j.ajmms.20251504.21.

9. М. В. Марковцева, Е. Н. Згуральская. Прогнозирование общей выживаемости больных хроническим лимфолейкозом в динамике заболевания. Качественная клиническая практика №3, 2023 г. https://doi.org/10.37489/2588-0519-2023-3-66-71.

10. Algoritmy diagnostiki i protokoly lecheniia zabolevanii sistemy krovi. Ed by VG Savchenko. In two volumes. Volume 2. Moscow: Praktika, 2018.

11. Nikitin EA, Lugovskaya SA, Varlamova EYu, et al. Factors predicting complete remission and refractoriness to therapy in primary SLL patients receiving FCR regimen. Russian journal of hematology and transfusiology. 2012;57(3):16. Congress of Hematologists of Russia. Moscow, July 2–4, 2012.

12. International SLL-IPI working group. An international prognostic index for patients with chronic lymphocytic leukaemia (SLL-IPI): a meta-analysis of individual patient data. Lancet Oncol. 2016 Jun;17(6):779-790. doi: 10.1016/S1470-2045 (16)30029-8.

13. Obukhova TN, Kislova MI, Nikitin EA, et al. Structure and prognostic significance of 13q14 deletion in chronic lymphocytic leukemia. Russian journal of hematology and transfusiology. 2022;67(1):75-89. doi: 10.35754/0234-5730-2022-67-1-75-89.

14. Biderman BV, Sudarikov AB. Immunoglobulin genes and stereotyped antigenic receptors in chronic lymphocytic leukemia and other lymphoproliferative diseases. Russian journal of hematology and transfusiology. 2023;68(1):70-79._doi: 10.35754/0234-5730-2023-68-1-70-79.

15. Patent No. 2725877 C1 Russian Federation, IPC G01N 33/70 Method for predicting the overall survival of patients with chronic male lymphocytic leukemia in stage A-C: 2020106661 : application 11.02. 2020: publ. 7.20 / Markovtseva MV, Zguralskaya EN. EDN LTEUND.

16. Markovtseva M.V., Zguralskaya E.N. Chronic lymphocytic leukemia prediction using data mining methods. Kachestvennaya Klinicheskaya Praktika = Good Clinical Practice. 2022;(3):31-34. doi: 10.37489/2588-0519-2022-3-31-34.

17. Zguralskaya EN. Sustainability of dividing data in intervals in the problems of recognition and searching for hidden laws. Izvestia of Samara Scientific Center of the Russian Academy of Sciences. 2018;20(4(3)):451-455.

UDK: 616.831-005.4-036.11:616.155.2-07

ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуолимов Абдумани Абдунабиевич
Мамажонов Бохадир Солижанович
Фарғона жамоат саломатлиги институти (Фарғона, Ўзбекистон)
Андижон давлат тиббиёт институти (Андижон, Ўзбекистон)

Аннотация. *Цереброваскуляр касалликлар иммуногистокимёвий жиҳатдан текшириш орқали ушбу касалликда қон томирларнинг жавоб реакциясини асосан даволанган ва даволанмаган гурухларда қайси жихатларининг устунлиги, томирларнинг қайси анатомик қаватларида ўзгаришларни аниқ локализациясини белгилашда, CD 31, CD34, VEGFR-1 каби маркерлар орқали томир деворидаги ўзгаришларда қайси хусусиятларини устунлиги ва атеросклерозда даволанганлар гурухида мезенхимал хужайраларнинг репаратив регенерациясини бахолашда мухим мезонлар ишлаб чиқиш ва бахолашда ахамиятли хисобланади.*

Калит сўзлар: *Цереброваскуляр касаллик, Виллизи халкаси, иммуногистокимёвий текшириш, атеросклероз.*

DIAGNOSIS AND TREATMENT EFFICACY OF CEREBROVASCULAR DISEASES BASED ON IMMUNOHISTOCHEMICAL CHARACTERISTICS

Abduolimov Abdumani Abdunabievich
Mamajonov Bokhadir Solijanovich
Fergana Medical Institute of Public Health (Tashkent, Uzbekistan)
Andijan State Medical Institute (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract: *By examining cerebrovascular diseases through immunohistochemistry, this study identifies dominant response patterns in the blood vessels of treated and untreated groups, localizes specific changes in the anatomical layers of vessels, and evaluates alterations in vessel walls using markers such as CD31, CD34, and VEGFR-1. In atherosclerosis, assessing the reparative regeneration of mesenchymal cells in treated patients provides critical criteria for developing and evaluating key diagnostic and prognostic measures.*

Key words*: cerebrovascular disease, loop of Willis, immunohistochemical study, atherosclerosis.*

ДИАГНОСТИКА И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЛЕЧЕНИЯ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ НА ОСНОВЕ ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК

Абдуолимов Абдумани Абдунабиевич
Мамаджонов Бохадир Солижанович
Ферганский медицинский институт общественного здравоохранения (Ташкент, Узбекистан)
Андижанский государственный медицинский институт (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация: *В данном исследовании, основанном на иммуногистохимическом анализе цереброваскулярных заболеваний, выявлены доминирующие реакции сосудов в группах леченных и нелеченных пациентов, локализованы специфические изменения в анатомических слоях сосудов, а также оценены изменения в стенках сосудов с использованием маркеров CD31, CD34 и VEGFR-1. При атеросклерозе оценка репаративной регенерации мезенхимальных клеток у леченных пациентов представляет собой важный критерий для разработки и оценки ключевых диагностических и прогностических мероприятий.*

Ключевые слова: *цереброваскулярное заболевание, Виллизиева петля, иммуногистохимическое исследование, атеросклероз.*

Муаммонинг долзарблиги: Мия қон-томир касалликлари этиопатогенетик хусусиятларига кўра турли хил касалликлар гуруҳи бўлиб, улар мия қон оқимининг бузилиши ва миянинг ишемик шикастланиши натижасида келиб чиқади, морфологик ва функционал ўзгаришларга олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра 2030 йилга келиб касалланиш деярли икки баробар кўпайиши кутилмоқда (75,6 миллионгача).

